ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 126–127 (7. 215)–(7. 216) 1990 йил 5 июнь, сешанба Баҳоси 5 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди кеча Тошкентда Санъат саройида ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасини қилди.



Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди ҳайъати.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Ўзбекистони») ва Л. ГУСЕЙНОВ («Правда Востока») олган сурат.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида

А Х Б О Р О Т

4 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съезди иш бошлади.

Съездни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар съезднинг раҳбар органларини: ҳайъат, секретариат, таҳрир ва мандат комиссияларини сайладилар. Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига онд таклифларни ишлаб чиқиш комиссияси сайланди.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, Ўзбекистон ССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ўрни ва мавқеи ҳақида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий маърузаси.

2. Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

3. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар , демократик социализм сари» Ҳаракат дастурининг лойиҳаси тўғрисида.

4. КПСС Устави лойиҳаси ҳақида.

5. «Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низом ҳақида.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини; Ўзбекистон Компартияси Назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш.

7. КПССнинг марказий органлари таркибига Ўзбекистон Компартиясидан кўрсатиладиган номзодлар тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXII съездига Марказий Комитетнинг Сиёсий маърузасини қилди.

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тўғрисида комиссия раиси М. А. Зондов маърузаси тингланди.

Музокараларда: Бухоро область партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Нигетуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг раиси О. Е. Ёқубов, Самарқанддаги «Қинап» заводи партия комитетининг котиби Г. С. Паряева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий маърузаси юзасидан XXII съезд резолюциялари лойиҳаларини, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясини сайлади.

Шундан сўнг музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, «Қаршистрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасига қарашли «Каршинрмонтаж» трести 1-махсус механизациялашган кўчма колоннасининг электр монтажчилари бригадири Р. Рўзиев, Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. Н. Маҳмудова, Фарғона кўн заводининг бригадири Б. Т. Нурматов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири Ў. Ҳошимов, Жиззах область Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхознинг звено бошлиғи Н. В. Стряпшева, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси правлениесининг раиси Б. Р. Қориева, Сирдарё область партия комитетининг биринчи котиби А. А. Айдарқулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети миллатлараро муносабатлар тил ва байналмилал тарбия масалалари комиссиясининг раиси П. Қодиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд мандат комиссиясининг раиси Т. А. Алимовнинг маърузасини тинглади ва тасдиқлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг республика коммунистларига, барча халқларига миллатлараро муносабатлар масалаларига оид мурожаатномаси қабул қилинди.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Лобко, мазкур бўлим секторининг мудири Н. И. Семёнов иштирок этмоқдалар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг АҚШда бўлиши

ТАСС махсус мухбирлари хабар қиладилар

ВАШИНГТОН, 2 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). 1 июнь куни СССРнинг Вашингтондаги элчихонасида тантанали ва дўстона вазиятда АҚШ нуфузли жамоат ташкилотларининг мукофотларини ва фахрий мукофотларини СССР Президентига топшириш маросими бўлди.

Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида янгича тафаккур ғояларини амалда рўёбга чиқариш соҳасидаги катта самарали фаолияти учун М. С. Горбачевга «Франклин Делано Рузвельт номидаги озодлик медали» топширилди. Бу олий мукофот иттифоқчиларнинг Гитлер фашизмига қарши уруши даврида мамлакатга бошчилик қилган америкалик Президент номи билан юритилади. Ф. Рузвельтнинг қиз невараси Энн Рузвельт маросимда сўзга чиқиб, М. С. Горбачевга мурожаат қилиб бундай деди: «Келажак бизга нималарни ҳадя этмасин, сиз қилган ишлар кўп йиллар учун маёқ бўлиб қолаверади». Франклин Рузвельт номидаги институтнинг президенти Уильям Ван Ден Хьювел СССР Президентига самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Альберт Эйнштейн номидаги Тинчлик мукофоти жамғармасининг вакиллари М. С. Горбачевга халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги курашга улкан ҳисса қўшганлик учун Альберт Эйнштейн номли Тинчлик мукофотини топширдилар. Бу ҳақда таниқли жамоат арбоби Пол Уорнке ва таниқли ёзувчи Норман Казинс зўр қизиқиш ва самимият билан гапирдилар.

АҚШдаги энг нуфузли диний ташкилотлардан бири «Виждонга даъват жамғармаси»нинг президенти Артур Шнайер СССР Президентига «Тарихий арбоб» деган фахрий мукофотни топширди. У тўпланганларга «Горбачев номидаги бирбирларига талабаларни юбориш» Америка-Совет махсус программаси тузилганлигини айтди. Совет раҳбарининг Ер юзидаги ёш авлод келажаги тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганини алоҳида таъкидлади.

«Дўстлар дунёси» коллежининг президенти Лоуренс Уэйс билан Мартин Лютер Кингнинг бевараси Коретта Кинг М. С. Горбачевга Америка халқи ҳуқуқлари учун атоқли курашчи Мартин Лютер Кинг номидаги халқаро мукофотни топширдилар. Коретта Кинг Михаил Сергеевичга Мартин Лютер Кинг номидаги «1991 йил зўравонликсиз дунё учун» медалини топшираётиб бундай деди: «Бу мукофот мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда янги даврнинг рамзидир ва у М. Л. Кинг тасвири туширилган ҳамда «1991 йил зўравонликсиз дунё учун» М. Л. Кинг номли мукофот» ёзуви бўлган медальондан иборат. Бу мукофот Президент Михаил Сергеевич Горбачевга унинг бутун дунёда тинчлик ва инсон ҳуқуқлари учун курашда буюк роль ўйнаганини эътиборга олиб берилади».

(Давоми 8-бетда).

СЪЕЗДНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

СЪЕЗД ҲАЙЪАТИ

Абдураҳмонов П. М.
Айдарқулов А. А.
Алиева Б. Қ.
Алимжонов А. Б.
Алимова Ҳ.
Алламуротов Б. А.
Беглиев Н.
Бекирова Э. Ф.
Бердиев Ҳ. Э.
Берков Д. Д.
Бомуротов А.
Догонкин П. В.
Ешимбетова Т. А.
Ефимов А. С.
Ёдгоров Д. С.
Ёқубов О.
Ёқубов Н. Н.
Жонибеков В. А.
Жўрабеков И. Ҳ.
Зондов М. А.
Иброҳимов М. И.
Икромов А. И.
Олейник А. Н.
Пак В. Б.
Попов Р. А.
Ражабов Р.
Рўзматов М.
Салоҳиддинов М.
Семёнов Н. И.
Турсунов Э.
Усмонов С.
Мирқосимов М. М.
Мирсандов Ш. Р.
Носиров А. Н.
Нигетуллаев С. Д.
Нурматов Б. Т.
Отажонов А. Р.
Фозилбеков А. И.
Фуженко И. В.
Худойбергонова Р. М.
Юнусов Э.
Янгабоева Ҳ. Я.
Қаюмов П.
Киргизбоева Т. Б.
Қодиров П.
Қорнева Б. Р.
Қушбоев М.
Ғуломов Р.
Ҳалилов Т.
Ҳамидов Ж.
Ҳафизова Ф. Г.
Ҳолмирзаев Қ.

СЕКРЕТАРИАТ

Алесич И. П.
Ашуров А. Ш.
Дебелий А. С.
Мажидова Ҳ.
Набиев Қ. Ж.
Подшоева М. Ю.
Стрельцов В. Ф.
Тўхтахўжаева М.
Умеров Н. А.
Казаков Э. Н.
Қорабоев М.
Қурбонбоева С.
Ҳакимова Р.

ТАҲРИР КОМИССИЯСИ

Ёқубов Г.
Исмонлов О. Ж.
Исмонлов Т.
Насимов Н.
Плотников В. А.
Санджонов И. С.
Скачкова О. В.
Салимов И. Ҳ.
Самандаров Э.
Сафаров Р. А.
Соснин В. А.
Қутлумуратов С. Е.
Ҳайитбоев Э. Қ.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ

Абдурахмов М.
Абдуллаев М. У.
Абдураҳмонов П. М.
Азизов Т. Т.
Алимов О. А.
Алимов Т. А.
Бекниёзов Б. С.
Володарский А. П.
Галкин Ю. К.
Гатауллин Ш. Қ.
Догонкин П. В.
Зорин В. Ю.
Котоврасов Г. Д.
Маллабоева Т. М.
Маматазизов М.
Маматқулов Э.
Михайлов В. К.
Музаффарова М. Ғ.
Муталов А. М.
Муродов Ш.
Мусабекова Д. Н.
Мухторова Н.
Муқимова Д. У.
Нажимов Ш.
Орзуев Д.
Очилова С. А.
Рустамов Б. М.
Рўзнев Б. М.
Таранторова В. И.
Тўхтабоев У. Х.
Усмонов С.
Хўжақулов У.
Шукуров А. Т.
Қурбонова Ж. Ж.
Ҳасанова Т.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАРИ ТАРКИБИГА ТАКЛИФЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КОМИССИЯСИ

Абдуқодиров С.
Асепков Ю. А.
Адҳамов А.
Боймуродов А. Р.
Бибиков И. А.
Ерманов К.
Ефимов А. С.
Жуманазаров Ж. И
Жуманиёзов Б.
Зокиров Ў. О.
Исломов М. И.
Комилов Р.
Крутовская Н. Ф.
Мадраҳимов Ҳ. Қ.
Матниёзов Ш. О.
Маҳмудов А. М.
Мирзаев М. М.
Мирхўжаев М. М.
Музаффарова Л. А.
Набиев К. Х.
Ражабов Э.
Раҳимов Н. Ҳ.
Раҳмонов М. Р.
Саримсоқов Ш.
Сабанцев А. Т.
Сергеев Е. А.
Султонова У.
Туменхўжаева С.
Усмонов С. Н.
Утениёзов Қ.
Шарофиддинова М.
Шарипов А.
Юсупов Э.
Қодиров П.
Қаюмов П.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ РЕЗОЛЮЦИЯЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯСИ

Абутолипов Ч. А.
Акромова Д.
Алламуротов Б. А.
Алимова Ҳ.
Алимов Ҳ.
Ардатов В. Д.
Болтабоев Б. Т.
Ефимов А. С.
Ёдгоров Д. С.
Жавлиева Т.
Жўрабеков И. Ҳ.
Иброҳимов М. И.
Икромов А. И.
Искандаров М. И.
Каримов И. А.
Кунназаров Ў.
Лихин А. Л.
Муродова С. Х.
Мирсандов Ш. Р.
Носиров А. Н.
Нарзиев Р.
Попов Р. А.
Раҳмонов Р.
Стряпшева Н. В.
Сунатов И.
Умаров Н. Ш.
Умарова М. С.
Фозилбеков А. И.
Худайберганова Р. М.
Худойбердиев С.
Ўрунбоева О.
Ғойибов Н. Е.
Ғуломов Р.
Ҳамидов Ж.
Ҳошимов Ў.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ БОРИШИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг СУВЕРЕНИТЕТИНИ ВА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВАЗИФАЛАРИ, МАМЛАКАТ ВА ЖУМҲУРИЯТНИНГ ЯНГИ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига Сиёсий маърузаси

Маърузачи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ўз ишини мураккаб, кескин, айтиш мумкинки, инқирозли вазиятда бошламоқда. Унинг муҳокамасига шундай масалалар қўйилмоқдаки, жумҳуриятнинг, республика партия ташкилотининг ҳозирги аҳволи ва келажаги, қолаверса, бутун мамлакатнинг, бутун партиянинг ҳозирги аҳволи ва келажаги ҳам шу масалаларнинг ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Жумҳурият меҳнаткашлари съездимиздан ҳаммани безовта қилиб турган, жуда ўткир муаммоларга жавоблар кутмоқда.

Ижтимоий-сиёсий соҳада рўй бераётган жараёнлар ҳаммани ташвишга солмоқда. Қайта қуриш туфайли юзага келган демократия ва ошкоралик анархия ва сафсатабозликдан етарлича ҳимоя қилинган эмас. Давлат тузумимиз, сиёсий, ижтимоий тузумимиз асосларига тобора кучли ҳужумлар қилинмоқда. Интизом ва тартиб кўнгилдагидек эмас, жиноятчилик кўпаймоқда, одамларнинг шахсий хавфсизлиги, ҳуқуқлари ва қадр-қиммати кафолатлари бузилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларнинг аҳволи ёмонлашиб бормоқда. Меҳнат унумдорлиги, миллий даромад пасаймоқда. Эҳтиёж буюмлари ва керакли хизматлар билан таъминланмаган иш ҳақининг ўсиши пулнинг қадрсизланишини кучайтирмоқда. Чайқовчилик, порахўрлик, номатлуб (пинҳоний) иқтисодиёт кенг ёйилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг, айниқса кам даромадли аҳоли табақаларининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатаяпти.

Маданий-маънавий турмушда қадрсизликлар рўй бермоқда: омма сиёсатга кўпроқ қизиқиб, унинг фаоллиги ошиб бориши билан бирга, жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий негизларини бузишга, умуминсоний қоидалар ва миллий қадриятларни менсимасликка уриниш ҳоллари кам эмас.

Ижтимоий ва миллатлараро можаролар қалтис тус олди. Болтиқбўйидаги, Кавказортидаги вазият буни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Бу жойлардаги воқеалар граждан уруши ҳолатига хатарли равишда яқинлашиб қолди. Биринчи май куни Москванинг Қизил майдонидаги намойишчиларнинг бир қисми партияга, Советларга қарши фашистларча шиорлар билан чиққанлиги ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатнинг ҳамма жойларида бўлгани каби жумҳуриятимиз коммунистлари, меҳнаткашлари мана шу **бузғунчилик жараёнларидан ташвишга тушмоқдалар:** хўш, жамиятимиз қаёққа қараб бораяпти? Бу салбий ҳодисалар наҳотки қайта қуришнинг муқаррар натижаси, йўлдоши бўлса? Ёки бу нарса сиёсий раҳбарликдаги хатолар, ислоҳотларнинг аниқ режаси йўқлиги оқибатларини пайқаш ва уларнинг олдини олиш мумкинлигидан гумонсираш сабабли эмасмикан? Бу салбий жараёнлар наҳотки хатарли томонга қараб бораверса?

Жуда ўткир масалалар олдимизда кўндаланг бўлиб турибди: **партия ўз бирлигини сақлаб қола оладими?** Партия ўзини турли фракциялар ва платформаларга парчалаб юборишга интилаётган оқимларга зарба бера оладими? У ўзининг янги мавқеини тезроқ қайта идрок эта биладими?

Жўшқин, зиддиятли жараёнларни бунёдкорлик йўлига бошлашнинг уддасидан чиқадими? Ёки бузғунчилик ёндашишлари ва кучлари устун келиб, жамиятимизни тартибсизлик сари, вайроналик сари етаклайдими?

Бу саволларга съезд аниқ, равшан жавоб қайтариши керак.

Биз КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПССнинг янги Устави лойиҳалари хусусидаги ўз фикрларимизни, позицияларимизни белгилаб олишимиз зарур.

Ўзбекистон ССРнинг ҳақиқий сиёсий суверенитети, иқтисодий мустақиллиги ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган йўлларини ва амалий ҳаракатларни белгилаб олишимиз керак. КПССнинг ташкилий ва ғоявий бирлиги масалаларига оид қарорларини ишлаб чиқишимиз лозим.



Мана шуларнинг ҳаммаси республика партия ташкилоти ҳаётида жуда муҳим бурилиш нуқтаси бўлмиш XXII съезднинг алоҳида мавқеи ва аҳамиятини белгилаб беради.

Бу съезд Компартиянинг равшан сиёсий йўл-йўриқлари билан, аниқ Ҳаракат дастури билан қуроллантирадиган қарорларни ишлаб чиқиши керак. Мана шундагина республика тараққиётининг долзарб муаммолари муваффақиятли ҳал этилишига умид қилиш мумкин.

I. Ўтмишнинг асосий сабоқлари

Лениннинг воқеа ва ҳодисаларга теран муносабатда бўла олиш анъаналарига амал қилиб, вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият нақадар мураккаб ва қийин бўлмасин, унга холисона баҳо бериш зарур.

Жамиятимизни инқилобий қайта қуришдан, халқчиллик тузумлари асосида бутунлай янгилашдан бошқа йўл йўқ эди ва ҳозир ҳам йўқ. Акс ҳолда мамлакат муқаррар равишда жаҳон тараққиётида чеккада қолиб кетган бўлур эди. Туб ўзгартишлар жамиятнинг тараққиётига янги омил бахш этиши, социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини кўпайтириши лозим.

Аммо бу соҳада аниқ мезонлар ва фикрлар бўлиши керак. Биз, социалистик ғоя аввал бошданоқ нотўғри эди, 1917 йил Октябри хато бўлган деган даъвога қўшилмаймиз. Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона, ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди. Ахир, кекса авлодларнинг, ота-боболаримизнинг кураши ва меҳнатини инкор этиб бўладими? Улар ярим феодал ҳолидаги қолоқ мамлакатни ижтимоий ва илмий-техникавий жиҳатдан тараққий этган замонавий даражага кўтардилар. Бу аниқ-равшан далилни ҳеч ким рад қила олмайди.

Социалистик қурилишнинг кўпгина босқичларида қўпол хатолар ва бузилишларга йўл қўйилганини ҳам ҳеч ким, ҳеч нарса шубҳа остига қўя олмайди.

Бу хато ва жиноятларнинг илдизлари ўтмишга бориб тақалади. Уларнинг энг каттаси шундан иборатки, бир вақтлар социализм хусусидаги ҳамма фикрларни янгилаб туриш лозимлиги тўғрисида В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилаётган таълимотга хилоф ўлароқ «бизнинг жамиятимизга сунъий модель мажбуран қабул қилдирилди. Жамият мана шу моделга мослаштирилди. Адолатсизликлар, бузилишлар кўп бўлганлигининг сабаби ҳам мана шунда», — деди М. С. Горбачев мамлакатимиз пойтахти Фрунзе районининг коммунистлари ҳузурида сўзлаган нутқида.

Шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик йилларида нотўғри йўл-йўриқлар, мақсадлар ва уларга эришиш йўллари бутунлай бузиб, сохталаштириб юборилди. Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилинганини, халқларнинг маънавий қадриятлари ва анъаналари қалбакилаштирилганини, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетганлигини, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қўйганликларини кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда.

Бундай салбий ҳодисалар барча музофотларда, ҳамма жумҳуриятларда содир бўлган эди, бундан барча халқлар азоб тортган эдилар. Салбий ҳодисалар қаерда кўпроқ, қаерда камроқ содир бўлганини ҳисоблаш — одамларнинг қайғу ва аламига туз сепиш демакдир. Бу хунук сиёсий ўйиндир.

Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъиян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан суғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий соғломлиги олдида кечирилмас хато бўлур эди.

Энг муҳим вазифа — жумҳуриятнинг ҳозирги ҳаётига халақит бераётган хато ва бузилишларни аниқлаб олишдан иборат. Аҳволни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборат. Миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг барча энг ўткир муаммоларини ҳал этишдан иборат.

II. Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи

Миллий сиёсатнинг, халқлар тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг ленинча принципларида орқага чекиниш рўй берганлиги тузатиб бўлмайдиган катта зиён етказди. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида бу ҳақда очиқ-ойдин айтилди.

Бироқ бунинг учун, муайян шовинист ва миллатчи кучлар талқин этаётганидек, халқларнинг ўзи айбдор эмас. Барча синовларнинг энг кўп оғирлиги зиммасига тушган Россия меҳнаткашлари бунинг учун асло айбдор эмаслар.

В. И. Ленин «Россия ва Шарқдаги барча меҳнаткаш мусулмонларига» хатида бундай деган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».

Лениннинг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги Декретини, Ўрта Осиёда олий таълимга асос солган илм-фан поездини, мамлакат саноат марказларининг жумҳурият саноатини ривожлантиришдаги ёрдамини, ўнлаб корхоналар беғараз берилганини, мутахассислар тайёрлашдаги мададни, тарихдан ва халқларимизнинг миннатдор хотирасидан ўчириб бўладими? Улуғ Ватан уруши йилларида халқларимизнинг биргаликдаги кураши ва ўзаро мададкорлигини, зилзила натижасида вайрон бўлган Тошкент қайта тикланганини, каттакатта умумхалқ қурилишлари ва сув хўжалиги иншоотларини унутиб бўладими?

Жўн қиёсларни тилга олмай қўя қолайлик: жумҳуриятимиз қолоқликдан ўтиб, социализм қуриш йўлини нимадан бошлаганини эслашнинг ҳожати йўқ. Бу ҳақдаги рақамлар ва мисоллар неча марталаб айтилган. Социалистик қурилиш давомида Ўзбекистон йирик саноат ўлкаси бўлиб қолди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари неча карра ошди, маданиятни, халқ таълимини, фан ва санъатни ривожлантиришда катта йўл босиб ўтилди. Буларнинг ҳаммаси шак-шубҳасиздир.

Бироқ шу нарса ҳам шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, жумҳурият барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12 ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича эса. Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан жумҳурият мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баравар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси жиҳатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баравар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охирги ўринлардан бирига тушиб қолганининг — ҳақли равишда тангли ҳолат деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Жумҳуриятнинг тақдири учун, унинг келажаги учун қайғураётган, унинг ёш авлоди тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига-ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, қанчадан-қанча сиёсат зулмлари унутила бошлагач, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлади? Аввало шунда-ки, бизнинг жумҳуриятимиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССРнинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмади.

Келинглар, жумҳуриятимиз умумиттифоқ меҳнат тақсимотида қандай ўринда турганини, қайси кўрсаткичлар бўйича олдинги марраларга силжиганини бир кўздан кечирайлик. Биз жумҳуриятимизда 1500 йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергия ҳозир ҳар тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирар эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Қишлоқ хўжалигимиз мамлакатдаги пахтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоизидан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди.

Бу хулосалар мўътабар минбарлардан туриб, диссертациялардай рапортларда ва маълумотномаларда кўп такрорланган. Хўш, бу гапларнинг заминида қандай маъно бор? Иқтисодиётимиз бир ёқлама тарзда, урҳо-урларча хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан республика ташқарисига чиқарилмоқда. Жумҳуриятдан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлардан дарак беради.

Жумҳуриятга келтирилаётган нарсаларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.

Ғалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хом ашё — пахта, нитрон, капролактам ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмаганлиги оқибатида айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, кўп маблағ сарфламасдан, корхоналарни бир мунча ўзгартириб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлур эди. Ана шунда материал ва товар таъминоти молиявий имкониятларни қидириб топиш масалалари бу қадар кескинлашмаган бўлур эди.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юборадиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқлари устун деб ҳисобланди. Натижада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолди. Бунинг ўрнига ёқилғи саноати, химия ва нефть химияси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди. Айни вақтда машинасозликнинг улуши шу йилларда атиги 7 кўрсаткичга кўпайди ва ҳозирги вақтда атиги 16 фоизни ташкил этади.

Бу тармоқларнинг жадал ривожланиши эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳал қилмади ва ҳал эта олмас эди. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига ёқилғи саноати ва электр энергетикада 9 киши, химия саноатида 16, нефть химиясида 18, қора металлургияда 34, рангли металлургияда 24 киши жалб этилмоқда. Енгил саноатда эса 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига 168 киши, ёғочсозлик саноатида 143, машинасозликда 112, озиқ-овқат саноатида 90 киши иш билан таъминланади. Шу тармоқларнинг айрим соҳаларида эса меҳнатталаблик кўлами 300—400 кишига етади. Аммо бу хусусиятлар ҳисобга олинмади.

Бутун фаолияти пахтачилик билан, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билангина чекланган машинасозликни комплекс ривожланган соҳа деб бўладими, ахир. Жумҳуриятда мураккаб рўзғор техникаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар ва шу кабилар деярли ишлаб чиқарилмаяпти.

Нега бундай бўлди? Халқимиз — истеъдодли халқ, у замонавий ишлаб чиқаришни, электроникани, ускунасозликни, илм-фан ва меҳнат сарфи кўплаб талаб қилинадиган бошқа саноат тармоқларини ўзлаштириб олишга қодир.

Ҳозир кимё ривожланишидаги «муваффақиятлар»га ҳам ачиниб қайта баҳо беришга тўғри келади. Бу соҳада каттакатта корхоналарга афзаллик бериб келинди, улар жумҳуриятдаги экология вазиятини жуда ёмонлаштириб юборди. Бу корхоналар неча ўнлаб аждодларимизнинг меҳнати билан обод қилинган, гуллаб-яшнаб турган воҳаларда жойлаштирилганлиги кишини айниқса ғазаблантиради. Бу ўринда гап Янги Қўқон химия заводи, Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд, ва Навоий химия корхоналари, бошқа кўпгина корхоналар ҳақида бораяпти. Бунинг устига мана шундай азим корхоналар ҳам аслида дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни — нитрон, ацетат, капролактамни ишлаб чиқармоқда-ки, улар ҳам Ўзбекистондан ташқарига юборишга мўлжалланган-дир.

Жумҳурият ялпи пахта ҳосилини ғаразли мақсадларда кўпайтирди, деган даъволар ҳам бўлди. Бу афсонага чек қўйиш пайти келди. Пахтанинг яккаҳокимлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинди.

Сўнгра 30-йиллардан бошлабоқ Ўзбекистон ССР олдига қандай қилиб бўлмасин мамлакатнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Биз қанча машаққат билан бўлмасин бу вазифани ҳал қилдик.

Ўзбекистонни пахта етиштиришга мана шундай ихтисослаштириш оқибатида жумҳуриятда гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди, бироқ, биз шунга мувофиқ равишда ўрнини тўлдирадиган ҳеч нарса олмадик.

Айни бир вақтда жумҳуриятнинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди, пахта яккаҳокимлиги, илмий асосланган алмашлаб экишлар бузилганлиги, ернинг тинка-мадори қуриб кетганлиги, сув манбаларининг имкониятлари тобора камайиб борганлиги қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди. Орол денгизининг фалокати Қорақалпоғистон учун, бутун Ўзбекистон, Ўрта Осиё учун ва Қозоғистоннинг жануби учун бориб турган экологик кулфат бўлди, энди Оролни қутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулодда чора-тадбирлар кўрилиши керак.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар, халқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта хатолар ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди. Халқ хўжалиги соҳасида бир қанча машаққатли муаммоларни вужудга келтирди. Жумҳуриятда ижтимоий, иқтисодий кескинлик кучайиб, танглик ҳолати юзага келишига сабаб бўлди.

Бошқа барча муаммолар — аҳолининг иш билан таъминланиши, миллий даромаднинг шаклланиши каби соҳаларга ҳам бу аҳвол ўз таъсирини ўтказди, бу эса бюджетнинг камомадига, ҳар бир оиланинг моддий таъминоти даражаси пасайишига олиб келди.

Мактаб ва мактабгача таълимни ривожлантириш, ёшларни ахлоқий тарбиялаш масалаларини олиб кўрайлик-чи. Фақат энг илғор ишлаб чиқаришгина, оқилона йўлга қўйилган инфраструктура ва аввало, ижтимоий инфраструктурагина ёш авлодни уйғун камол топтириш учун, уни болалик чоғида замонавий ишлаб чиқаришга, фан-техника тараққиётига қизиқтириш учун шароит яратади.

Бугун биз съездда бутун масъулият билан шундай дейишимиз керак: регионимиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқни эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазйиқи остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак. Регионимиз тараққиётининг истиқболларига аввало жумҳурият аҳолисининг, мана шу қадимий ва гўзал диёрда яшовчи барчанинг, ҳар бир кишининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишини, структура ва инвестиция сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш, барпо этилган ишлаб чиқариш қувватидан, ижтимоий ва маънавий имкониятлардан фойдаланиш соҳасида ўтказиладиган ва ҳозирнинг ўзидаёқ ўтказилаётган стратегияга мана шундай ёндашув асос қилиб олиниши керак.

Йиғилиб қолган муаммоларимиз Ўрта Осиёдаги барча жумҳуриятларга ва Қозоғистонга ҳам тааллуқли эканлиги равшан. Чунки иқтисодиётда, маданият ва тарихда уларнинг муштарак белгилари кўп. Бироқ, бу соҳада ҳам тузукроқ ўзаро алоқалар йўлга қўйилмаган. Бизнинг чуқур ишончимизга кўра, агар муносабатлар янада мустаҳкам, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, тўғри меҳнат тақсимоти асосига қурилса, ҳар бир жумҳурият бундан манфаатдор бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин, жамият демократия, ошкоралик ва рўй-ростлик сари бурилганидан сўнг жумҳуриятимиз бошидан кечираётган тангликнинг ҳақиқий сабаблари ҳақида рўй-рост гапириш мумкин бўлиб қолганлигини ҳаммамиз англаб турибмиз.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

И. А. КАРИМОВ маърузасининг давоми

(Давоми. Бошн 2-бетда).

III. Маънавий-сиёсий вазият ва уни барқарор қилиш чоралари

Жумҳуриятимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари 1985 йилнинг апрель ойини катта умид билан кутиб олдилар. Ўзбекистонининг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа, аҳолининг турмуш даражаси танг аҳволга тушиб, қақшаб қолганлигини биз бошқа регионлардагига нисбатан ўткирроқ ҳис этиб турар эдик, десак арзийди. Бундан буён иш шу тахлитда давом этмаслиги лозимлигини, ҳамма йўналишлар бўйича, ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар зарурлигини уқиб олган эдик.

Қайта қуриш жумҳуриятимиз ҳаётининг ниҳоятда мураккаб, зиддиятли, кўп жиҳатдан машаққатли даврига тўғри келди. Ўлкамиз пахтанинг миқдори кетидан қувиб ҳолдан тойган эди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа қашшоқлашиб кетган, деҳқонларнинггина эмас, бутун аҳоли, унинг барча табақалари, жумладан, болалар ва ўсмирларнинг ҳам тинкамадори қуриган эди, улар ўқишдан қолиб, соғлиқларига путур етиб, пахта далаларида азият чекишар эди.

Ўзбекистон Компартияси ишларнинг аҳволини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш ва аҳволни ўнглаб олиш учун қатъий чоралар кўриш ташаббускори бўлди. Барча соғлом кучлар ижтимоий адолат учун, қўшиб ёзишлар, қаллобликлар, ўғриликлар, порахўрлик ва ошна-оғайнигарчиликка барҳам бериш ва кадрларнинг айнишига чек қўйиш учун кураш бошладилар.

КПСС Марказий Комитети ва мамлакат ҳукумати Ўзбекистондаги аҳволни ҳисобга олиб, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини бошқаришнинг барча бўғинларида тартиб ўрнатиш ҳамда ижтимоий адолатни тиклаш, жумҳурият аҳолисига зарур ёрдам кўрсатиш учун аниқ ва вазминлик билан тузилган тадбирларни белгиладилар.

Аммо ҳозир шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ҳаёти кадрлар билан ишлашдаги жиддий хатоларни бартараф этишга қаратилгандир. Қонунчиликни қўпол тарзда бузишга чек қўйишга ва одамларни ўзбошимчаликдан муҳофаза этишга қаратилгандир. Ўз моҳияти билан тўғри бўлган ана шу йўл жумҳуриятимизнинг маълум шароитларида амалга оширилишининг биринчи кунлариданоқ бузила бошланди.

Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Жумҳурият, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат лузумларининг айниб кетиши ва ўша ялпиликдан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади.

Партия бошлаган жуда машаққатли кураш дан мамлакат марказий идораларида ҳам муайян кучлар ўзларининг ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланди.

Оммавий ахборот воситаларида халқни далил-исботсиз таҳқир этиш, айрим ҳалол меҳнаткашларни маънавий эзиш, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилиши халқнинг дарди устига чиқди бўлди.

Бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон Компартияси ва жумҳурият раҳбариятига келиб қолиши аввало шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, жумладан Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузишларини пайқамасликка одбон уриндилар.

Сўнгги вақтда Ўзбекистондаги соғлом кучлар халқни ана шу адолатсизликдан ҳимоя қилиш учун анча иш қилдилар, аммо бундан буён янада кўпроқ иш қилиниши керак.

Бугун биз жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиддий силжишлар бўлди деб айта олмаймиз. Аксинча, жумҳурият хом ўйланган тажрибаларнинг ўзига хос синов майдонига айланди.

Мамлакатнинг бошқа регионларида бўлганидек, гоҳо нчликбозликка қарши бошланган кампания, гоҳо давлат қабули, гоҳо хўжалик ислоҳоти, баъзида эса давлат корхонаси тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги пухта ўйланмаган қонунларнинг жорий этилиши ана шу унумсиз тажрибалар жумласидандир.

Бугун шуни айтиш керакки, жумҳурият раҳбарияти ана шу барча тадбирларни амалга оширишда марказга маъқул тушсин деб биринчи ўринда бўлишга ҳаракат қилди, айни вақтда бу халқ учун қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб ўтирмади.

«Жумҳурият халқ хўжалиги комплексини бошқаришнинг бош схемаси» деб аталмиш зўрма-зўраки схема Ўзбекистоннинг хусусиятлари ва жумҳурият аҳли манфаатларини инкор этишнинг яққол мисолидир. Бу ўринда гап қарор топган структуралар ва таркиб топган алоқаларни беўхшовлик билан, сира асосланмаган бир тарзда қайтадан «бичиб-тикиш» дагина эмас, балки яроқсиз ёндашув методикасининг худди ўзгинасидадир.

Аслида барча аҳолининг ҳаётий манфаатларига даҳлдор бўлган, амалга оширилиш мўлжалланаётган ўзгаришлар жамоатчиликдан яширинча тайёрланди. Аниқ-равшанлик киритишга, ўзгача таклифларни асослаб беришга ҳар қандай уринишлар рад этилибгина қолмай, таҳқирлайдиган ёрлиқлар ва сиёсий айблар ёрдамида бўғиб ташланаверди.

Буҳи қарангки, гўё консерватизм, маҳаллийчилик янгиликка қарши чиққан эмиш. Оқибатда халқ хўжалигига неча юз миллион сўмлик зарар етказилди. Одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари оёқости қилингани натижасида етказилган маънавий зиённинг мезони борми, аҳволни дарҳол ўнглаб олиш учун қилинган ҳаракатлар-чи?

Энди бир савол пайдо бўлади: хўш, бундан ким наф кўрди, ана шу сохта қайта қуриш қарорларини ким айтиб туриб ёздирган эди ва ким шу йўсинда амал пиллапоясидан кўтарилмоқчи бўлган эди? Ўзининг лавозимига кўра жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиши ва ана шу қимматга тушган тажрибаларнинг йўлини тўсиши лозим бўлган раҳбарлар қаерда эди?

Илгариги Марказий Комитет бюроси ҳайъати фаолиятида аниқ-равшан позиция, ирода бирлиги бўлмаганлиги, шу фаолиятнинг бўшлиги жумҳуриятга, унинг партия ташкилотига қимматга тушди. Биринчи раҳбарларнинг йўл қўйиб бериши сабабли бу ерда ўзига хос «пинҳоний кабинет» таркиб топди, ушбу «кабинет» куч ишлатиб тазйиқ кўрсатиш ва орқаворотдан туҳмат қилиш йўли билан жумҳуриятнинг чинакам манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган авантюристик қарорларни тиқиштираверди.

Маҳаллий кадрлар ва бошқа регионлардан жўнатилган кадрларнинг сунъий тарзда кучайтирилган қарама-қаршилиги ўнглаш қийин бўлган сиёсий ва маънавий зарар етказди.

Бошқа регионлардан жўнатилган кадрларнинг баъзилари жумҳурият эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлиқ деб билдилар.

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар жумҳурият ҳаётини босиб-янчиб, қинғир ўзанга солишга киришдилар.

Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди.

Айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам амал пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, ўзларини аждодларини унутган манқуртлар деб шошма-пошма эълон қилдилар. Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларини дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар.

Буни байналмилалчилик шиорлари билан ниқоблашга бе-ўхшов уринишларнинг чинакам байналмилалчиликка мутлақо алоқаси йўқ эди. Жумҳурият ҳудудида ўзбек тилининг давлат тили сифатида эътироф этилиши тўғрисидаги қонун даставвал қай йўсинда тайёрланганлигини эслаб ўтиш кифоя. Худди шу йўсинда икки тиллик ҳақидаги қонун лойиҳасини ўтказиш учун анча ҳаракатлар қилинди.

Одамлар, ҳатто бир умр қишлоқда яшаб, она тилида сўзлаб келган, тил боисидан сира қийинчиликка учрамаган кишилар ҳам бу лойиҳани қабул қилмадилар.

Тақрор айтаманки, уларнинг ҳаммаси амалга интилган кишиларнинг, «об-ҳаво»га қараб иш юритган кишиларнинг қилмиши эди. Аммо қилғиликни қилиб қўйган ана шу арбоблар энг асосий нарсани — халқни унутиб қўйишди. Халқ эса ҳеч қачон миллий ўзига хослик йўқолиб кетишига рози бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий норасолик, демография вазияти ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология танглиги, халқнинг маънавий жиҳатдан ҳақоратланиши жуда қалтис вазиятни вужудга келтирди. Экстремист кучлар эса вазиятни кескинлаштириш, одамларни оммавий тартибсизликларга ва ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларга тортиш, ижтимоий ва миллатлараро нифоқлар ва тўқнашувларни чиқариш учун шу ҳолатдан фойдаландилар.

Ўтган йили Фарғона вилоятида бўлган фожиали воқеалар, яқиндагина Тошкент вилоятининг Бўка ва Паркент районларида, Андижон шаҳрида бўлган тартибсизликлар худди ана шу шароитда юзага келди. Бу воқеаларга область, шаҳар ва район партия комитетлари даражасида ҳам, Марказий Комитет даражасида ҳам кескинлик билан партиявий баҳо берилди. Бу баҳоларни қайтариб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Аммо ўша воқеалардан ҳали яна неча бор сабоқ чиқариб олишимизга тўғри келади.

Хўш, бу сабоқларнинг моҳияти нимада? Аввало шундаки, маҳаллий партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари халқдан, унинг дарди ва эҳтиёжларидан ажралиб қолган эдилар, вазиятни назорат қилиш, воқеаларни олдиндан билиш ва уларни бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолган эдилар.

Эшикни маҳкам ёпиб олиб, ўз ҳоналарида одамлар тақдирини ҳал этаётган кўпгина мансабдорлар қалтис вақтда кишилар ҳузурига чиқишга қўрқдилар. Уларнинг халққа айтадиган гапи йўқ эди, улар халқни тушунмас эди, халқ ҳам уларни тушунмас эди. Бунинг устига уларнинг кўпи халқнинг тилини ҳам билишмас эди.

Боз устига, кейинчалик маълум бўлишича, кўпгина амалдор шахслар, жумладан, воқеалар ўт-оловдек чақнаб кетган Тошлоқ районидаги ана шундай шахслар қонун-қоидаларни бузишган, порахўрлик қилишган. Улар, аввало, ўзлари ва қариндош-уруғларига якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари ажратиб беришган, ссудалар олишган, ҳолбуки, ер ва қарз олишга муҳтож бўлган 400 нафар оддий меҳнаткашларга рад жавоби берилган эди.

Сотиш учун 319 автомашина ажратилганида, шулардан 236 таси районда яшамайдиган, жумладан, бошқа жумҳуриятларда истиқомат қиладиган кишиларга ғайри қонуний тарзда тақсимланди. Уй-жой тақсимлаш тартиби қўпол тарзда бузилди, ғазалотириш, сув таъминоти, ишга жойлаштириш масалалари неча йиллар мобайнида ҳал бўлмай қолаверди.

Ҳолбуки, турмушнинг ана шу масалалари ҳал этилмасдан туриб одам қўнгилдагидай яшай олмайди-ку. Аҳвол шундай экан, партия, совет органларининг обрўси, уларнинг оммага таъсири ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ноқобилликларини кўрсатдилар. Улар оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш у ёқда турсин, кўпинча шу тартибсизликларга ўзлари йўл очиб бердилар. Кейинчалик эса, яна вазият барқарорлашиб, тергов бошлангач, улар ишни юзаки юритишни афзал кўрдилар. Оқибатда фожианинг бош ташкилотчилари ва асосий фожианинг сабабчилари панада қолиб кетди.

Одамлар ўз тирикчилигидан норози бўлиб турган бир вақтда айрим порахўр, ноинсоф унсурлар вазиятдан фойдаланишга уринадилар ва аксар ҳолларда бунга муваффақ бўлдилар. Ушбу унсурлар учун шахсий манфаат, шахсий нафсоният одамларнинг, халқнинг манфаатларидан устундир. Биз буни илгаб олишимиз керак. Тартибсизликларнинг қатнашчилари ҳар хил ижозат берилмаган митинглар, йиғилишлар ва юришларнинг ташкилотчилари, матбуотда нохолис мақолалари билан чиқаётган, миш-мишлар, варақалар тарқатаётган, шарттаки талаблар баён этилган хатларни уюштираётган кишиларнинг таъсирида бўлганлиги аён-ку!

Асосий якун шундан иборатки, Фарғонадаги ёнғинлар алангасида бизнинг қарорларнинг сеҳрли кучи тўғрисидаги кўпгина тасаввурларимиз ёниб кетди. Илгариги Фарғона область партия комитети тўрт томонга жар солиб партия ташкилотларининг жанговарлиги кўригини ўтказаяпмиз, деб юрар эди. Ана шундай расмий тадбирлар ҳам бамисоли тумандек тарқаб кетди.

Очиқ-ойдин айтиб қўя қолайлик: агар жумҳурият раҳбарияти ана шундай шароитда мавҳум панд-насиҳатларни давом эттираверадиган бўлса ва баъзи пуч ваъдалар бераверса, ҳалокат миқёсларини тасаввур этиш қийин эмас. Янги раҳбарият олдида эскиликни бартараф этиш, вазиятни юмшатиш, портлаш бўлишига йўл қўймаслик учун зарур имкониятлар қидириб топиш ва самарали, таъсирчан чоралар кўришдек оғир вазифа турар эди.

Шундай тадбирлар кўрилди ҳам. Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта тайёрлашни барқарорлаштириш шулар жумласидандир. Пахта ва бошқа маҳсулотларни йиғиштириб олиш учун тўланган қўшимча ҳақ шулар жумласидандир. Ўтган йили қарийб 400 миллион сўмлик қўшимча ҳақ тўланди, бу йил эса ҳақ икки баравар кўпаяди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масала ҳам қисман ҳал қилина бошланди. Даромади кам бўлган аҳолига ёрдам берилаяпти, бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларга, хаста, ҳомиладор аёлларга бепул нонушта бериладиган бўлди. Ветеранларнинг пенсиялари ва имтиёзлари кўпайди. Талабалар қўшимча пул олаяптилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тадбирларнинг ҳаммаси жумҳурият аҳолисига, энг аввало қишлоқ аҳлига жуда маъқул бўлди. Дарҳақиқат, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун берилаётган ернинг кўпайтирилиши, шу мақсадлар учун ссудаларнинг ва қурилиш материалларини сотишнинг кўпайиши шу тадбирлар сирасига киради.

Кўп болали оналар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ёрдамни кўпайтириш тўғрисида Президент қабул қилган фармонлар ҳам шулар жумласидандир. Шахсий ёрдамчи хўжаликни муқаррар тарзда ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги тадбирларни ҳам тилга олиш мумкин.

Одамзоднинг ризқ-насибаси фақат нонгина эмас. Жумҳурият ҳудудида ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, илгари тақиқлаб қўйилган урф-одатлар ва анъаналарнинг тикланиши, халқ эъзозлаган «Наврўз» байрамининг қайта туғилиши ва шу кунниг дам олиш куни деб эълон қилингани, Ўзбекистондан хизматга чақирилаётган йигитлар қурилиш қисмларидаги ҳарбий хизмати тартибининг ўзгартирилганлиги ва бошқа кўп тадбирлар инсонга ғамхўрлик, халққа иззат-икромнинг мужассам бўлишидир.

Буларнинг ҳаммаси, бировлар беҳуда уқтиришга уринаётганидек, халққа хушомад эмас, балки бизнинг принципиал йўлимиздир, биз бу йўлни келажакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз.

Биз Коммунистик партиянинг сайловолди Ҳаракат дастурида шуни баён этган эдик, шу негизда жумҳурият меҳнаткашларининг ишончини қозондик, ҳокимият органларида аксарият кўпчилик овоз олишга муваффақ бўлдик. Халққа берган ваъдамизни бажариш, амалий ишлар билан унинг ишончини оқлаш — бизнинг бурчимиздир.

Сўнгги вақтда Марказий Комитетнинг 1984 йил XVI пленуми қарорларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш зарурлиги тўғрисида таклифлар айтилмоқда. Бир қанча область партия конференцияларида, партия органларига келаётган мактубларда ҳам шу гап кўтарилди.

Дарҳақиқат, бугун биз Ўзбекистон Компартиясининг ана шу ва кейинги пленумларидаги, Ўзбекистон Компартияси XXI съездидаги таҳлил ва хулосаларни бир хил қабул қила олмаймиз.

Аввало, пахта миқдори кетидан қувиш, пахта яккаҳокимлиги «маҳаллийчилик» манфаатларига мос эди, жумҳурият шунинг эвазига «бойлик орттирди» деган хулосага сира қўшилиб бўлмайди. Биз мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш учун ўз байналмилал бурчимизни адо эта бориб, кўра-била туриб, жумҳурият манфаатларига ва илмий агротехника талабларига путур етказиб, мева ва сабзавот, ем-хашак тайёрлашни чеклаб қўйишга, демакки, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни чеклаб қўйишга мажбур бўлдик.

Оқибатда мамлакатда озиқ-овқат истеъмоли, умуман, турмуш даражаси бўйича охирги ўринлардан бирига тушиб қолдик. Пахтамиз учун муносиб ҳақ тўлаш ўрнига, бизга, боқиманда бўлиб қолдингиз, деб таъна қилишди. Халқни бу тарзда беҳаёлик билан оёқости қилишни биз қатъий рад этамиз.

Алмисоқдан қолган турмуш тартибига мойиллик хусусидаги таъналарни ҳам, халқ анъаналарига, диний эътиқодга ўзбошимчалик билан баҳо беришни ҳам, халқ хотирасидан ўтмишни ўчириб юборишга уринишларни ҳам қабул қила олмаймиз.

Буларнинг ҳаммасини биз қатъиян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-но муси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз.

Лекин бу адолатсизликлар XVI пленумнинг ўзи билан эмас, балки шу пленум қабул қилган йўлдаги ножўяликлар ва айнишлар, шу йўлни амалга оширишдаги ўзбошимчалик билан изоҳланади. Жумҳурият бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, амал пиллапояларидан кўтарилиб борган кишилар ножўяликлар ва айнишларга йўл очиб беришди.

Партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг бир қисми порахўр бўлиб чиққани, ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчилик кенг тарқалиб, ижтимоий адолат принципларини қўпол тарзда бузилганлиги фактини эътироф этмасдан илож-миз йўқ.

Айрим кишилар сўнгги вақтдаги хунук ҳолатларга баҳо беришар экан, тезроқ ўтмишдаги салбий ҳолларни ўчириб ташлашни, бундай ҳолларни йўқ эди деб эълон қилишни ёки, жуда бўлмаганда, улар батамом бартараф этилди, деб эълон қилишни истар эдилар.

Аммо ер участкалари ажратиб берилаётганида, якка тартибда уй-жой қуриш учун ссудалар берилаётганида, қурилиш материаллари билан таъминлаш чоғида таъмагирлик ва порахўрлик қилинаётгани ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, жумҳуриятнинг бошқа органларига анчагина ташвишли хабарлар келиб турибди.

Олий ўқув юртларидаги порахўрлик, касалхоналарда даволаш чоғидаги таъмагирлик ҳали ҳам учраб турибди. Камёб моллар, машиналар билан чайқовчилик қилиш жамият бошига битган бало бўлди. Уй-жойни тақсимлашда ҳам ҳали зарур тартиб ўрнатилгани йўқ.

Кооперативлар фаолиятини маблағ билан таъминлаш, валюта операцияларини рўёбга чиқариш чоғида қонун-қоидаларнинг кўпол тарзда бузилиши аниқланмоқда.

Биз номатлуб (пинҳоний) иқтисодиётнинг таъсири ортиб бораётганлигига ҳам бепарво қарай олмаймиз, талай жойларда ана шу «номатлуб иқтисодиёт» айрим ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари билан тил бириктириб олмоқда. Хўш, бундан ким кўпроқ озор чекаяпти? Биринчи навбатда халқ, ишчилар синфи, деҳқонлар, оддий одамлар бунинг жабрини тортишмоқда, албатта.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан мартабали шахсларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилиши эҳтимоли кўп баравар ортади. Биз фуқароларни ҳар хил жиноятлардан, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жиноятларидан ижтимоий муҳофаза этиш дастурини кучайтиришимиз лозим бўлади.

Раҳбарларнинг интизоми ва масъулиятини мустаҳкамлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш тўғрисидаги қоидалар ўз долзарблигини йўқотиши у ёқда турсин, янгича аҳамият касб этмоқда.

Ўз-ўзимизга ва бошқаларга нисбатан қаттиққўллик билан талабчан бўлиш—бу мавсумий юмуш бўлмасдан, балки бизнинг принципиал йўлимиздир ва биз бу йўлни келажакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз. Модомики, партия обрўси учун, коммунист номи учун жавобгарлик мезони бугун бекиёс ўсиб кетган экан, бу йўлни яна ҳам муросасизлик билан давом эттираверамиз.

Ҳамиша, тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллаларида ҳам босиқ-вазминлик, холислик ва масъулият зарур. 60—80-йилларда содир бўлган барча воқеаларни айрим шахсларнинг айби билан бўлган эди, деб ўчириб ташлаш ва худди шу асосда ўша даврда ҳамма нарса бир хил нохуш бўлган эди, деб чалиб ташлаш мумкин эмас.

Шараф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худди ана шу позициялардан ёндашиш лозим бўлади. У биз эндиликда турғунлик йиллари деб атаётган даврда қарийб чорак аср мобайнида жумҳуриятга раҳбарлик қилиб яшади ва ишлади.

Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кўра халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат ўша кишининг номи билан боғлиқ бўлган, жумҳурият ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамият га эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди. Тўғри, ўша даврда хўжакўрсинчилик ва рапортбозлик, дабдаба ва кўзбўямачилик, ошна--оғайнигарчилик ва фитна ҳам авж олган эди.

Хўш, худди ўша Рашидов барча воқеаларнинг асосчиси бўлган эдими? Ва бугун биз яқдиллик билан қоралаётган иллатлар фақат унинг ўзигагина хос бўлганми? Ахир худди шундай ҳодисалар бошқа республикалар ва регионларда ҳам рўй бермаганмиди?

Брежнев ва унинг атрофидаги шахсларнинг масъулиятини ҳам унутмаслигимиз керак.

Биз Рашидов номи билан боғлиқ бўлган барча салбий нарсаларни қоралаймиз. Бу салбий нарсалар биз учун мақбул эмас. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак. Бусиз олға қараб ҳаракат қила олмаймиз.

Шу билан бир қаторда ўша даврдаги қилмишларни энди ликда ҳаётдан кўз юмган битта шахснинг ўзигагина боғлаб қўя олмаймиз. Боз устига Рашидовни бугун фош этаётганларнинг аксарияти ўша вақтлар анча баланд лавозимларда у билан бирга ишлаган эдилар. Шундай экан, ҳозир унинг номини сотишга йўл қўйиб бўлмайди.

Оддийгина диёнат, андиша туйғуси, ўтмиш учун шахсий масъулият каби тушунчалар тўғрисида гапирмаганимизда ҳам ана шундай субутсизлик усулларининг хавфи шундаки, ҳозир ҳам айрим кимсалар ўз нафсониятини ўйлаб, янги гапларни қидирмоқдалар, лузумсизлик билан зир югуриб, ўзларини сақлаб қолишга ва ҳатто янги тўлқинларда яна баландроқ «амал тахти»га минишга уринмоқдалар.

Айни вақтда асосий нарса панада қолиб кетмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, ҳар қандай даврда халқ буюк меҳнаткаш бўлиб келган эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлади, ер юзидаги барча қадриятлар худди ана шу меҳнаткашнинг қўллари билан бунёдга келган.

Кимки халққа ҳалоллик билан, мардлик билан муттасил ҳақ сўзни айтиб келган бўлса, шу халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олса, эл-юртнинг иззат-ҳурмати ва ишончидан умидвор бўлиши мумкин.

Барча айбни ўзларининг салафлари зиммасига юклаш нотўғридир.

Ўртоқлар! Бугун тўла асос билан шуни айтиш мумкинки, партия органлари билан меҳнаткашлар оммасини ажратиб турган жарлик торайиб, ниҳоят, бу жарлик устига кўприклар қурилмоқда.

Сўнгги йилда қилинган барча ишлар дастлабки қадамлардир, холос, шу қадамлар жумҳуриятимизда тобора авж олиб келган кескинликни бартараф этишга муайян даражада ёрдам берди.

Амалий тадбирлар мамлакатдаги халқ хўжалик кўрсаткичлари тобора пастлаб кетаётган бир даврда асосий кўрсаткичлар даражасини сақлаб қолишга ва ҳатто бир қадар олға силжишга имкон берди. Биз зўриқмасдан ва шаҳар аҳлини сафарбар қилмай, ўтган йили пахтадан дуруст ҳосил кўтардик, Саноат ишлаб чиқаришида ҳам, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам муайян силжишлар бор.

Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситалари тайёрлашнинг ўсишидан икки баравар илдамлашиб кетди. Газ, нефть қазиб олиш, цемент, линолеум, мол ёғи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириқлари бажарилди. Картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш кўпайди.

Тўрт йил мобайнида 2,3 миллион квадрат метр уй-жой. 71 минг ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаблари, қарийб 3000 беморга мўлжалланган касалхоналар, ҳар сменада 8 минг бетоб кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиникалар планга қўшимча тарзда фойдаланишга топширилди.

Шу билан бир қаторда ҳали жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўзга кўринарли жиддий силжишлар содир бўлгани йўқ. Хўжалик юритишнинг эски усуллари асорати батамом бартараф этилгани йўқ.

Тўрт йил мобайнида беш йиллик топшириқлари юзасидан 10,5 миллиард сўмлик ялпи ижтимоий маҳсулот кам ишлаб чиқарилди, миллий даромад 6 миллиард сўмлик кам бўлди. Кўмир қазиб олиш, прокат, кимёвий толалар, газлама, трикотаж буюмлари, пойафзал, мебель ва бошқа буюмлар планлари бажарилмади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган марраларига эришилмади.

Капитал қурилишда айниқса оғир аҳвол вужудга келди. Ҳозир чала қурилишларнинг қиймати 5,7 миллиард сўмга етди. Бу капитал маблағларнинг йиллик режасидан ҳам кўпроқдир. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 73 та йирик объект ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қувватлар битказилмай қолди, бу эса 200 миллион сўмлик миллий даромад йўқотилди, демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кўпгина объектлар қурилиши барбод этилганлиги, «А» гуруҳига мансуб корхоналарда ана шундай молларни ишлаб чиқариш борасида сезиларли силжишлар бўлмаганлиги, савдо шохобчасига турли ассортиментдаги моллар етарлича етказиб берилмаганлиги оқибатида инфляция кучаймоқда, пул тобора қадрсизланмоқда ва пул муомаласи ёмонлашмоқда.

Биз енгил саноатда силжишлар бўлишини анчадан бери орзиқиб кутаётган бўлсак ҳам шундай бўлаётгани йўқ. 4 йил мобайнида беш йиллик топшириқ юзасидан 195 миллион квадрат метр ип-газлама, 29 миллион дона трикотаж буюмлар кам тайёрланди.

Жумҳурият аҳолиси қарийб ярим миллиард сўмлик халқ истеъмоли молларини кам олди. Министрлик ва унга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари маҳсулот сифатини ошириш, янги техника ва технологияни жорий этишда сезиларли натижаларга эриша олмадилар.

Жумҳуриятда товарлар ниҳоятда етишмай турган бир шароитда 13 та ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга топшириш барбод этилди. Булар орасида 5 та тикув-трикотаж фабрикаси, пойабзал фабрикасининг Деновдаги филиали ва бошқалар бор. Оқибатда жумҳурият халқ хўжалиги 700 миллион сўмлик талафот кўрди, деярли 3,5 минг кишини ишга жойлаштириш имкониятидан фойдаланилмади.

Қурилиш материаллари билан таъминлаш жуда ўткир муаммо бўлиб турганлиги яхши маълум. Ихтиёримизда маҳаллий қурилиш материалларининг чекланмаган ресурслари бор, аммо Маҳаллий саноат министрлиги уларни ишлаб чиқаришни суст ўзлаштирмоқда. Боз устига ғишт заводларини ишга солиш муддатлари чўзилиб кетмоқда, оқибатда қанчалаб ғишт кам тайёрланди, ҳолбуки, жумҳурият аҳли шу материалга жуда маҳтал бўлиб турибди.

Жумҳуриятдаги пудрат ташкилотлари тўрт йил мобайнида планга нисбатан 320 миллион сўмлик кам иш адо этдилар. Демак, қарийб 200 та энг муҳим ишлаб чиқариш қурилишлари битмай чала қолди, бир миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 9 минг ўринга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилмади. Бунинг сабаби шундаки, Қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», «Узагрострой» сингари бизнинг етакчи пудрат ташкилотларимиз аслида шу йиллар ичида бир жойда депсиниб турдилар.

Ёнилғи-энергетика комплексидаги тақчиллик халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳада тобора яққолроқ сезилмоқда. «Узбекэнерго» ва «Ўзбекгидроэнергострой» раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида Таллимаржон ГРЭСининг биринчи навбатини ишга солиш икки йилга сурилиб кетди.

Халқ хўжалиги режаларининг барбод этилганлиги учун катта айб маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг зиммасига тушади. Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети саноатни ривожлантириш беш йиллик планларини барбод этдилар.

Уй-жой ниҳоятда етишмай турган бир вақтда Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё областларининг ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети планда кўзда тутилган уй-жойнинг фойдаланишга топширилишини таъминламадилар.

Айни вақтда ушбу областларда ўзлари учун турар жой қураётган кишилар уй-жой қуришнинг илғари белгилаб қўйилган ҳажмларидан анча ўзиб кетдилар. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона областларида коммунал хўжаликни ривожлантиришдаги аҳвол бундан ҳам ёмондир. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва Хоразм область ижроия комитети жумҳурият ҳукуматининг «ёрдами» билан энг йирик водопроводлар қурилиши режаларини батамом барбод этдилар. Ҳолбуки, шу регион аҳли сув келишига кўз тикиб турган эди.

Кўпгина мактаблар бинолари «тўкилиб турган» ва нобоп биноларда ишлаб турган бир шароитда маҳаллий Советлар йўли билан ўтган тўрт йил мобайнида 65 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмай қолди ёки 14 минг ўринли мактаблар фойдаланишга топширилмади.

Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Тошкент областлари ва автоном республиканинг айниқса қишлоқ жойларида мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуришда жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

Самарқанд область ижроия комитетининг касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлиги тўғрисидаги «ғамхўрлик»нинг ёркин мисоли деса бўлади. Бу вилоят касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминланишда энг сўнгги ўринда туришига қарамай, область раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган 10 миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини барбод этдилар. Ҳолбуки, ана шу маблағлар эвазига 900 беморга мўлжалланган касалхона қуриш мумкин бўлар эди. Худди

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

И. А. КАРИМОВ маърузасининг давоми

(Давоми. Бошн 2-, 3-бетларда)

IV. Самарали мустақил иқтисодиёт учун

Ўртоқлар!

Сиёсат — иқтисодиётнинг мужассам ифодаси эканлиги ҳақидаги қонда ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Бунинг маъноси нимада? Бунинг маъноси аввало шуки, республика коммунистларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳаракат дастурини аниқлаб олиш керак.

Ўзбекистон Компартияси жумҳуриятни иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиши, уни ҳамон давом этаётган инқироз гирдобидан чиқариши учун нима қилиш керак?

Бу вазифаларни ҳал этар эканмиз, Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашмоғимиз зарур, **Имконнятимизни унинг Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали эканлиги нуқтан назаридан** кўриб чиқиш керак бўлади.

Жумҳуриятимиз ажойиб табиий иқлим шароитига эгаки, тўғрисини айтганда, бу шароитлардан мутлақо етарли фойдаланилмаётир, Ўзбекистон халқини ҳамма вақт унинг **табиати, ери ва суви** боқиб келган. Ҳозир ҳам бу омиллар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз бўлиб қолмоқда.

Бу заминда ҳамма нарса ўсиши мумкин. Лекин энг фойдали ва даромадли экинларни аниқлаб олиш, биз нималар ҳисобига энг юқори самара олишимиз мумкинлигини белгилаш керак. Биз бозорнинг раъйини ҳисобга олиб, нималар етиштиришимиз кераклигини ўзимиз ҳал қиламиз. Фойдали экин бугун пахта, эртага мева, сабзавот, озуқа экинлари ёки жумҳуриятга, унинг халқига даромад келтирадиган бошқа бирор экин бўлиши мумкин.

Янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида қилинган жуда катта ишларни қораламаётган, ҳатто сув омборларинн портлатиб, гўё экологик вазиятни яхшилаш учун ерларни чўлга айлантиришни таклиф қилаётган кишиларнинг фикрига биз мутлақо қўшилмаймиз.

Улар биз нақадар бебаҳо бойликларга эга эканлигимизни англаб етмаётирлар. Ўзлаштирилган ерларда шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар қад кўтарганлиги, айни шу ерлар миллионларча кишиларни иш билан таъминлаб боқаётганлиги тамомила назарга олинмаётир.

Суғориладиган ер парвариш талаб этишини унутиш ярамайди. Кейинги йилларда ерларнинг ирригация, мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига эътибор сусайтириб юборилди. Ўзбекистонда эса 500 минг гектар жуда шўрхок ва ўртача шўрхок ерлар бор. Бу ишларга маблағ қидириб топилиши керак.

Биз ерларимизни ардоқласак, улардан оқилона ва самарали фойдалансак, 20 миллион одамнигина эмас, балки ундан ҳам анча кўп одамларни боқа оламиз.

Ўзбекистон ери остида ғоят катта бойликлар яшириниб ётибди. Республика ҳали жуда кўп йиллар мобайнида газ конденсати, кўмирга бўлган ўз талаб-эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлай олади. Янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть қазиб олишни 3-4 баравар кўпайтириш имконини беради.

Биз Қизилқумда фосфоритларнинг жуда катта конини ўзлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Ниҳоят, бизда рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурслари бор.

Ўзбекистон валюта олтини деб аталадиган энг қимматбаҳо олтинни етказиб бермоқда, ундан жумҳурият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрланаётир. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳамда қишлоқ хўжалик ва саноат хом ашёсини, тайёр маҳсулотларнинг неча ўнлаб турларини бозорда чекланмаган миқдорда сотиш имконияти бор ва бу нарса жумҳурият иқтисодий қувватини ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон ихтиёридаги ресурслар ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, республиканинг энг катта бойлиги— унинг одамлари, шароит ва имконият яратилса, тоғни талқон қила оладиган меҳнатсевар халқидир.

Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга халқимиз гўё қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп кишилар ишсиз юрганлиги ҳақида айрим фикрлар қулоққа чалинмоқда. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий аҳволни ҳам мутлақо билмайдиган кишилар айтмоқдалар. Жумҳуриятда миллионга яқин ишсиз бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигида эмас.

Тан олиш керакки, биз—раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бугунги мутасаддилари уларни иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини ярата олмадик. Халқнинг камтарлиги ва матонати, унинг бизга ҳамон ишонаётганлиги турмуш оғирликларн ва ташвишларига бардош бериш имконини яратмоқда.

Халқимизни муносиб даражага кўтариш учун ана шу жуда катта ресурслар ва бойликлардан қай тариқа фойдаланиш керак? Ўзбекистон Компартияси **бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли — халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришдир,** деб ҳисоблайди. **Хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришмоқ керак .**

Бунда энг муҳим нарса биринчи навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш ва мана шу ғоят муҳим ишда вужудга келаётган товар конъюктурасини изчиллик билан ҳисобга олишдан иборатдир. Бу тадбир миллий даромадни ошириш, бюджетни барқарор қилиш ва ўстириш ҳамда одамлар турмушининг моддий шароитини яхшилаш учун реал шарт-шароит яратади. Ўзимизда қазиб олинадиган рангли металлар, нитрон, капролактам, бинокорлик материаллари ва ҳоказолардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш лозим.

Ишлаб чиқариш имкониятини, кераклн моллар ишлаб чиқаришни тез кўпайтириш, аҳолини иш ва иш ҳақи билан таъминлашнинг муҳим йўналиши — **кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштиришдир.** Кичик корхоналар, тайёрланадиган маҳсулотни тезда ўзлаштира оладиган цехлар бозор иншиқликларига тезроқ мослашиб кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Регионларнинг ҳозирги ҳолатини бараварлаштириш учун қатъий чоралар кўриш зарур. Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида саноатнинг нотекис ривожланиши айниқса яққол намоён бўлмоқда. Хусусан Қорақалпоғистон АССРда катта қолоқликка йўл қўйилди, бу ерда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республикадаги ўртача даражадан икки баравар пастдир.

Биз Ўзбекистонда ва умуман бутун Ўрта Осиёда бирдан-бир автоном республика бўлган Қорақалпоғистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Бу сиёсий масаладир.

Район марказларида, кичик шаҳарлар ва посёлкаларда кўп соҳали саноат комбинатлари қуриш истиқболли ишдир. Бу тадбир бадний ва халқ ҳунармандчилиги сингари унутилган соҳаларни қайта тиклаш билан бир вақтда аҳоли учун зарур моллар, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини ҳам беради.

Шу йил ва келгуси йилдаёқ 120-130 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган 150 дан ортиқ ана шундай комбинат барпо этиш мўлжалланмоқда.

Бизда жумҳуриятимизнинг халқ истеъмоли моллари жиҳатидан ҳозирги қарамлигини тугатиш учун барча шароитлар бор. Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ва четга чиқариш балансларига асосланган конкрет дастурлари зарур. Хўш, нима учун истеъмол қилинаётган кийим-кечакларнинг чорак қисмини, трикотаж буюмлар ва ип газламанинг учдан бир қисмини, пойабзалнинг деярли ярим қисмини четдан ташиб келтириш керак? Буларнинг ҳаммасини ўз хом ашёмиздан ўзимизда тайёрлаш мумкин-ку, ахир.

Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантиришга кескин бурилиш структуравий қайта қуришнинг таркибий қисми бўлиб қолиши керак. Машинасозлик, радиоэлектроника, ускунасозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш вазифаси турибди.

Бунинг учун бизда барча зарур ресурс шарт-шароитлари, илмий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базаси бор. Фан ва техника тараққиётининг олдинги маррасига чиқмасак, истиқбол порлоқ бўлмайди. Фақат шу асосдагина биз бошқа регионлар ва чет эллар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида алоқа боғлай оламиз.

Қишлоқ хўжалиги қандай ривожланиши керак? **Жумҳурият аграр сектори иқтисодиётнинг шундай бўғинки, Ўзбекистондаги муаммоларнинг аксариятини ана шу бўғинга таянибгина ҳал эта оламиз.**

Пахтачиликка муносабат Ўзбекистон Компартиясининг бутун аграр сиёсатида марказий масала бўлиб қолаверади. Биз пахта яккаҳокимлигига қарши изчиллик билан кураш олиб борaверамиз. Бу нарса республикага марказ томонидан зўрлаб қабул қилдирилган бўлиб, Ўзбекистонга, унинг аҳолисига беқиёс зарар келтирди.

Бунинг устига ўз байналмилал бурчини бажарган ва мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган деҳқонлар гектар бошига ҳаммаси бўлиб 2200 сўм даромад олмоқдалар. Ваҳоланки, пахта охиригача қайта ишланса, ундан юз хилга яқин маҳсулот ва 18-20 минг сўм ёки ўн баробар кўп даромад олиш мумкин.

Бу ҳақда пухта ўйлаб олиш керак.

Пахтамиздан қай тариқа энг самарали фойдаланиш мумкин? Ундан нималар ишлаб чиқариш энг фойдали бўлади? Бозорга қай тариқа фаол таъсир кўрсатиш керак? Буларнинг ҳаммасини ўрганиб олишимиз лозим. Ҳатто гўзапоя, шрот, линтдан тўғри фойдаланилса, биз ҳозир олаётганимиздан 3-5 баравар кўп даромад олишимиз мумкин.

Биз пахтачиликни алмашлаб экишни жорий этишга асосланган илмий йўлдан олиб бориш соҳасида жиддий қадамлар қўйдик. Биз 1991 йилда пахта толаси етиштиришни 100 минг тонна камайтириш, давлат буюртмаси даражасини эса етиштирилган маҳсулотнинг ярмидан оширмаслик вазифасини қўймоқдамиз. Пахтадан бўшаган ерлардан эса одамларнинг долзарб эҳтиёжларини қондириш учун, шу жумладан, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кенгайтириш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Компартиясининг аграр сиёсати аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун **озиқ-овқат комплексини** устун даражада ривожлантиришга асосланади. 1995 йилгача мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 2 баравардан зиёдроқ кўпайтиришни кўзда тутувчи асосли дастур ишлаб чиқилди. Бу эса жумҳурият аҳолиси эҳтиёжларини таъминлайди, шунингдек, ана шу маҳсулотларни ўзаро манфаатли шартлар асосида сотишни кўпайтириш имконини яратади.

Биз қайта ишлаш саноати корхоналари қурилишини ниҳоятда жадаллаштиришимиз зарур. 1995 йилгача Ўзбекистон ССРда 300 та мўъжаз цех қуриш кўзда тутилади. Бу эса озиқ-овқат моллари ресурсини анча кўпайтиради ҳамда аҳолини бу моллар билан таъминлашни яхшилайди, уларни Иттифоқ ички бозорида ва жаҳон бозорида фойда билан сотиш имконини кенгайтиради.

Компартия **қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини қайта қуришни** ўзининг бош вазифаси деб билади. Агар деҳқоннинг хонадони ва хўжалиги обод бўлса, деҳқон бадавлат ҳаёт кечирса, шаҳарликнинг ҳам қорни тўқ бўлади. Дўконларда ва бозорларда озиқ-овқат мўл бўлади. Деҳқон хонадони хароб ва қашшоқ бўлса, бутун жамият оч қолади.

Шу боисдан ҳаммамиз қишлоқни қашшоқликдан қутқариш, қишлоқ хонадонини бадавлат қилиш йўлида иш олиб боришимиз лозим. Қишлоқнинг ижтимоий юксалиши унинг ўз иши деган фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Биз съезд номидан деҳқонларга: биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз, деб айтамиз. Қишлоқ ижтимоий турмушини қайта қуриш, қишлоқнинг сув таъминотини, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани яхшилаш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топамиз. Бу бизнинг вазифамиз, бизнинг бурчимиздир.

Шуни айтишимиз керакки, ўртоқлар, Компартиянинг сайловолди дастурида қўйилган мақсадлар ўзгармай қолаверади. Биз бу мақсадларга эришиш учун изчиллик ва қатъият билан қурашаверамиз.

Республика иқтисодиётидаги чуқур структура ўзгаришлари **ташқи иқтисодий имкониятлар** самарадорлигини кескин оширишга қаратилгандир. Ҳозирча бу йўл ниҳоятда суст амалга оширилаётир. Фақат 160 корхона ўз маҳсулотини хорижга чиқараётир. Асосан хом ашё ва материаллар экспорт қилинмоқда. Чет эл фирмалари иштирокида эндигина 14 та қўшма корхона ташкил этилди, бу мутлақо етарли эмас.

Кўпгина корхоналар чет эл бозорига чиқиш соҳасида берилган имкониятдан тўғри фойдаланмаётирлар. Масалан, ўтган йили «Узхлопкопром» республика бирлашмаси 34 миллион сўм чет эл валютаси ишлади. Аммо бирлашма ва пахта заводларининг раҳбарлари меҳнат коллективларининг фикри билан ҳисоблашмай, маблағнинг асосий қисмини енгил автомобиллар, микроавтобуслар, видеотехника, магнитофон ва шу сингариларни сотиб олишга сарфлади.

Келтирилган техника эса пахтани четга сотишга бевосита дахлдор бўлмаган ташкилотлар ўртасида тақсимланди. Ваҳоланки, жумҳуриятда одамларга тиббий хизмат кўрсатиш, болаликни муҳофаза қилиш, ҳаётий зарур моллар ишлаб чиқариш сингари долзарб масалалар ҳал этилмаган. Энг муҳими эса пахта — бутун халқнинг ва аввало уни қаҳрамонона меҳнати билан етиштирувчи пахтакорларнинг мулкидир, зотан, бунда уларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олиш керак. Буни ҳамма билиши лозим.

Ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида республика Ташқи иқтисодий банки (Внешэкономбанк) тузилди, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети ташкил этилаётир. Минглаб пахтакорлар, жумҳуриятимизнинг барча меҳнаткашлари меҳнати эвазига қўлга киритилган валюта айрим юқори лавозимли амалдорларнинг кўнгил очишларига эмас, балки жумҳуриятимизнинг ҳаётий муҳим манфаатларига, унинг бутун аҳолисига хизмат қилиши керак.

Жумҳурият сиёсий ва иқтисодий эркинлиги мустаҳкамланган сари чет эллар билан алоқалар янги мазмун касб эта боради. Ташқи сиёсат соҳасида бунинг маъноси — ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида чет эллар билан бевосита алоқа боғлашни билдиради. Биз илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини мустақил ҳал этадиган бўламиз, республика кадрларини халқаро ташкилотлар, совет элчихоналари, бош консулхоналар, савдо вакилликлари ишига планли асосда жалб этиб борамиз. Чет элларда республика ваколатхоналарини очиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Хуллас, халқаро муносабатлар соҳасидаги конституцион ҳуқуқларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши жумҳуриятнинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезон бўлиб қолиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш масаласи. Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсадлар ва вазифалардан келиб чиқиб, жумҳуриятда ўтиш даврндаги ресурсларимиз ва имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда энг асосий масала — **мулкчилик муаммосидир.** Мулкчилик ҳақидаги тушунчамизни белгилаб олмай туриб, ишлаб чиқариш муносабатларига ёндашувларни ишлаб чиқиш имконияти бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, жумҳуриятда мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш даркор.

Ўзбекистон Компартияси мулк шаклларининг хилма-хиллигини бошқариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили деб билади. Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳуқуқлилик асосида коллектив, акционерлик, оила, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади.

Ўз-ўзидан маълумки, айрим ишлаб чиқариш объектларининг давлат объектларидан кооператив, акционерлик ва бошқа объектларга айлантирилиши оқилона асосда амалга оширилиши керак. Конкрет қайси корхоналар ва ташкилотлар уларда ишловчи коллективлар томонидан сотиб олиниши мумкинлигини, қайсиларини акционерлик жамиятларига, концернларга ва шу сингариларга айлантириш мақсадга мувофиқлигини пухта ўйлаб белгилаб олиш керак.

Ҳозир зарар келтираётган баъзи ишлаб чиқариш корхоналари имтиёзли шартлар асосида сотилиши ҳам мумкин.

Хусусий мулкчилик вужудга келиши имконияти муносабати билан катта шубҳалар билдирилмоқда.

Ўзбекистонда халқ хўжалигининг жиддий талаблари, ресурс ва имкониятлари ҳисобга олинадиган бўлса, кичкина ёки, очиқ айтадиган бўлсак, майда хусусий корхоналар жуда муваффақиятли ишлайдилар. Булар қандай корхоналар бўлиши мумкин? Биринчи навбатда улар истеъмол моллари, халқ ҳунармандчилиги, халқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасидаги ёки ёрдамчи корхоналар, иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини қайта ишлайдиган, катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналар бўлиши мумкин. Бундай ишлаб чиқариш доираси ва корхоналарнинг ҳажми албатта қонуний тартибда аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Майда, кичик комплекс корхоналар қисқа муддат ичида қўшимча мол етказиб бериши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бунинг устига уларнинг ташкил этилиши ҳозир иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳолининг бир қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Биз йирик ишлаб чиқариш комплекслари, шу жумладан, мамлакатнинг бошқа регионларидаги комплекслар томонидан майда ва ўртача корхоналар, филиаллар ва цехлар ташкил этилишини истисно қилмаймиз, балки аксинча рағбатлантирамиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу жараён ҳукумат ва маҳаллий органларнинг назорати остида рўёбга чиқарилади ва жумҳурият манфаатларига мос йўналишда бўлади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари тузилишида уларнинг коллективларини уй-жой ва ижтимоий, маданий, маиший объектлар билан тўла таъминлаш шарт қилиб қўйилади.

Жумҳуриятимизга чет эл фирмалари ғоят зўр қизиқиш билан қараётганликларини ҳисобга олиб, қўшма корхоналар ташкил этиш ишини фаоллаштириш керак. Бунда бош йўналиш — чет эллик шерикларни халқ истеъмоли моллари ва фан ютуқларидан кўплаб фойдаланиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этишдир. Бундан қандай наф кўзда тутилмоқда?

Чет эл инвестицияси ва илғор технологиясидан фойдаланиш имконияти билан бир қаторда биз одамларимизни ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усулларидан, сифатнинг жаҳон стандартларидан баҳраманд қила оламиз, барқарор алоқалар ўрнатамиз ва бошқа муҳим ишларни амалга оширамиз.

Ерга эгалик қилиш масаласи алоҳида эътиборга сазовордир. Бу масалани бир томонлама ҳал этиб бўлмайди. Биринчидан, бизда сувсиз деҳқончилик қилиб бўлмаганлиги сабабли ер муаммосини эмас, балки ер-сув муаммосини ҳал этиш керак. Суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 95 фоизини беради. Бизнинг шароитимиз Россия шароитидан мутлақо фарқ қилади, чунки Россияда гап бўш ётган катта ер майдонлари ҳақида боради.

Иккинчидан, янги ерларни ўзлаштириш амалда тўхтатилгандан кейин ҳозир вужудга келган жиддий вазиятни ҳисобга олиш лозим. Бизда ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир кишига 1,2 гектардан 0,8 гектаргача, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 0,4, Фарғона водийсида эса 0,2 гектардан кам ер тўғри келади. Истиқболда манзара янада жиддийлашади.

Умуман олганда, бизда суғориладиган ер ниҳоятда тақчил бўлиб, ҳусусий тарзда фойдаланиш учун тақсимланадиган ернинг ўзи йўқ. Ҳозироқ ер ва сув ҳусусида жуда кўп низолар келиб чиқмоқдаки, уларни ҳал этиш жуда қийин бўлаяпти.

Сув таъминоти масаласини олиб кўрайлик. Бу масалани биз регионимиздаги фожиа билан, яъни Орол фожиаси билан бевосита боғламоқдамизки, бу фожиа Чернобиль фожиасидан қолишмайди. Ўрта Осиё регионининг демографик хусусиятларини ҳисобга олганда унинг аҳолиси 2005 йилга бориб, икки баравар кўпаяди ва 60 миллион кишидан ошиб кетади. Уларни қандай қилиб иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мумкин?

Аҳолининг ана шу тариқа ўсиши муносабати билан биз аввало региондаги имкониятларни ўзлаштиришимиз керак. Ўзбекистоннинг ўзида суғориладиган ерларни 4 миллион гектардан 10 миллион гектарга етказиш мумкин.

Қозоғистон ҳам, Тожикистон ҳам, Туркманистон ҳам, Қирғизистон ҳам ана шундай имкониятларга эга. Кейинги йилларда эса ерларни ўзлаштиришдаги хатолар танқид қилиниб, уларни тузатиш ўрнига Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини биз томонга оқизиш ишларини тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарорида СССР Госпланига, Фанлар Академиясига ва бошқа марказий идораларга Ўрта Осиё регионини истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилган эди. Бу топшириқни ҳеч ким бажармаяпти. Бизнинг фикримизча, бу масалага қайтиш керак, чунки Ўрта Осиё жумҳуриятлари аҳолини зарур турмуш шароитлари билан таъминлашда ҳозироқ дуч келаётган қийинчиликлар эртага янада ортиб, чуқурлашиб боради.

Ҳозир Оролни асраш, табиий ресурслардан ва аввало сув ресурсларидан тежаб фойдаланиш соҳасида қилинаётган барча ишлар давлат ва миллий кўламда аҳамиятга эга бўлиб, ҳамманинг эътибор марказида бўлиши лозим. Аммо бу масалага истиқбол нуқтаи назаридан ва мазкур муаммони тубдан ҳал этиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, аниқ айтиш мумкинки, бошқа регионлардан сув келтирмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Бу масаланинг ижобий ҳал этилишидан Ўрта Осиёдан ташқарида яшайдиган халқлар ҳам манфаатдордир. Бу дарёлар сувини биз томонга оқизиш Ўрта регион деб аталадиган жойларни — Сибирь билан Ўрта Осиё оралигидаги ерларни ривожлантириш имконини беради. Бу ерларда ўзлаштирилмаган ғоят катта имкониятлар ва ресурслар бўлиб, уларда кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси шундан далолат беради, биз ўз шароитимизга мос келган ер ва сув ҳақидаги ўз қонунимизни ишлаб чиқишимиз ҳамда жумҳурият Олий Советининг навбатдаги сессиясида тасдиқлашимиз керак.

Ҳозир колхоз ва совхозлар тақдири теварагида катта мунозаралар олиб борилмоқда. **Компартия Марказий Комитети колхоз ва совхозлар жумҳурият агросаноат комплексининг асоси ва шундай бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.** Ўз меҳнаткашларининг фаровонлигини ошираётган, барқарор ишлаётган, молиявий жиҳатдан соғлом хўжаликлар бундан буён ҳам фаол ривожланаверадилар.

Йил сайин қарздан бош чиқаётган колхоз ва совхозлар бундан буён қарз ҳисобига яшашга умид қилиб бўлмаслигини англаб олишлари лозим. Улардан ҳар бирининг тақдирини конкрет вазиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш керак.

Бу ишда энг муҳим нарса — **ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шаклларидир.** Биз буни қишлоқда қандай бўлади деб тасаввур қилаяпмиз. Бизнинг фикримизча, энг тўғри йўл — колхозларни кооперативлар деб билишдир. Тошкент вилоятида, Фарғона водийсида, жумҳуриятнинг бошқа регионларида ана шундай ёндашиш вужудга келмоқда. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз, Дўстлик районидаги аксарият совхозлар хўжаликни ташкил этишнинг янги шаклларини моҳирона қўшиб олиб бормоқдалар.

Колхоз кооперативга айланган тарзда буйруқбозлик қилмайди, балки у билан боғлиқ хўжаликларга, шу жумладан, ижара, пудрат, оила, фермер ва бошқа хўжаликларга хизмат кўрсатади. Унинг асосий вазифаси агрономик ва моддий-техника таъминоти ва, энг муҳими, маҳсулотни реализация қилиш масаласи бўлиб қолади.

Ўзбекистон Компартияси **бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга** қаратишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Келгуси беш йилликда фойдаланиладиган миллий даромаднинг катта қисми ижтимоий муаммолар комплексини ҳал этишга сарфланади. Шу йилнинг ўзидаёқ бу мақсадларга миллий даромаднинг салкам 90 фоизини сарфлаш мўлжалланган.

Эътиборни ижтимоий масалаларга қаратиш ҳақида гапирар эканмиз, **соғлиқни сақлашни** яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тармоқ моддий базасининг ниҳоятда қашшоқ эканлиги устига, бизда бу соҳа яхши ташкил этилмаган ва самарали фойдаланилмаётир. Миллатнинг зурриёт фондини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламдаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачонок вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди. Аммо бу соҳадаги кўпчилик раҳбарларнинг ташвишланаётганликлари унча сезилмаётир. Ҳар ҳолда Соғлиқни сақлаш министрлигидан ҳам, ҳукуматдан ҳам ҳозиргача эътиборга сазовор бўлган асосли таклифлар тушаётгани йўқ.

Маҳаллий ва жумҳурият даражасида тиббий муассасаларни ташкил этишнинг пухта ва тўлақонли оистемасини ишлаб чиқиш, шароитимизни ҳисобга олган ҳолда илғор чет эл тажрибасини идрок этиб олишимиз керак. Ихтисослашган йирик даволаш марказлари қишлоқ ва шаҳар касалхоналари кенг шоҳобчалари билан қўшилиб, ана шундай системанинг асосий бўғинига айланиши керак. Жумҳуриятда бундай системани вужудга келтиришга асос солинди. Яқин йилларда кардиология марказини, кўз микрохирургияси регионал марказини, онколик ва болаликни муҳофаза қилиш марказини, урология марказини ва шу сингариларни яратиш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда районлар, шаҳарлар, йирик посёлкаларда кенг соҳали касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, туғруқхоналарнинг кенг шохобчаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, колхоз ва совхозларда участка касалхоналарини қайта тиклаш керак.

Биз соғлиқни сақлашга маблағ манбаларини излаб топишга янгича ёндашмоғимиз зарур. Соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг суғурта шакллари сингари манбалари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим. Бир нарса равшанки, соғлиқни сақлаш фақат бюджет маблағлари ҳисобига ривожлана олмайди. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш фондини ташкил этиш, унга катта фойда олаётган корхоналар, хўжаликлар, кооперативлар, жамоат ташкилотларидан пул ўтказиш масаласини тезда ҳал этиш ғоят муҳимдир.

Яна бир муҳим масала. Оила врачи вазифасини қайта тиклаш керак. Бу ҳақда кўпдан бери гапириб келинмоқда. Кўзга кўринарли силжишлар йўқ. Бу масалани ҳал этиш, бундай врачлар тайёрлашни ташкил этиш ва уларга иш шароитини яратиш пайти келди.

Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қилади. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлашда кескин бурилишга эришиш зарур. Уйлардаги болалар боғчалари шохобчаларини, консультация пунктларини, қишлоқдаги болалар боғчаси — мактаб комплекслари шохобчаларини фаоллик билан кенгайтириш лозим.

Истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш давом эттирилади. Болалар боғчаси, мактаб билан бир қаторда болалар поликлиникаларини, чўмилиш ҳавзаси бўлган спорт майдончалари, болалар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи муассасаларни ўз ичига оладиган болалар муассасалари территориал комплексларини барпо этиш хусусида чуқур ўйлаб, бу ишни бошлаб юбориш ўринли бўлур эди.

Хотин-қизлар масаласига муносабатимизни тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Биз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини, шарафи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг етарли кафолати учун, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ва бошқаришда иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратишимиз лозим. Оналар ва болалар соғлиғини, аҳолиннг билим ва маданият даражасини сақлаш ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши керак.

Халқ хўжалигидаги бундай катта вазифаларни ҳал этишнинг асоси жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллигига эришишдир. Бу ишнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистон халқ депутатларининг I сессиясида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Компартия жумҳурият ҳудудидаги ишлаб чиқариш, фантехника имкониятлари, ер, ерости бойликлари ва бошқа табиий бойликларни ўлканинг мулки деб ҳисоблайди. Жумҳурият булардан аввало ўз халқи манфаатларини кўзлаб мустақил фойдаланади. Мудофаа саноатига, чуқур техникавий реконструкцияни талаб қиладиган оғир саноатнинг айрим тармоқларига тааллуқли корхоналар, умумиттифоқ транспорт ва ахборот системалари, шунингдек, регионлараро комплекслар таркибига кирувчи корхоналаргина Иттифоқ қарамоғида қолиши лозим.

Масала кўндаланг қилиб қўйилиши керак — Ўзбекистондаги барча хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари жумҳурият ихтиёрига ўтказилиши лозим. **Ўз хом ашёмизни ва маҳсулотимизни Ўзбекистон манфаатларини кўзлаб сотадиган** бўламиз.

Бозор иқтисодиёти концепцияси тўғрисида СССР Олий Советида қилинган докладда мамлакат аҳолисини товарлар билан таъминлайдиган енгил саноатнинг барқарор ишлаши учун ресурсларнинг энг муҳимлари, бинобарин, пахта толаси бўйича белгиланадиган ҳажмларни давлат буюртмасига киритиш кўзда тутилади.

Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Пахта жумҳурият бойлиги, унинг аксарият аҳолиси даромадларининг асосий манбаидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, бутун мамлакатнинг пахта мустақиллигига эришиши йўлида Ўзбекистон ўз вақтида кўрган катта зарарлар етарли бўлди.

Жумҳурият манфаатлари пахта толасининг катта қисми мамлакат ҳудудидаги истеъмолчиларга ва чет элларга иқтисодий жиҳатдан асосланган эркин нархлар бўйича сотилишини тақозо этмоқда, бунинг учун биз давлат буюртмасининг даражаси дастлабки пайтларда 50 фоиздан ошмаслиги керак деб ҳисоблаймиз.

Пилла бўйича ҳам, қорақўл бўйича ҳам, етиштирилаётган маҳсулотнинг бошқа турлари бўйича ҳам худди шундай йўл тутиш зарур. Бизнинг вазифамиз жумҳуриятдан етказиб бериладиган бутун ҳом ашё ва ярим фабрикатларни ўзимиз, воситачиларсиз сотишимиз мумкин бўлган структурани яратишдан иборат. Шу мақсадда жумҳурият Министрлар Советида «Узлегпромсирье» деб аталувчи ихтисослашган ташкилот тузилаётир.

Марказ билан, бошқа регионлар билан барча муносабатлар шартнома асосида қурилиши лозим. Бунда давлат буюртмаси ҳам баб-баравар масъулиятли ва ўзаро мажбуриятлар юклайдиган шартнома сифатида қаралиши зарур.

Биз мустақилликни маҳдудлик деб эмас, аксинча, интеграция алоқаларини тенг ҳуқуқ, ўзаро манфаат асосида ривожлантириш деб тушунамиз. Бунда манфаатдорлик алоқида аҳамият касб этади. Биз узоқ вақт давомида бу сўзни ишлатишдан тортиниб, уни қандайдир савдогарчилик, худбинликка йўйиб келар эдик. Аслида эса бу — нормал иқтисодий му

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

И. А. КАРИМОВ маърузасининг давоми

(Давоми. Боши 2-, 3-, 4-бетларда).

Бошланғич шароитларни ҳисобга олиш ва баробарлаштириш масаласи биз учун жуда катта аҳамиятга эга, бу ҳақда биз юқори даражаларда бир неча бор келишиб олган эдик. Ҳукумат маърузасида бу муаммо тилга олинади. Лекин жумҳурият ҳиссасини, унинг ҳозирги аҳволини ва аҳволни яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатишни ҳисобга олмаган ҳолда юзаки тенглик нуқтаи назаридан енгил-елпи тарзда мавҳум гапларгина айтиб ўтилган. Ваҳолонки, гап хайр-эҳсон ҳақида эмас, балки жумҳуриятнинг халқ хўжалик комплексига қўшаётган ҳақиқий ҳиссаси ўрнини қонуний асосда тўлдириш ҳақида бормоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ҳақидаги мамлакат ҳукуматининг маърузасида инвестицияларни қисқартириш масалалари қўйилади. Бизнинг фикримизча, бу хато ёндашувдир, чунки товар бозори таъминланишининг олдинги даражасида ва, энг муҳими, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги техникавий ва структуравий даражасида (бу жиҳатдан биз илғор мамлакатлар даражасидан 15—20 йил ва ундан кўпроқ орқада қолаётирмиз) бундай сиёсат баттар қолоқликка олиб боради.

Бунда қисқартириш ҳақида эмас, балки мақсадли, структуравий сиёсатни, капитал қурилишдаги устун йўналишларни, аввало, тугалланмаган қурилишларни кескин қисқартириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш ҳақида гап бориши керак.

Жумҳурият шароитида халқ хўжалиги структурасини қайта қуриш, ишлаб чиқарувчи кучларни вилоятлар ва регионлар бўйича мутаносиброқ жойлаштириш, социал соҳани ривожлантиришни кескин жадаллаштириш учун зарур маблағ ва ресурслар ажратиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Энг муҳими, аҳоли социал ҳимоясининг аниқ ва таъсирчан механизмлари зарур. Турли тажрибалар халқ елкасига оғир юк бўлиб тушишига йўл қўйиб бўлмайди. Аҳолининг социал аҳволини яхшилаш — жумҳуриятнинг бугунги шароитида айниқса муҳим. Бу муаммони тўғри ва изчиллик билан ҳал этиш Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларига оид муаммоларга, уларни кечиктирмай ҳал этишга алоҳида эътибор бериш керак. Пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларга бозор муносабатларининг шафқатсиз шароитида ёрдам бермасликка ҳаққимиз йўқ. Аҳолининг бу тоифалари учун қандай қўшимча имтиёзлар ва нафақалар тайинланаётганлиги ҳақида юқорида гапириб ўтилди. Яқинда улар Президентнинг янги Фармонлари билан тўлдирилди. Биз бу соҳадаги куч-ғайратимизни бундан буён ҳам ошираверамиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вақтинча ишдан маҳрум бўлиб қоладиган ва иш билан банд бўлмаган 1 миллион аҳоли қаторига қўшиладиган кишиларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу нарса жумҳуриятда катта муаммони вужудга келтирмоқда. Бундай одамларни қўллаб-қувватлаш, улар ишсизлик юзасидан ёрдам олишлари, малакаларини ўзгартириб янги касб эгаллаш имкониятига эга бўлишлари зарур.

Бу гапларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига халқнинг розилигисиз ва умумхалқ референдумисиз, Иттифоқ республикалари билан келишмасдан ўтиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Пировард натижада бозорга ўтиш ҳақидаги ана шу жиддий қарорнинг ҳамма оқибатлари учун халқимиз олдида биз жавоб беришимизга тўғри келади.

Уй-жой қурилишига алоҳида эътибор берилиши лозим. Яқин беш йил ичида 67—68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш вазифаси қўйилди, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўпдир.

Аҳолига коммунал хизматни кескин яхшилаш вазифаси турибди. Аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти даражасини 52 фоиздан 67 фоизга етказиш, Оролбўйи зонасида эса 1995 йилгача бутун аҳолини марказлаштирилган сув таъминотига ўтказиш кўзда тутилади. Қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш суръатлари икки баравар ортади.

Жумҳуриятда ижтимоий ўзгаришларни фақат бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириб бўлмайди. Бу вазифани ҳал этишга министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Ҳозир 800 дан ортиқ колхоз, 50 совхоз, 85 корхона оналарга, ветеранларга, пенсионерларга қўшимча нафақа тайинладилар.

Айни вақтда ҳозир саноат корхоналари, бошқа тармоқлар махсус фондлари қолдиғида 1,3 миллиард сўм пул, шу жумладан, социал ривожлантиришга мўлжалланган 242 миллион сўм пул ҳаракатсиз бўлиб ётибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети меҳнаткашларга социал мадад кенг системасини вужудга келтиришда меҳнат коллективлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари кўрсатадиган барча ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади.

Янги шароитда самарали иш олиб бориш учун бозор муносабатларини яхши биладиган, жумҳурият сиёсатини фаол ўтказа оладиган **юқори малакали мутахассислар** керак.

Бизга аввало туб миллат вакилларидан малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Мактаб курсидан бошлаб истеъдодли ёшларни танлаш ва рағбатлантириш даркор. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилаётир, лекин бу жараённи бутун чоралар билан жадаллаштириш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, танлаш ва уларни мамлакатдаги ва чет эллардаги етакчи илмий марказларга ўқишга юбориш Ўзбекистон республика фонди тузилди. Қишлоқ ёшларига алоҳида эътибор бериш, уларнинг манфаатларини камситмаслик, балки аксинча, уларнинг маънавий ва моддий ўсиши учун бутун шароитларни яратиш лозим.

Бу бизнинг ғоят катта резервимиз ва, айтиш мумкинки, кўпинча унутиб қўяётган бурчимиздир. Дастлабки гуруҳ — 100 дан ортиқ илмий ходим марказий олий ўқув юртларига ва илмий тадқиқот муассасаларига юборилди. Бу йил 52 студентни ҳамда 51 илмий ходим ва мутахассисни чет эллардаги ўқув юртларига ва илмий марказларга ўқиш, малакани такомиллаштириш ва илмий иш бажариш учун юбориш кўзда тутилади.

Студентлар ва илмий ходимларга тил ўргатиш республика маркази тузилмоқда. Унда ишлаш учун АҚШ ва Буюк Британиядан мутахассислар жалб қилиш мўлжалланмоқда. Республика ҳукумати жумҳурият ёш олимларини энг яхши чет эл дорилфунунларига стажировкага юбориш масаласини кўриб чиқмоқда.

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш учун бўлажак ўқув йилидан бошлабоқ айрим факультет ва бўлимлар йўналишини ўзгартириш ҳамда янги факультетлар ва бўлимлар очиш ҳусусида таклифлар тайёрлаш керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик жараёнида жумҳурият олий ўқув юртларига халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича, шу жумладан, халқаро маркетинг, валюта муносабатлари, ташқи иқтисодий фаолият, бошқариш бўйича кадрлар тайёрлаш ташкил этилиши лозим.

Ишчиларимизни контракт асосида чет элга стажировкага юборишдан бош тортмаслик, балки буни рағбатлантириш зарур. Чунки улар яхши иш ҳақи билан бир қаторда энг илғор техника ва технологияни, меҳнатнинг илғор усулларини ўзлаштириш, профессионал савиясини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Компартияси ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳасида халқ хўжалиги структурасида тубдан ўзгаришларни амалга оширишни, унга кўпроқ социал йўналиш бахш этишни, одамларнинг эҳтиёжлари ва талаблари томонга бурилишни ўзининг энг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

Компартия табиий-иқтисодий имкониятлардан, хом ашё ва меҳнат ресурсларидан, мулкчиликнинг ва хўжаликни юритишнинг хилма-хил шаклларидан Ўзбекистон аҳолиси манфаатлари йўлида фойдаланиш асосида чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлашга эришади.

Ўзбекистон мамлакат ягона халқ хўжалик комплексидаги алоқаларни мустаҳкамлаб ва ривожлантира бориб, ички Иттифоқ бозорида ва жаҳон бозорларида хом ашё етказиб берувчигина эмас, балки рақобат қила оладиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тенг ҳуқуқли шерик сифатида майдонга чиқади.

Бизнинг фикримизча, КПССнинг марказий раҳбар органларида ва унинг аппаратида Ўзбекистон Компартияси вакилларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши керак. Уларнинг таркибига вакил қилиб юборилган коммунистлар умумпартиявий қарорларни ишлаб чиқишда қатнашишлари, жумҳурият ва унинг партия ташкилотлари манфаатларини ифодалашлари керак.

Янги вазифалар ишга янгича ёндашишни ва принципиал янги усулларни, янги кадрларни талаб қилишини тажриба кўрсатиб турибди. Сиёсий беғамлик шароитида неча ўн йиллардан бери ишлаб келган кўпгина раҳбар ходимларимиз учун ўзларини қайта қуришлари жуда қийин бормоқда. Фикрлашдаги ва феъл-атвордаги эски усуллар қайта қуриш чақириқлари ва шиорларидан устун келмоқда.

Айни шу боисдан ҳам Совет ва давлат аппарати анчагина янгиланди. Марказий Комитетга, область ва район партия комитетларига ҳам янги кишилар келдилар.

Марказий Комитетнинг барча секретарлари бир йилдан камроқ ишлаётганликларини биласизлар. Уларнинг иш услуби, имкониятлари ҳақида хулоса чиқаришга ҳали эрта бўлса ҳам, аммо шуни қатъий қилиб айтмоқчиман: партиявий ишни қайта қуриш аввало ҳақиқатни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш эканига ҳаммамизнинг ишончимиз комил. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, уни ҳимоя қилиш керак. Шу боисдан ҳам Марказий Комитет Бюроси янги состави жумҳуриятдаги ишларнинг асл аҳволи тўғрисидаги **ҳақиқатни** халққа рўй-рост айтишдан иш бошлади. Бунинг учун журъатимиз ва иродамиз етарли эди. Бугунги маърузада ҳам шу қоидага амал қилдик.

Ҳозир Марказий Комитет Бюросига маслакдошлар коллективи жамланган, партиявий ўртоқлик, ошкоралик руҳи ҳукм сурмоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқидга кенг йўл очилган. Баъзан қизишиб кетиб, қаттиқ сўзлар айтишим учун мени ҳам танқид қиладилар. Бу танқидни тўғри деб ҳисоблайман.

Иккинчи секретарь ўртоқ А. С. Ефимов тажриба орттирмоқда, иш услубини такомиллаштириш учун кўп иш қилмоқда. Бироқ унга кадрлар снёсатини амалга оширишда қатъийроқ бўлишни, жойларга тез-тез бориб туришни, ўзбек тилини тезроқ ўрганиб олишини тилаймиз.

Ўртоқ Ж. Ҳ. Ҳамидов мафкуравий иш соҳасига снёсий раҳбарлик усулларини ўзлаштириб олмоқда. У зиёлиларни яхши билгани қўл келмоқда, бу эса жамоатчилик фикрини шакллантириш учун гоят муҳимдир. Энди ишчилар синфига, деҳқонларга, ёшларга ва аҳолининг бошқа гуруҳларига хос бўлган муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, мафкуравий ишни ҳозирги талаблар руҳида қайта қуриш керак.

Агар бошқа секретарлар — Р. А. Попов ва А. И. Икромовнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, уларга айниқса иқтисодий ва ижтимоий снёсат масалаларидаги ишларнинг замонавий шакллари ва усулларини тезроқ аниқлаб олишларини, партия билан Советлар ўртасидаги вазифаларни қайтадан тақсимлаш масалаларида сўздан ишга ўтишни, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг бюрукбозлик-маъмуриятчилик усулларини тугатиш учун фаолроқ курашни тилаймиз.

Бюро аъзоларидан Ш .Р. Мирсаидов, М. И. Иброҳимов, Д. Д. Берков, И. Ҳ. Жўрабеков, Ҳ. А. Алимованинг зиммасида ҳам шундай вазифалар турибди. Биз уларнинг ишда мустақиллик, ташаббускорлик ва ижодий ёндашиш кўпроқ бўлишини, айниқса Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришда ва меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда шундай иш тутилишини кўрсак деймиз. Улар министрликлар ва идораларга раҳбарлик қилаётган коммунистлар билан жумҳуриятнинг давлат тузилишларидаги бюрукбозлик-маъмуриятчилик системасини янада қатъият билан синдириб ташлашлари керак.

Марказий Комитетимиз Бюросининг иш услубини ҳам бутунлай ўзгартириш лозим. Биз бюрукбозликдан, кўрсатма беришдан, ҳамма ишга васийлик қилишдан воз кечамиз. Биз бошқача фикрдаги кишилар билан мунозара ва мулоқот қилиш санъатини ўрганишимиз, норасмий позициядаги кишилар билан учрашганда ҳам асосий масалада ён бермай, умумий тил топа билишимиз керак. Фақат бизнинг гапимиз — ҳақ гап деб туриш ярамайди.

Янги шароитда Бюронинг ва умуман бутун Марказий Комитетнинг вазифалари жумҳуриятнинг снёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегиясини ишлаб чиқишга ва унинг амалга оширилишини назорат қилишга қаратилиши керак.

Мафкуравий иш, ташвиқот ва тарғибот, КПСС танлаб олган йўлнинг тўғрилигига одамларни ишонтириш ҳам; ҳокимият органларига сайловда халқнинг ишончини қозониш, яъни ҳукмрон партия мавқеини сақлаб қолиш ҳам; танлаб олинган снёсатни ташкилий жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлаш ҳам бизнинг вазифамиздир. Снёсий раҳбарлик усулларининг моҳияти мана шундан иборат.

Халқнинг кўпчилиги танлаб олган ва қўллаб-қувватлаган снёсат қатъият ва изчиллик билан амалга оширилган тақдирдагина унинг қадр-қиммати рўёбга чиқиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Ҳозир баъзи кишилар Марказий Комитет Бюроси ўз йўлини қаттиққўллик билан ўтказаяпти, деб таъна қилмоқдалар. Дарҳақиқат шундай!

Хўш, айтинглар-чи, мамлакатнинг кўпгина регионларида рўй берган фожиали воқеаларга жумҳуриятимизда йўл қўйиб бераверамизми?

Ёки бирор кишида ижтимоий кескинликни юмшатиш, безовта хонадонимизда интизом ва тартибни сақлаб туриш ҳақида бошқа таклифлар ҳам борми?

Шахсан мен коммунист сифатида, Президент сифатида жумҳурият аҳлининг осойишталигини, жумҳуриятимиз келажаги йўлида барча соғлом кучларни бирлаштиришни таъминлаш учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга таййрман.

Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатининг позициялари, иш услуби ҳақида гапирганда умуман республика **партия комитетлари** фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ҳозир хаёлий режалар, маҳсулотларнинг ҳажмлари, тонналар ва кубметрлар партия комитетлари ишига бериладиган баҳонинг мезони эмас. Ҳозир омманинг кайфияти, вазиятни идора қила билиш қобилияти снёсий раҳбарликка баҳо беришнинг бош мезонидир.

Биз ҳаммамиз битта снёсий қонуниятни яхши билиб олишимиз керак: агар партия комитети оммадан ажралиб қолса, агар у оммадан яширинб кабинетларга кириб ўтирадиган бўлса, омма ҳам ундан юз ўгириб, бошқаларга мурожаат қила бошлайди. Снёсатда бўш ўрин бўлмайди.

Ваҳолонки, Фарғонада, Бўка, Паркент районларида ва ниҳоят Андижон областида худди шундай бўлди. Ўша жойлардаги бемаънигарчиликларни обкомлар, райкомлар, уларнинг секретарлари, бюро аъзолари кўрмаганларми? Муттаҳамларнинг қаллобликларини улар билмаганларми? Уюшган жиноий гуруҳларнинг курашини-чи? Оммавий чайқовчиликними-чи? Порахўрлик, уруғ-аймоқлар ўртасидаги ўзаро жанжалларни пайқамаганларми? Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ҳақида оддий кишилар нима деб ўйлаётганлиги, иш топа олмай юрган ёшларнинг фикр-хаёли наҳотки уларга маълум бўлмаган бўлса.

Буларнинг ҳаммасини билганлар, албатта. Аммо улар иллатга қарши қоғоз найзалар билан, қарорлар ва қуруқ буйруқлар билан курашмоқчи бўлганлар. Аллақачон умри гугаган иш услуби эса одамларни ғазаблантирган, кескинликни келтириб чиқарган.

Масалан,биз Андижон область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Орифжонов одамлардан ажралиб қолганлигини унга неча марталаб айтган эдик. Биз унга иш услубини ўзгартиришни, маҳлиёзликни бас қилишни, ижтимоий муаммоларга кўпроқ эътибор беришни айтган эдик. Аммо у маслаҳатларга қулоқ солмади. Бунинг устига область партия комитети вазиятни тўла назорат қилиб турибди деб, бизни ишонтириб келди. Ў вазиятни қандай назорат қилганлигини энди биляпмиз.

Тан олиш керак. Ҳа, партиядаги қайта қуриш жамиятдаги қайта қуришдан орқада қолмоқда. Кўпгина партия комитетлари эскича фикрлар билан юришибди, одамлар билан камдан кам шуғулланмоқдалар ва юқоридан келган кўрсатмага риоя этишнигина ўз ишларининг маъноси деб билмоқдалар.

Иш услубида ижодий ёндашувлардан кўра юзаки ижрочилик устунлик қилмоқда.

Эски услуб ва усулларга барҳам бериш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Бироқ бу ишнинг суръатлари бизни мутлақо қаноатлантирмайди. Энг муҳими эса — ишнинг фақат ташқи томонларигина ислоҳ қилинаётганлиги бизни қаноатлантирмайди.

Келишиб олайлик: бизни ишнинг ташқи томонигина, аппарат тузилишининг ўзгариши, ундаги ходимлар сони қисқаришигина эмас, бизни аввало ишнинг ички мазмуни қизиқтирмоқда. Снёсий натижа худди мана шу мазмунга боғлиқ бўлади, бинобарин партия ташкилотларининг барқарорлиги ва обрў-эътибори, одамларнинг қайта қуришга ишончи ҳам мана шунга боғлиқ бўлади.

Мисол учун Қизилтепа (ўртоқ М. Шамсиев), Учқўрғон (ўртоқ Қ. Раимжонов), Мирзачўл (ўртоқ Н. А. Мирошниченко), Сирдарё (ўртоқ М. А. Ибодуллаев), Свердлов (ўртоқ М. Р. Раҳмонов) ва бошқа кўпгина район партия комитетларини кўрсатиш мумкин. Бу районларда қайта қуришнинг расмий белгиларигина кўринб қолмасдан, шу билан бирга партиявий ишнинг ички мазмуни ҳам тубдан ўзгарди, бу иш меҳнаткашларнинг энг зарур муаммоларини ҳал этишга қаратилди. Мана шу райкомлар, партия фаоллари ва омма ўртасида қандайдир сунъий ғовлар йўқ.

Уларнинг ҳаммалари одамларнинг машаққатли турмушини қандай қилиб енгиллаштириш, ўз халқини қандай қилиб боқиш ва кийинтириш, ижтимоий адолатни қандай қилиб таъминлаш ҳақида биргаликда ғамхўрлик қилиш фикри билан яшамоқдалар. Бу жойларда партия органлари билан норасмий ташкилотлар ўртасида қарама-қаршилик йўқлиги диққатга сазовордир. Улар одамларнинг манфаатларини кўзлаб биргаликда ишламоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар.

Партиявий ишимизнинг бутун моҳияти мана шундан иборат бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Агар биз партиявий ишни нима учун олиб бораётганимизни унутиб қўйсак, оммани ўзимиздан қайтарган бўламиз. Омма бизга ишонмай қўяди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Биз бунга йўл қўймаймиз ҳам.

Биз бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини, фаоллигини ва ташаббускорлигини амалда оширишимиз, улар орқали партиявийлар оммасини партиянинг барча ишларида амалий қатнашувини таъминлашимиз лозим.

Биз бошланғич партия ташкилотлари тузилишининг территориал ишлаб чиқариш принципини сақлаб қолишнинг қатъий тарафдориз ва ишлаб чиқариш коллективларидаги, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги партия ташкилотларини тугатиш йўлида қилинаётган уринишларга қўшила олмаймиз.

Шу билан бирга, эндиликда аҳоли яшайдиган жойлардаги снёсий ишнинг аҳамияти жуда ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, бу жойлардаги бошланғич партия ташкилотларини тузиш тўғрисидаги фикрларни ўзгартириш, муайян жойда яшовчи барча коммунистлар иштирокида бошланғич партия ташкилотларини тузиш зарурияти пишиб етилди. Ҳозирги вақтда истиқомат жойларда тузилган, асосан пенсионерлардан иборат бўлган партия ташкилотлари янги снёсий вазифаларини ўз зиммасига олиши қийин.

Кейинги вақтларда **КПСС аъзолиги** масалаларига эътибор бирмунча бўшашиб қолди. 1985 йилга нисбатан Ўзбекистон Компартиясининг сафи умуман 22 минг кишига кўпайган бўлса-да, республика партия ташкилоти таркибидаги коммунист ишчилар 7 минг кишидан зиёдроқ камайди. Бултур аъзолик бадалларини тўламаганлиги ва партия ташкилотлари билан алоқани узганлиги сабабли КПСС сафидан чиққан кишилар қарийб икки ҳисса кўпайди.

Шу муносабат билан кўпгина коммунистлар КПСС янги Устави лойиҳасида партияга қабул қилиш масалаларига бироз енгилроқ ёндашилганлиги учун ҳақли равишда танқидий мулоҳаза билдирмоқдалар. Номзодлик стажи тартиботини сақлаб қолиш, Уставга партия ташкилотларининг партия сафига кирувчиларнинг снёсий онги ва маънавий қиёфасига нисбатан юксак талабчанликни таъминлайдиган қоидалар киритиш зарур эканлиги тўғрисида кўпгина таклифлар айтилмоқда.

Шахсий аризалар билан КПССдан чиқиш ҳоллари пайдо бўлди. Ўтган йили турли сабабларга кўра 719 коммунист ўз партия билети ва номзодлик карточкаларини топширган бўлса, шу йил бошидан бери яна деярли шунча коммунист партия билетлари ва номзодлик карточкаларини топширди. Бу ҳодисаларни синчиклаб ўрганмоқ керак.

Агар партияга амалпарастлик ниятида кирган киши ундан чиқадиган бўлса, бу ўз-ўзини поклашдан иборат соғлом жараёнларнинг кўринишларидан биридир. Бироқ саросимага тушиб, мураккаб вазиятда тўғри йўлни топаолмаётган кишилар ҳам бор. Бундай кишиларга имкон борича хушмуомалалик билан ёндашиш, уларни шошма-пошма сафдан чиқариб юбормаслик, ҳозирги янгиланиш жараёнларида ўз ўрнини топиб олишда уларга ёрдам бериш зарур.

Кадрлар снёсати масалалари ҳам биз учун муҳимдир. Келинглар, аниқ белгилаб олайлик: «номенклатура» сўзи ва шу сўз билан боғлиқ кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг бюрукбозлик-маъмуриятчилик усулларининг умри тугади. Аммо биз шу баҳонада умуман кадрларга оид масалаларни ҳал қилишга таъсир ўтказишдан воз кеча оламизми?

Биз ходим ҳақида қоғозга қараб фикр юритишни, кадрларни аввало номенклатура-анкета ёндашуви орқали танлашни рад қиламиз. Чунки бу нарса ишни ўддалай олмаган ходимни бир амаллаб қутқариб қолувчи восита бўлиб хизмат қилади. Йўл қўйган хатолари учун ишдан ҳайдалиши лозим бўлган ходимга номенклатура янги лавозим совға қилиб туради. Хўш, адолат қани ўзи?

Бундай ёндашувга кўп кишилар кўникиб қолишган. Баъзи кишилар шундай бўлавериши керак, номенклатура умрбод лавозимда ишлаш ҳуқуқини таъминлаб беради, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозир ўнлаб собиқ раҳбарлар Марказий Комитетга мурожаат этиб «ўзлари учун жой» берилишини қаттиқ туриб талаб қилмоқдалар. Баъзилари бирон бир лавозимга минниб, ишламай ялло қилиб юрадилар, ғалати хом хаёллар билан яшайдилар, ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимини хизматга жойлаштириш бюроси деб ҳисоблайдилар.

Оддий кишилар ва аввало партиясиз кишилар буларнинг ҳаммасини кўриб туриб қораламоқдалар. Ишни барбод қилган ҳар қандай кишининг «иссиқ» жойга ўрнашиб қолишига партия комитетлари ёрдам беради деган ярамас фикр бутунлай ва абадий йўқ қилиб юборилиши керак.

Бироқ, шуни аниқ-равшан айтиш керакки, партия, унинг комитетлари ва ташкилотлари янгича вазиятда ҳам Компартия позицияларида турган номзодларнинг Совет ҳокимияти, давлат бошқаруви ва мафкура муассасалари органларига сайланиш учун олиб борилаётган курашида уларни қўллаб-қувватлашдан воз кечмайдилар, балки уларга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Аввало, уларнинг снёсий ва ишчанлик фазилатларини оширишда, уларнинг билимдонлиги ва снёсий савиясини оширишда ёрдам бериш йўли билан шундай қиладилар, албатта.

Бундан буён партия кадрларини саралаш бошланғич партия ташкилотларининг табсияларини билан, уларга ўзлари таъсия қилган кишиларни юксак ишонч оқланмаган тақдирда партия органларидан ва партия аппаратидан чақириб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан ўтказиладиган қонун керак.

Коммунистик партия ва унинг бўғинлари билан жамоат ташкилотлари орасидаги муносабатларда бюрукбозлик, икир-чикир ишларга аралашиб, беҳуда чеклашлардан воз кечиш умумий қоида бўлиб қолиши керак.

Гап аввало **касаба уюшмалари** ҳақида бормоқда. Партиянинг касаба уюшмаларига бўйруқ беришдан иборат бўлган ва неча йиллар давомида шакланган одати оқибатида бу уюшмаларнинг ҳаракат доираси торайиб қолган эди, уларнинг фаолияти қаттиқ чекланган эди, натижада касаба уюшмалари ўз ҳуқуқлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдалана олмадилар, қайта қуриш жараёнларидан анча орқада қолиб кетдилар. Бугун мана шуни тўғридан тўғри тан олмоқ керак.

Касаба уюшма ташкилотлари, комитетлари ва кенгашлари кўпинча меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жуда муҳим масалаларда кузатувчи бўлиб турибдилар. Хўш, кимдан ва нимадан ҳимоя қилиш керак деган савол туғилади?

(Давоми 6-бетда).

V. Ўзбекистон ССРнинг снёсий суверенитети, жумҳуриятнинг снёсий системасида Ўзбекистон Компартиясининг ўрни ва мавқеи

Ўртоқлар!

Жумҳурият снёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиёти ҳамда миллий муносабатлар муаммоларининг бутун мазмунини ҳал этишда **Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини мустаҳкамлашда унинг ҳақиқий снёсий ўзлигини таъминлашни** энг муҳим бўғин деб ҳисоблаймиз.

Сир эмаски, турли норасмий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари шу масалалар юзасидан сиртдан қараганда кескин ва яққол кўринса-да, бироқ амалда қалтис тавакалчиликдан иборат шиорларни ўртага ташламоқдалар. Масалан, жумҳуриятнинг тўла давлат эркинлиги ва мустақиллиги ҳақидаги даъватлар жуда яққол ва «инқилобий» жарангламоқда. Миллий маҳдудлик ва якқаланиш ғояси зўр бериб тақрорланмоқда. Бироқ айни вақтда ўша мустақиллик учун амалда қандай иқтисодий имкониятлар борлиги, унга қандай қилиб эришилиши, бу нарса жумҳуриятни нималарга олиб бориши ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти.

Биз Совет Иттифоқи билан узвий алоқалар орқали боғланганмиз, биз учун Иттифоқ — шунчаки барча қардош халқлар кучлари тўпланишигина эмас, балки кучига куч қўшилиши ҳамдир.

Шу сабабли биз жумҳуриятнинг снёсий ўзлиги ва иқтисодий мустақиллиги — айримчиликка, маҳдудликка интилиш эмас, балки Иттифоқ таркибига кирувчи бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро манфаатли бирлашув алоқаларини янада такомиллаштириш ва кенгайтиришдан ҳам иборат бўлишини жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бироқ бу ўринда ўз моҳияти жиҳатидан унитар давлат бўлган эски Иттифоқни назарда тутаётганимиз йўқ, балки снёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий жиҳатдан мустақил жумҳуриятларнинг тубдан янгиланган Иттифоқ Федерациясини назарда тутаяпмиз. Ҳамжиҳатликдаги куч-ғайратлар билангина самарали ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларда ваколатларни Иттифоқ органларига ихтиёрий равишда топшириш назарда тутилади.

Ягона Федерация таркибида бўлиб, Иттифоқ миқёсида қабул қилинадиган ва жумҳуриятнинг манфаатларига зид ёки тўла-тўкис мос келмайдиган қарорларнинг мажбурий ижрочи бўлиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Бунга йўл қўймасликнинг кафолати, воситаси нимадан иборат?

Шуни айтиш керакки, Иттифоқ билан Федерация аъзолари ўртасида ваколатларни аниқлаш тўғрисида, СССР, иттифоқдош ва автоном жумҳуриятлар иқтисодий муносабатларининг асослари ва бошқа тоифа қонун ҳужжатлари қабул қилинишига қарамай, биз ҳали асосий масалага етиб боранимиз йўқ. Бу ўринда гап янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда. Масала аллақачон пишиб етилган. Назаримизда биз ишни бошқа томонидан бошлаётганга ўхшаймиз.

Ҳеч кечиктирмасдан Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишга киришиш керак деб ҳисоблаймиз. Бизга кўпмиллатли давлатимизни сақлаб қола оладиган ва жипслайдиган, ҳар бир халқнинг кенг ҳуқуқли эркин ривожланишини таъминлайдиган шартнома зарур.

Биз Қорақалпоғистон АССРнинг миллий-давлат тузилиши муаммоларига, унинг Совет Ўзбекистонининг ажралмас таркибий қисми сифатидаги эркинлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор билан қарашимиз керак. Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини тайёрлаш жараёнида унинг лойиҳасида иттифоқдош ва автоном жумҳуриятларнинг ваколатларини имкони борича фарқлаб қўйишни белгилайдиган қоидалар аниқ таърифлаб берилиши, автоном жумҳуриятнинг мустақил ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва пухта кафолатлаш тартиби асос қилиб олиниши керак.

Жумҳуриятнинг снёсий эркинлигига эришиш халқ ҳокимияти органлари бўлмиш барча поғоналардаги Советларнинг мавқеи ва обрў-эътиборини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар кўришни талаб қилади.

Яқинда Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатлигига ўтказилган сайловлар жумҳурият ҳаётида катта аҳамият касб этди. Умуман сайловлар жараёнида сайловчиларнинг ўз хоҳишларини эркин изҳор қиладиган вазият депутатлик корпусининг сифат жиҳатдан янги таркибини шакллантириш имконияти яратиб берилди. Советларнинг дастлабки сессиялари бўлиб ўтди. Бу сессиялар Советларнинг снёсий бефарқликдан снёсий фаолликка ва ташаббускорликка амалий равишда бурилаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, бундай сайловларни ўтказишнинг дастлабки тажрибаси биз нималардан воз кечишимиз кераклигини ҳам аниқлаб берганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак: депутатлик мандатлари учун кураш ҳамма жойларда демократик вазиятда ўтмади, эскича фикрлаш иллатларига йўл қўйилди. Беодобларча, баъзан эса ножўя усуллардан фойдаланилди. Бундан зарур сабоқларни чиқариб олмоқ учун буларнинг ҳаммасини тан олиш керак.

Ўзбекистонда Президентлик идора усули таъсис этилганлиги муҳим қадам бўлди. Иттифоқ миқёсида бўлганидек, Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши ҳам қонунларни, давлатнинг бошқа ҳужжатларини ижро қилиш воситасини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Жумҳуриятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг снёсий эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун бунинг аҳамияти жуда катта бўлади.

Бевосита бошқарув вазифалари Советларга топширилиши снёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун партия масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилганлигини билдирмайди. Вазифанинг янгича тарзда қўйилиши аввало шундан иборатки, Коммунистик партия ўзининг жамиятдаги мавқеини қонун ва буйруқлар йўли билан қарор топтирмай, балки ўзининг аниқ-равшан ишлари билан обрў-эътиборга сазовор бўлиши керак, жумҳурият бундан буёнги тараққиётини снёсий йўл-йўриқлар билан ишлаб чиқиб, халққа таклиф этиши, бу йўл-йўриқларнинг Советлардаги ва давлат ҳокимияти бошқа идораларидаги коммунистлар орқали рўёбга чиқарилишига ҳаракат қилиши лозим.

Шу сабабли биз Совет ва давлат идораларидаги партия ташкилотларини тугатиш, Компартиянинг шу идоралар фаолиятига таъсирини фақат сайлов кампанияларида иштирок этиш билан чеклаб қўйиш борасидаги уринишларга қўшила олмаймиз. Аксинча, биз Советларда ишлаб турган КПСС аъзолари сайловчиларнинг хоҳиш-талабларини бажариш йўлида юксак масъулият қўрсатишларига астойдил ва оғишмай

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

И. А. КАРИМОВ маърузасининг давоми

(Давоми. Бошн 2-, 3-, 4-, 5-бетларда).

Бу борада анчагина иш қилиниши керак. Ҳар йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига 20 мингдан кўпроқ хат ва оғзаки шикоят тушмоқда. Уларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи меҳнат коллективидаги жанжаллар, уй-жой ва моддий неъматларни тақсимлашда ижтимоий адолат қоидалари бузилаётганлиги, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги тўрачилик ва сансалорлик кўринишлари ҳақидадир.

Кўриниб турибдики, бу шикоят ва аризаларда касаба уюшма ташкилотлари қатъийлик кўрсатиши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини изчиллик билан ҳимоя қилиши лозим бўлган масалалар кўтарилган. Одамлар масалани ўз жойида ҳал этолмай партия идораларига мурожаат қилаётган эканлар, бу нарса касаба уюшмаларимизга ҳозирча худди мана шундай қатъият етишмаётганлигидан далолат бериб турибди.

Ҳозир республика касаба уюшмаларида ташкилий қоидалар ва уларнинг тузилиш шакллари қайта кўриб чиқилмоқда. Расмиятчилик ва тўрачиликдан қутилишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумҳуриятдаги энг оммавий жамоат ташкилоти ўз фаолиятида мустақиллик ва қатъийлик, принципиаллик ва ижодий ташаббускорлик кўрсатиб, қайта қуришни, ҳамма ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлашидан, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишидан Ўзбекистон Компартияси манфаатдордир.

Ешлар билан ишлашда ҳам янги ёндашувлар керак. Комсомол тўғрисидаги масала партия учун ёшларга сиёсий таъсир ўтказиш, уларни инқилобий янгилашга жалб қилиш масаласи бўлибгина қолмай, шу билан бирга коммунистларнинг ўринбосарларини, келажак авлодни сабот билан тарбиялаш муаммоси ҳамдир.

Кўп йиллар давомида жамият ёшларнинг ғаройиботларга қизиқиш, жасоратга интилиш, қийин шароитларда ўзини синаб кўришга тайёрлик каби хусусиятларидан фойдаланиб келдию, аммо ёшларнинг энг зарур ҳаётий масалаларини ҳал этмади. Натижада кўпгина ёшларда ижтимоий ҳимоясизлик, ҳеч кимга ишонмаслик, келажакдан умидсизлик туйғуси ўрнашиб қолди, жиноятчилик кўпайди.

Ёшларга фақат ҳақиқатни гапириш керак. Қуруқ сўзлар, сафсаталар уларнинг меъдасига теккан. Ёшларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини тиклаш вазифаси биз учун жуда муҳимдир. Эндиликда коммунистлар ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга интилишлари ва албатта ҳал этишларини исботлашлари керак.

Ёшларнинг норасмий раҳбарларини, шу жумладан, комсомолдан ташқаридаги раҳбарларини аниқлаш, уларни сиёсий фаолиятга тортиш, улардан ўринбосарлар тайёрлаш керак. Энг муҳими эса, кўндаланг турган вазифаларни ҳал этишда ёшларнинг мустақиллигини таъминлаш зарур. Партиянинг янги Марказий Комитетига жумҳурият ёшлари билан ишлайдиган комиссия ёки кенгаш тузиш жуда зарур бўлиб қолди. Ҳамма поғоналардаги партия комитетларида ҳам доимий ишлайдиган мана шундай органлар тузилиши лозим.

Ҳозир Ўзбекистон комсомолининг, жумҳурият ёшлари етакчи ижтимоий-сиёсий ташкилотининг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир. Бу ташкилотда ҳозир жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ў ўз фаолиятининг янги шаклларини изламоқда.

Коммунистлар комсомолни ўзларига бўйсунувчи ташкилот деб эмас, балки ўзларига тенг маслакдошлар деб билишлари, уларнинг пировард мақсадлари ва шу мақсадларга эришиш йўллари бир хил деб тушунишлари муҳимдир.

Партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Съездлардаги маърузаларда бу ҳақда гапириш одат бўлиб қолгани учун эмас, балки Марказий Комитет Бюроси ветеранларни партиямиз билан бутун жумҳуриятни жипслаштирувчи бўғиндир деб ҳисоблаётганлиги учун бу ҳақда гапираяпман.

Чунки биз ҳақиқатан ҳам улардан қарздормиз. Чунки улар бардош берган кўпдан-кўп қийинчиликлар уларга берилаётган нафақалар билан қопланмайди. Биз буни тушуниб турибмиз ва жумҳуриятнинг ҳозирги имкониятлари даражасида қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Бундан буён ҳам уларга ёрдам беришга ҳаракат қилаверамиз.

Ҳозир эса уларнинг шанига яхши сўзлар айтмоқчиман. Ёшларни тарбиялашдаги ёрдамингиз учун, маҳалла комитетларидаги меҳнатингиз учун, жанжалларни тўхтатиш мақсадида айтаётган сўзларингиз учун, сизларнинг сабр матонатингиз ва ишимизда бераётган мададингиз учун раҳмат сизларга! Соғ-саломат бўлинглар, умрингиз узоқ бўлсин!

Биз бутун турмушимизни янада демократиялашга интилар эканмиз, **барча жамоат ташкилотларига ва ҳаракатларига, келгусида эса партияларга ҳам янгича** ёндашмоғимиз керак. Биз ижобий позицияда турган мана шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Улар ўз масъулиятини англаб, ғангликдан қутилишнинг қийин бўлса ҳам амалий йўлларини қидириб топмоқдалар. Бундай кишилар ҳатто баъзан бўёқларни қуюқлаштириб, сўл тарафга оға бошлаган пайтда ҳам уларни тушунишимиз ва қўллаб-қувватлашимиз керак. Улар билан жар устидаги тор кўприкда тортишмай, балки қайта қуришнинг катта кўпригидан биргаликда олға бормоқ керак.

Баъзилар борки, мавжуд қийинчиликлардан, етишмовчиликлардан ва кулфатлардан сафсатабозлик, сиёсий чайқовчилик, ёвузларча хурсанд бўлиш, ўз ғаразли манфаатларини қондириб олиш учун баҳона сифатида фойдаланмоқчи бўладилар. Бундай кучлар аҳвол қанчалик ёмонлашса, шунча яхши, деб ҳисоблайдилар.

Ўтмишда анча юқори лавозимларни эгаллаб турган кимсалар ҳам уларга қўшилиб кетмоқдалар. Бироқ вазият ўзгариши биланоқ, янги йўналиш ғалаба қилиб, машаққатли курашда ўзининг ҳақлигини исботлаши биланоқ, ўтмишга қарши курашадиган «қаҳрамонлар» жуда кўпайиб кетди. Улар янги тўлқиннинг ўркачига чиқиб олишга интилмоқдалар. Бундай арбобларнинг ҳақиқий башарасини очиб, одамларга яққол кўрсатиб бериш зарур.

Ниҳоят, жуда оз сонли бўлсада, шундай бир гуруҳ ҳам борки, бу гуруҳ ҳар қандай янгиликни, яхшилик сари ҳар қандай ўзгаришни тўсиб қўйишга интиладиган, нескинликни кучайтиришга уринадиган, очиқдан-очиқ жамиятга қарши бўлган кучлардан иборат. Улар вазиятни издан чиқариб, можароларни кучайтириб, шу тариқа тартибсизлик ва бошбошдоқлик жазавасида ҳокимиятга интилиб, хўжайинлик лавозимларини эгаллаб олишга ҳаракат қилаяптилар. Бу хавфга етарли баҳо бермасликка ҳаққимиз йўқ.

Мазкур кучлар миллатлараро муаммолардан фойдаланиб қолишга алоҳида умид боғламоқдалар. Ўтмишнинг бузилишлари ва сохтакорликларидан, ҳозирги хатолардан фойдаланиб, миллий адоват ва муҳолифлик туйғуларини кучайтиришга интилмоқдалар. Мана шундай вазиятда аҳолининг осойишталиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун қонун кучини ишга солиш керак.

Хуллас, Коммунистик партия барча табақалар ва ижтимоий гуруҳлардаги, сиёсий системанинг ҳамма бўғинларидаги ўз таъсирини таъминлаб келмоқда. Бироқ аввалгидек маъмурийчилик ва буйруқбозлик кучи билан эмас, балки эътиқод кучи билан, позицияларнинг аниқлиги билан, жамиятимизни янгилаш ишида барча соғлом кучларни жипслаштириш йўли билан ўз таъсирини таъминламоқда.

VI. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги учун жавобгармиз

Ўртоқлар!

Ошкоралик — қайта қуришнинг катта ютуғи, буни ҳаммамиз сезиб турибмиз. Лекин тайёргарлиги бўлмаган заминда демократия ниҳолларигина эмас, балки сафсатабозлик ва экстремизмнинг ёввойи ўтлари ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Шуни эътироф этиш керакки, қайта қуриш бошланганига 5 йил бўлди, бироқ ҳали ҳам **мафкуравий фаолиятнинг** бус-бутун ва мукаммал концепциясига эга эмасмиз. Партия раҳбарлари мафкура масалалари хусусида кўп гапирмоқдалар. Лекин гап кўп-у, кўмир оз дегандарича бор.

Ҳозирги конкрет вазиятда **миллатлараро муносабатлар** билан боғлиқ бўлган муаммоларга алоҳида эътибор бериш зарур. Октябрь инқилоби миллий масалани ҳақиқатдан ҳам демократик йўсинда ҳал этиш учун шарт-шароит яратди. Шу билан бир қаторда шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларидаги айниш-лар, тўғри йўлдан тойиш-лар миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказди.

Сўнгги вақтларда биз меҳнаткашларнинг **байналмилал тарбияси** тўғрисида уялиброқ гапирадиган бўлиб қолдик. Ҳолбуки, бундай тарбия ҳозир Компартия ишининг асосий йўналишларидан бири бўлибгина қолмасдан, бизнинг кўп миллатли жумҳуриятимиз учун жуда долзарб муаммодир. Бу масалани ҳал қилмаслик яна можаро, яна нифоқ, янги қурбонлар, янги қочоқлар ва ур-йиқитларни кутиш демакдир.

Байналмилал тарбия принципиал янги мазмун касб этиши керак. Назаримизда, бундай тарбия лекция ёки суҳбатлардангина иборат эмас, бироқ ақл-идрок ва ҳалоллик билан ўтказиладиган ана шундай лекция ва суҳбатлар ҳам зарур албатта. Бутун куч-ғайрат асосан ижтимоий ва миллатлараро кескинликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

Қуролли кучларга муносабат ватанпарварлик, байналмилаллик ва гражданлик бурчини нечоғли чуқур уқиб олганлигимизни намоён этувчи тамал тошидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети армия обрўсига путур етказишга; чақириқ тадбирларини барбод этишга, халқ ва армияни бирбирига қарама-қарши қўйиш уринишларига қаршидир. Айни вақтда бу борада муайян доираларда кўринаётган ҳаракатларни якдиллик билан қоралаймиз.

Шу билан бир қаторда биз, армия хизматига салбий муносабатни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетганлиги, Уставга хилоф муносабатлар мавжудлиги, йигитларнинг майибланиб қайтиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳақида бормоқда. Биз рўй-рост айтишимиз керакки, бунга асло йўл қўя олмаймиз. Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан нохуш ҳатти-ҳаракатлардан ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза қилиш учун барча ишларни қиламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Иттифоқ органларига йигитларимизнинг хизматни ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди. Бу масалалар ҳозир ҳал этилмоқда. Чунончи, қурилиш қисмларига чақирилган йигитлар Туркистон ҳарбий округи ҳудудида хизматни ўташлари тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Чақирув комиссияларига Олий Совет ва маҳаллий Советларнинг депутатлари жалб этиладиган бўлди. Ўзбекистондан чақирилган йигитларнинг барча жанговар қисмларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари жумҳурият жамоатчилиги томонидан қатъий назорат остига олинмоқда.

Айни вақтда партия комитетлари, давлат органлари, комсомол ташкилотлари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини тубдан қайта кўриб чиқишлари зарур. Ҳарбий хизмат бизнинг ватанпарварлик ва байналмилал бурчимиз ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Жиноятчилик таҳликали тарзда ўсиб бораётир, бу маънавий-сиёсий вазиятга беқарор қилувчи таъсир ўтказмоқда. 1985 йилга нисбатан жиноятчилик қарийб 20 фоиз, оғир жиноятлар эса бундан ҳам кўпроқ ўсди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари томонидан мансабдор шахсларнинг қонунқоидани бузиш ҳолларига эътибор кучайтирилгани туфайли бу муҳофаза органлари собиқ раҳбарларининг сохта обрўси кўтарилиб кетди. Лекин айни бу ҳол узоқ вақт давомида бошқа жиноятларнинг панада қолиб кетишига олиб келди.

Компартия Марказий Комитети жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан фавқулодда чоралар кўрар экан, салбий ҳодисаларни вужудга келтираётган, одамларни, айниқса, ёшларни ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўчасига киришга мажбур этаётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий сабабларни, илдизларни топиш, уларни бартараф этиш лозим, деб ҳисоблайди.

Гап шу ҳақда борар экан, **оммавий маданият** муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-ҳаришлик руҳи ҳукмдордир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фиғони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқости қилинаётганини айтишиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар. Биз бу билан ҳисоблашмоғимиз керак.

Ажойиб маданий анъаналар соҳиби бўлган халқимизни маънавий айниш ва қўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш учун қонун чиқариб бўлса ҳам қатъий чоралар кўриш керак.

Маданиятнинг моддий базасига назар солсак, уялиб ерга кириб кетгудек бўламиз. Ҳамонки, жамият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳаларига нисбатан сариқ чақа сарфлаётган экан вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одамни тарбиялаш мумкинми? Колхозлар ва совхозлар, заводлар ва фабрикалар, ўқув юртлари, аҳоли маданиятга маҳтал бўлиб турибди-ю, ишчиларимиз, деҳқонлар, ёшларимиз маданиятдан баъзан бебаҳра қолаяптилар, десак ҳам бўлади.

Бугун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид руҳида назар ташлаб, шуни рўй-рост тан олишимиз керак-ки, биз маданият муаммоларига кечириб бўлмайдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз. Нутқлар ва маърузаларда жамиятнинг маънавий тараққиётида маданиятнинг тутган ўрни ҳақида жуда баландпарвоз гапларни кўп айтдик.

Лекин амалда, яъни театрлар ва кинотеатрлар қуриш юзасидан аниқ вазифаларни ҳал этишда, улуғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб меъморий обидаларни таъмир этишда, китоб нашр этишни яхшилашда, халқ санъатини ривожлантиришда, таассуфки, биз ўзимизнинг жарангдор чақириқларимиз ва шиорларимизни амалга ошириш юзасидан озгина иш қилдик.

Нимага мўлжалланганлиги нотайин бўлган иншоотлар ва маъмурий бинолар қурилишига миллион-миллион сўм маблағларни сарфлаб юбораверибмиз, халқнинг маънавий ва жисмоний камолоти учун жуда зарур бўлган клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари қурилишига маблағни аямадик.

Ҳаётимизда санъатнинг ўрни тўғрисидаги Жданов ва Сусловнинг «назария» — қоидалари оқибатида адабиётимиз катта талофат кўрди.

Бизнинг «назариётчиларимиз» адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг биринчи қисмини ҳадеб такрорлайвериб, унинг иккинчи қисмини, яъни, «адабиёт— нозик ишдир, у маъмуриятчилик ва буйруқбозликка мойил эмас», деган қисмини кўпинча унутиб қўйдилар. Натижада бу «назарий» ақидалар аччиқ самара берди: Ўзбекистонда ҳам душманларни қидиришга киришдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди, уларнинг айримлари, чунончи Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шуҳрат, Шукрулло, Саид Аҳмад сингари кўп адиблар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирдилар. Ўзбек халқининг атоқли фарзандлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту каби адабиётимиз намояндалари бошига оғир мусибат тушди.

Ҳозирги ошкоралик ва қайта қуриш даврида яна шуни эътироф этишимиз керакки, биз баъзан ўз тарихимизга жуда бир ёқлама қараб, узоқ ўтмишдаги машҳур олимлар ва шоирларнинг ижодий фаолиятига шу арбоблар яшаган ва ишлаган давр муҳитини ҳисобга олмасдан, замоннинг сохта талқинига суяниб баҳо бердик.

Яқиндагина Ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йилда бўлган учинчи пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли» золим деб тилга олинди.

Халқимиз Марказий Комитет ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. **Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз.**

Ҳозир партиямиз маданият, санъат арбобларининг ҳалол, ҳаққоний сўзига юксак баҳо бермоқда. Аммо ана шу сўз одамларнинг ақл-идроки ва кўнгилга етиб бориши учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Биз болалар ва ўсмирлар учун китоб нашр этишда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибмиз. Чунки, полиграфия саноатимиз қолоқ. Нашриётлар ишидаги қамчиликлар ва полиграфия базасининг заифлиги ҳақида биз ўн йиллардан буён гапириб келмоқдамиз. Аҳвол эса ўзгараётгани йўқ. Давлат план комитети ва Матбуот давлат комитети бу иш билан пухтароқ шуғулланишлари лозим. Миллатнинг маънавий тараққиёти шу ишнинг ҳал этилишига ҳам алоқадор. Кинематографчиларимиз ишида силжишлар бўлишини кутиб турибмиз. Яхши, бадиий жиҳатдан тўлақонли, томошабинлар илиқ кутиб олган картиналар ҳозирча бармоқ билан санарли.

Жумҳуриятимиз катта зиёли кучларга эга, жумҳуриятимиз аҳолисининг учдан бирини ташкил этган фарзандларимиз тақдири ана шу устозлар, яъни **ўқитувчилар** қўлидадир, зотан муаллимларнинг аҳволини яхшилаш барчамизнинг бурчимиздир.

Кутубхона, клуб, музей ходимларининг аҳволи ҳам дуруст эмас.

Урушдан илгариги йилларда биз жумҳурият бюджетининг ярмига қадар маблағни маориф ишларига сарфлар эдик, ҳозир у вақтдагидан бадавлатроқ бўлиб қолганимизда эса, шу эҳтиёжларга анча кам маблағ ҳаржламоқдамиз.

Одамлар, ёш авлод кўз ўнгида **тарих ва маданиятимизнинг ажойиб обидалари** тупроққа қоришиб кетаётгани ўрнини қоплаб бўлмайдиган сиёсий, маънавий талофатдир.

Эндиликда **миллий маданиятни**, унинг руҳий ва маънавий қадриятларини тиклаш Компартиянинг энг асосий мафкуравий вазифаларидан бири сифатида олдинги ўринга чиқиши керак.

Давлат тили сифатида **ўзбек тилининг** қўлланиш соҳасини кенгайтириш юзасидан кўп иш қилиниши керак. Бу ўринда ҳали ҳал бўлмаган кўпгина масалалар бор. Белгиланган режалар амалга суст оширилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этишда босиқ-вазминлик, андиша билан иш тутишимиз лозим. Айни вақтда миллатлараро муомала тили бўлган рус тилини ўрганиш ишини тубдан яхшилашимиз, Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг тил соҳасидаги ва бошқа маданий-миллий эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратилиши керак.

Сира муболағасиз айтиш мумкин-ки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги ана шу катта ишда **знёлиларимиз** асосий, ҳал этувчи ўринни эгаллашлари керак. Знёлиларнинг сўзи одамларнинг ақл-шуури ва дилида ҳамиша акс-садо беради.

Бугунги мураккаб, зиддиятли, турли ларзалар чиқиб турган ва можаролар бўлиб турган вазиятда знёлиларимизнинг доно сўзлари, хайрли ишлари одамлар ва халқлар ўртасида инсонпарварлик ва маънавий нормаларни сақлаб қолишда энг муҳим шартдир.

Жумҳурият Фанлар академияси олимларидан умидимиз катта. Бунинг боиси бор, албатта. Жумҳуриятимизни инқироздан чиқаришнинг ягона демаганда ҳам, асосий йўли илм-фаннинг мададига таянишдадир. Фан-техника тараққиётига, янги ғоялар ва кашфиётларига суянишдадир.

Олимларимизни танқид қилиш ҳам мумкин эди, бундай танқид ҳатто анъанага ҳам айланиб кетган эди, лекин мен уларни қўллаб-қувватламоқчиман. Чунки, шунга имоним комил-ки, жумҳуриятимизда анчагина етук олимлар бор, конкрет ишлар ҳам қилинган, олимларимиз халқ олдидаги масъулиятини ҳам тушуниб турибдилар. Яқинда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим. Ғайрат-шижоат ва ижодкорлик кўпроқ бўлса деймиз. Ёш олимларга ёрдам берайлик. Шундай қилсак дуруст натижаларга эришамиз. Биз бу ёрдамни бериб келдик ва бундан буён ҳам ҳеч аямаймиз.

Марказий Комитет ижтимоий-тараққиёт муаммоларини ўртага қўйишдаги ташаббускорлик ва дадилликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, партия аъзоси бўлган **журналистларнинг** масъулиятини ошириб бораверади, бир томонлама ғаразли ёндашувларга қарши, сохтачиликка қарши, ахлоқ-одобни оёқости қилишга уринишларга, ҳақиқатни фақат мен айтаман деб даъво қилишларга қарши курашаверади.

Марказий матбуот билан ўзаро муносабатларимиз тўғрисида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Бу муносабатлар бир текис эмас. Биз илгари ҳам катор мақолаларда ашёвий далилларнинг «қулоғидан тортилгани», шундоққина кўриниб турган ғирромлик экани ҳақида гапирган эдик.

Виждон амрига қулоқ солиб оқни — оқ, қорани — қора дейиш керак, ўртоқлар. Бизнинг юзимизга лой чаплашаётганида, бунга ошкоралик ва демократиянинг намоён бўлиши деб баҳо бермоқдалар. Буни қаранг-ки, биз Ўзбекистон ҳаётининг муҳим муаммолари бир ёқлама ёритиляпти деб норози бўлсак, бу ошкоралик принципларига тажовуз деб қаралмоқда.

Биз журналистларни чеклаб қўймоқчи эмасмиз. Майли, ёзаверишсин, майли танқид қилаверишсин. Аммо ҳолислик ва андиша унутилмаслиги керак, иккала томоннинг овози эшитилгандагина ҳақиқий ошкоралик қарор топиши мумкинлигини ёдда тутиш керак. Ҳамонки, фақат бир томонгина иттифоқдаги миллион-миллион одамларни чалғитиб, афсона кетидан афсона тўқиётган экан, бу ҳол фикрлар хилма-хиллигидан жуда йироқдир.

Биз даврий нашрларнинг структурасига яна ҳам синчковлик билан назар солишимиз, шу структурани демократиялашимиз, бир қанча янги газеталар ва журналларни нашр этишимиз керак. Марказдаги оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлар тартибига янгича баҳо бериб, ана шу воситалар мухбирларининг жумҳуриятдаги вакиллиги шартларини тайёрлашимиз зарур.

Биз **жамиятшунослигининг** ролига янгича назар солишимиз зарур. Узоқ вақтдан буён жамиятшунослик фани социализм тўғрисидаги догматик тасаввурлар хизматида бўлди, сиёсат ва мафкуранинг изидан борди. Мамлакат ва жумҳуриятимизда содир бўлаётган жараёнларни теран илмий идрок этиш зарур.

Биз кўп партиявийлик шароитидаги ижтимоий ҳаёт қонуниятлари таҳлили дастурига эга эмасмиз. Жамиятшунослар кўп укладлик мавжуд бўлган шароитда, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишдаги иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар тўғрисидаги тасаввурларни баён этиб беришгани йўқ.

Миллатлар ва миллатлараро муносабатлар равнақи, жумҳуриятларнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги, шунчилар синфининг миллий отряди шаклланиши муаммолари ва бошқа кўп муаммолар чуқур таҳлил этилиши керак.

Афсуски, Марказий Комитет ҳузуридаги Партия тарихи институти сўнгги йилларда янги ғоялар, концепциялар билан бизни бахраманд этаётганлари йўқ. Ўйлаймизки, бу даргоҳни тубдан қайта тузиш, эҳтимолки, ижтимоий-иқтисодий муаммолар институтини очиш вақти етилди.

Тошкентдаги Олий партия мактабида олиб борилаётган илмий ишларни ҳамда партия ва совет ходимларини ўқитишни ҳар жиҳатдан янги даражага кўтариш лозим. Бу ерда ҳам туб ўзгаришлар қилиш пайти аллақачон етилган.

Виждон эркинлиги масалаларига ҳам биз янгича позициялардан ёндашишимиз лозим. Компартия динга қарши зўравонлик билан курашиш усулларидан ва ўзбошимчаликдан воз кечиб, давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда ленинча принципларни тўла тиклаш тарафдоридир.

Принципиал позицияларда тураверши билан бир қаторда биз даҳрийлар ва диндорлар ўртасидаги, партия ва совет органлари билан диний бирлашмалар ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш тарафдоримиз.

Бундан кўзда тутилган муддао инсонларнинг фаровонлигидир, ижтимоий муросасизлик, миллий нифоққа, фуқароларнинг манфаатларига путур етказишгача чек қўйишдир.

Хуллас, барча соғлом кучлар одамларнинг манфаатларига, ҳар бир инсоннинг манфаатларига, жамиятимиз ҳаётининг инсонпарварлик, демократик негизларига хизмат қилиши керак.

VII. Демократия ва партиявий бирлик тўғрисида

Съездимиз Ўзбекистон Компартиясининг ҳисобот-сайлов мавсумини якунламоқда. Ушбу анжуманнинг ўзига хос хусусияти партиявий омманинг сиёсий онги тобора ўсиб бораётганидир. Бу нимада намоён бўлаяпти?

Бу, аввало, — ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда ҳушёрлик билан баҳо беришга интилишдир. Кучайиб бораётган инқироз хавфи, бузғунчилик ҳодисалари хавфи аён кўриниб турибди.

Бу — коммунистларнинг жумҳурият тақдири учун ўз масъулиятини, халқ олдидаги ўз бурчини чуқур уқиб олишдир. Бу — тангликдан чиқишнинг йўллари ва воситаларини изчиллик билан қидиришдир.

Бу ўринда энг асосий омил бор — у ҳам бўлса, партиянинг ўзида, унинг сиёсатида, партия фаолитининг шакл ва усулларида теран ўзгаришлар қилмай туриб, тўпланиб қолган фавқулодда ўткир ва мураккаб муаммоларни ҳал этиб бўлмаслигини тушуниб етишдир.

Ўзбекистон коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳаларини съезд арафасида муҳокама қилишда ҳудди ана шу, барчани ҳаяжонга солиб турган масалаларни назарда тутдилар. Фикрлар ва мулоҳазалар нечоғлик хилма-хил бўлмасин, лекин коммунистларнинг шунга имони комил-ки, партиянинг обрўси ҳам, бутун мамлакатнинг тақдири ҳам КПССнинг бўлажак XXVIII съезди қабул қиладиган сиёсий қарорларга боғлиқ бўлади.

Ана шу жуда муҳим сиёсий ҳужжатларга жумҳурият Компартиясида умуман ижобий баҳо берилди. Коммунистлар партия босиб ўтган йўлни идрок этишга, партиянинг жамиятда тутган мавқеи ва ўрнига танқидий ёндашув қайта қуришни теранлаштириш, инқилобий ўзгаришларни кўпайтириб бораверишга азму-қарордир, деб биладилар.

Ғоявий-назарий тасаввурларни қайта кўриб чиқиш, социализмга ақидапарастлик билан қарашдан воз кечиш қўллаб-қувватланмоқда. Партиянинг инсон манфаатларига қаратилган сиёсати, одамларимизга яшаш ва меҳнат қилиш учун муносиб шароитлар яратиш сиёсати умуман маъқуллланмоқда.

Ички партиявий демократияни, чинакам партиявий ўртоқликни ривожлантиришга қаратилган съездолди ҳужжатлари қўллаб-қувватланди, фақатгина қўллаб-қувватланиб қолмасдан амалиётга кенг кўламда жорий этилди.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди делегатларини сайлашда бошланғич партия ташкилотлари бевосита иштирок этдилар. Ҳисобот ва сайловлар чоғида юқори партия органларига ўз вакилларини кўрсатиш онда-сонда бўладиган тажриба эмас, балки умумий норма бўлиб қолди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич ташкилотларининг кўпгина секретарлари бевосита конференцияларнинг делегатлари ва йиғилишлар қатнашчилари томонидан 2—3 та номзоддан танлаб сайландилар.

Коммунистлар сиёсий ҳужжатларни муҳокама қилишдаги на эмас, балки уларни тайёрлашда ҳам, жумладан съезд-ҳужжатларини тайёрлашда кенг кўламда иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловлар бу йўлнинг тўғри эканлигини яққол кўрсатди. Биз партиявий турмушни демократиялаш йўлидаги биринчи ва ҳозирча нозик-ниҳол бўлган бу тажрибани авайлаб авж олдиришимиз керак.

Бутун партия турмушини демократиялаш **партиянинг бирлигини** мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Кўп партиявийлик мавжуд бўладиган шароитда бу айниқса муҳимдир.

Партия қурилишининг асосий принципи — демократик централизм принципи актив ҳуружларга дуч келаётганини пайкамаслик мумкин эмас. Партия Уставидан уни умуман олиб ташлаш, бу принципни «демократик бирлик», «консенсус» қоидалари билан ўзгартириш, яъни партияда мустақил фракциялар бунёд этиш учун йўл очиш таклиф этилмоқда.

Бундай шароитда биз Устав лойиҳасида демократик централизм тушунчаси мавҳумроқ ифода этилганлигига қўшила олмаймиз. Ўзбекистон коммунистлари демократик централизм принципининг сақлаб қолиниши ва янада такомиллаштирилиши лозимлигини аниқ-равшан айтдилар.

Ленин даврида бу принцип партиявий омма ҳокимиятининг кафолати, партиявий тенгликнинг кафолати бўлган эди. Бу принципнинг партияда ҳозир мавжуд бўлган юқори раҳбариятнинг ўз ҳукмини ўтказиши сиёсати билан, яъни бюрократик централизм билан сира алоқаси йўқ, албатта.

Партиянинг бирлиги, бу аввало, маслакдошларнинг иттифоқидир. Уларни **ягона ғоявий позициялар**, умумий мақсадлар бирлаштириб турибди. XXVIII съездда КПСС Марказий Комитетининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури лойиҳасининг умумпартиявий муҳокамаси якунларига кўра қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжат ана шундай жипслашув учун негиз бўлиши керак.

Марказий Комитетнинг Ҳаракат дастури съездолди мунозарасининг ҳужжати сифатида муайян роль ўйнади. Матбуотда съездда ана шу ҳужжатни конкрет ҳаракатлар режасига айлантириш билан чекланиш керак деган фикр айтилмоқда.

Фикримизча, шунинг ўзи сира етарли эмас. Съезд муҳокамасига қўйиладиган ҳужжат икки принципиал қисмдан иборат бўлиши лозим:

биринчиси — кўпгина коммунистлар ва партиясизларни ҳаяжонга солиб турган, принципиаллик билан қўйилган масалаларга жавоб бериши керак: биз қандай жамиятни қурмоқдамиз, халқни нимага даъват этмоқдамиз? Коммунистик партия кимнинг манфаатларини акс эттиради? Унинг ижтимоий негизи нима? Мулкчиликнинг турли формалари, бошқа ижтимоий ташкилотларга бизнинг муносабатимиз қандай ва ҳоказо;

иккинчиси — конкрет ҳаракатлар программаси, иқтисодий ва сиёсий кризисдан чиқиш йўллари, миллатлараро муносабатлар, партияни демократиялаш муаммолари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш ва ҳоқазо.

Бир жиҳатдан биз умумназарий принципиал масалаларни аниқлаб олишимиз керак, иккинчи жиҳатдан эса биздан конкрет таклифларни, конкрет ҳаракатлар режасини кутмоқдалар.

Партияга, бутун жамиятимизга қайта қуриш позицияларида турган кучларнинг жипслашуви сув ва ҳаводек зарур эканлигини биз тушуниб турибмиз. Акс ҳолда қайта қуриш тўхтаб қолади, у гуруҳбозлик курашида эҳтиросларнинг жумбушига келганида тилка пора бўлиб кетади, гражданларнинг бевосита тўқнашувларини ҳам истисно этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз чин кўнгилдан партиядаги иттифоқ, якдиллик тарафдоримиз.

(Давоми 7- бетда).

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

И. А. КАРИМОВ маърузасининг охири

(Давоми. Боши 2-, 3-, 4-, 5-, 6-бетларда).

Лекин якдиллик соғлом принципиал пойдеворга қурилиши керак. Биз партиянинг ирода ва ҳаракатларида якдиллик бўлмаган, фракциялар курашида тилка-пора бўлаётган, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва армиядаги бошланғич партия ташкилотларининг мададидан маҳрум бўлган қандайдир парламент клубига айланиб кетишига сира рози бўлмаймиз.

Бу якдиллик эмас, балки батамом вайрон бўлиш демакдир. Мабодо XXVIII съездда бузғунчилик ва тугатиб юбориш кайфиятлари устун чиқса, **биз шу съезд якунларига кўра жумҳуриятимизда партиямизнинг яна бир анжуманини ўтказишни ва бу йиғинда Программа ва Уставга оид ўз ҳужжатларимизни қабул қилишни лозим деб топамиз.** Охир-оқибатда ҳар бир Компартия аввало ўз халқи олдида сиёсий жиҳатдан масъул бўлгани учун барча принципиал муаммолар юзасидан ўз позицияларини мустақил белгилайди.

Лекин, бундан биз XXVIII съездда нима бўлишини кутиб турамиз, деган маъно чиқмайди. Ўзбекистон Компартиясидан 162 делегат сайланган. Биз уларга партиявий топшириқ билан мурожаат қиламиз: мазкур съездимизда ишлаб чиқиладиган ва жумҳурият коммунистлари маъқуллайдиган позицияларни қабул қилинг ва барча принципиал масалаларда шу позицияни қаттиқ туриб ҳимоя қилинг.

Делегат ўртоқлар!

Менинг маърузам ниҳоясига яқинлашиб қолди. Зиммамизда турган вазифалар енгил вазифалар эмаслигига ишончингиз комил бўлди деб ўйлайман. Йўлимизда бугун жиддий қийинчиликлар бор, улар келажакда ҳам бўлади.

Бироқ, биз белгилаб оладиган ва ҳал қилишимиз керак бўлган муаммоларнинг ҳаммасини республика партия ташкилоти бемалол уддалай олишига ишончим комил.

Ҳозир олдимизда турган мақсадларга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли—меҳнат ва яна бир бор меҳнатдир, илҳом ва маҳорат билан ташкил этиладиган меҳнатдир.

«Инсон — жамиятга, жамият—инсонга ҳамнафас» деган шиор турмушимизнинг қонуни бўлиб қолиши, жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим шартга айланиши керак.

Демократия, қайта қуриш — ўта жоҳил, тўрачилик тартибларига асло сиғишмайди, социалистик нормалар ва қонунларга бебошларча муносабатда бўлишга сиғишмайди деган позицияда қаттиқ турибмиз.

Шу съездда биз жумҳурият меҳнаткашларининг энг зарур, туб манфаатларини ифодалайдиган ҳаракат дастурини ишлаб чиқишимиз лозим.

Яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. Бу ўринда совет кишиларининг байналмилаллиги ва дўстлигининг олий мақсадларини кўзда тутаяпман. Биз шуни қатъий тушуниб олишимиз керак: биз, миллатимиз ва элатимиздан қатъий назар республиканинг барча меҳнаткашлари Ўзбекистон муаммоларини аҳиллик ва жипслик билан бир оиланинг фарзандлари каби ҳал қилганимиздагина ҳар қандай қийин вазифаларни ҳам бемалол уддалай оламиз.

Ўзбекистон — кўп миллатли жумҳурият. Бу ерда қадимий замонлардан бери неча ўнлаб миллат фарзандлари ёнма-ён яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар.

Жумҳурият меҳнаткашларининг дўстлиги инқилоб алангасида, беш йилликларнинг жабҳасида, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида синовдан ўтган.

Ўзбек халқи ҳамиша — кулфатда ҳам, қувончда ҳам бошқа миллат ва элатларга алоҳида ҳурмат билан қараб келган, мамлакат халқларининг қардошлиги ва дўстлигини муқаддас билиб ардоқлаб келган. Бу нарса бутун дунёга маълум. Бу — биз табаррук деб асрайдиган ва шу йўлдаги курашда арзийдиган қадриятлардир, ўртоқлар.

Биз совет кишиларининг, барча миллат ва элатларнинг бирлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш учун аҳиллик билан яхши ишлашга имкон берадиган маънавий, сиёсий муҳитни яратишни ўз бурчимиз деб биламиз. Одамлар ўртасидаги мана шундай муҳит доимо беғубор ва мусаффо бўлсин, бу муҳитга чанг ва гард юқмасин.

Мана шу мақсад йўлида курашса арзийди. Бу вазифани фақат коммунистлар партияси ўз зиммасига олиши мумкин.

Делегат ўртоқлар!

Сизлар жумҳурият партия ташкилотининг барча бўғинларидан вакил бўлиб келгансизлар. Сизлар халқ хўжалиги ва ижтимоий турмушнинг барча соҳалари намояндаларисиз. Сизлар совет кишиларининг барча авлодлари номидан келгансизлар. Мана шуларнинг ҳаммаси ўртага қўйилган муаммони батафсил ва атрофлича муҳокама қилиш, сиёсий йўл-йўриқларни аниқ белгилаб олиш, халқ манфаатларига энг мос келадиган ечимларни топиш имконини беради.

Жумҳурият коммунистлари республика ўз олдига қўйган мақсадларни ва бундан буёнги йўлимизни сўзда эмас, балки амалда аниқлаб олишлари керак. Жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларининг турмушини яхшилашга эришиш учун, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан янада олға боришини таъминлаш ҳаммамизнинг асосий мақсадимиз. Бунга яраша куч-ғайратимиз, сиёсий иродамиз ҳам етарли деб ўйлайман. Халқ олдидаги улкан масъулиятни яхши англаб турибмиз, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Жумҳурият партия ташкилоти ўзининг энг муҳим вазифасини, халқ олдидаги муқаддас бурчини мана шундан иборат деб билади.

Эътиборларингиз учун раҳмат, ўртоқлар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТИ

Комиссия раиси М. А. ЗОИДОВ маърузаси

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг тафтиш комиссияси ўз фаолиятида КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига, шунингдек, «Республика, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тўғрисида»ги Низомга амал қилиб ишлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Тожикистон республика партия ташкилотидаги тафтиш ишининг аҳволи тўғрисида» 1988 йилнинг май ойида қабул қилган қарори комиссиянинг ишида катта ёрдам берди, чунки Тожикистондаги тафтиш ишида очиб ташланган камчилик ва нуқсонлар бизнинг республика партия ташкилотимиз учун ҳам хос эди.

Комиссиянинг иши тасдиқланган режаларга мувофиқ ўтказилди, унинг бутун диққат-эътибори партия бюджетининг ижроси устидан, партиянинг пул ва моддий воситалари тежаб-тергаб сарфланиши, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ҳужжатлар ва хатлар билан ишлаш устидан назорат қилишга қаратилди. Комиссия аъзолари барча областларда бўлдилар, маҳаллий партия ташкилотларининг тафтиш комиссияларига амалий ёрдам бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ишлар бошқармасида, Марказий Комитетнинг нашриётида ва партия муассасаларида барча турдаги молиявий-бюджет ва хўжалик фаолияти ҳужжатлар асосида йилига икки марта мунтазам тафтиш қилиб турилди.

Ўтган тўрт йил мобайнида республика партия бюджетининг даромадлари 104,8 фоиз бажарилди ва 251 миллион сўмни ташкил этди, яъни режалаштирилганидан 12 миллион сўм кўп бўлди.

Маълумки, партия бюджетининг даромадлари икки манбадан — партия аъзолик бадалларидан ва партия нашриётлари фойдасининг ажратмаларидан ҳосил бўлади, ўтган даврда аъзолик бадаллари 52 фоизни ва фойдадан ажратмалар 48 фоизни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида партия аъзолик бадалларидан тушумлар 104,4 фоиз бажарилиб, 130,7 миллион сўмни ташкил этди.

Тафтиш комиссияси партия ташкилотларида партия аъзолик бадалларининг тўланиши ва улар юзасидан ҳисоботлар қай аҳволда эканини мунтазам назорат қилиб турди. 665 минг коммунистдан бултур 35 минг киши (5,2 фоизи) 60 минг сўмлик миқдорда аъзолик бадалларини тўламади, 9 мингга яқин киши эса (1,3 фоизи) 39 минг сўм миқдорида қарздор бўлиб қолди.

Айрим коммунистлар бир йилдан уч йилгача аъзолик бадалларини тўламадилар ва партия ташкилотлари билан ҳар қандай алоқани узиб қўйдилар, бироқ бу ҳоллар ҳамиша ҳам партия йиғилишларида ва партия комитетларида ўз вақтида муҳокама қилингани йўқ. Афсуски, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм областларида раҳбар ходимлар орасидаги коммунистлар ҳам қарздор бўлиб қолдилар.

Комиссия томонидан аниқланган камчилик ва нуқсонлар, партия аъзолик бадаллари юзасидан қарздорлик ҳоллари область партия комитетларининг бюролари ва секретариатлари мажлисларида муҳокама қилиниб, уларни тугатиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди.

Юқорида айтилганидек, партия нашриётларининг хўжалик фаолиятидан тушадиган маблағ партия даромадида анчагина катта улушни ташкил этади. Республика партия ташкилотида иккита нашриёт — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва Андижон область партия комитетининг нашриёти бор. Андижондаги нашриёт ўз қувватларини эндигина ошириб бормоқда ва унинг ҳамма даромадлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Марказий Комитетнинг нашриёти ҳисобот даврида партия бюджетига 116,6 миллион сўм ёки 102,9 фоиз маблағ ажратди. Агар нашриёт ҳамда газета ва журналларнинг редакциялари аниқроқ ишлаб, нашрларни чиқариш графикларига риоя этганларида эди, бу манбадан йил сайин олинадиган тушумлар анча кўпроқ бўлур эди. Марказий Комитетнинг нашриётида жами 24 миллион нусхада 36 та турли газета, 45 та журнал чиқарилмоқда. Бултур газеталарнинг 28 фоизи ва журналларнинг 75 фоизи кечикиб чиқди. Табиийки, шунинг оқибатида қўшимча моддий чиқим қилинди, бу эса нашриётнинг фаолияти пировард натижаларига таъсир қилди. Бу ерда фойдаланилмаётган бошқа имкониятлар ҳам бор. Фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва қайта қуриш масалаларини янада зўр ғайрат билан ҳал этиш зарур.

Республика Компартияси ҳисобот даврида 224 миллион сўм сарфлади ёки маблағ сарфлаш режасини 93,3 фоиз бажарди. Даромадлар харажатлардан 27 миллион сўм миқдорида ортиқ бўлди. Шуни айтиш керакки, Марказий Комитетда маблағлар аниқ мақсад йўлида сарфланди.

Маблағнинг ярмидан кўпроғи (54 фоизи) партия органларини сақлашга ишлатилмоқда. Йилига ўрта ҳисобда шу мақсад учун салкам 30 миллион сўм сарфланмоқда. Кейинги вақтларда, гарчи партия ходимларининг маоши бирмунча ошган бўлса ҳам тўрт йил мобайнида партия органларини сақлаш учун қилинган жами харажат атиги 7,5 фоиз кўпайди.

Делегатларнинг маълумоти учун шуни хабар қилмоқчимиз: харажатларнинг барча моддалари юзасидан маблағ тежалмоқда. Тежалган жами маблағ 27,5 миллион сўмдан ошиб кетди, шундан 16,7 миллион сўми КПСС бюджетига ўтказилди. Бироқ қолган харажатлардан 10,8 миллион сўм тежалганини фақат ижобий баҳоламаслик керак. Турли хўжалик эҳтиёжларига қилинадиган харажатлар қисқарганини табриклаш мумкин, бироқ партия тарғиботига ажратилган маблағнинг 1,2 миллион сўм, мутахассислар тайёрлашга ажратилган маблағнинг 1,1 миллион сўм, даволаш тадбирларига ажратилган маблағнинг 580 минг сўм миқдорида «тежалганини» оқлаш нотўғри бўлур эди. Мафкура ва фаровонлик учун ажратилган маблағни тежаш ярамайди.

Марказий Комитетнинг Ишлар бошқармаси, область партия комитетлари капитал қурилишга мўлжалланган маблағнинг ўзлаштирилишини таъминлай олмадилар. Шу соҳадаги план атиги 94,2 фоиз бажарилди.

Тафтиш комиссияси текшириш натижаларини таҳлил этиб, шундай хулосага келди: партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳозирча ўз молия хўжалик фаолиятини тубдан қайта қуриш вазифасини етарлича сабот билан амалга оширмаяптилар. Область партия комитетлари шаҳар ва район партия комитетларига нисбатан партия бюджети маблағларининг аниқ мақсадга сарфланиши учун лозим даражада талабчанлик қилмаяптилар, баъзан молия ва бюджет интизомини бузиш ҳолларининг пайини қирқмаяптилар. Баъзи область партия ташкилотларида шаҳарлараро телефон, турли алоқа хизмати учун ажратилган маблағ назоратсиз ишлатилмоқда, автомобиль транспортидан фойдаланишда ҳамма жойда ҳам тартиб ўрнатилган эмас.

Бошланғич партия ташкилотларида партия маблағларининг сарфланишига эътиборни қаратмоқчимиз. 1989 йилда улар биринчи марта, гарчи оз миқдорда бўлса ҳам маблағларни ўз хоҳишлари билан сарфлаш имкониятини олдилар. Шу мақсад учун республикада 1 миллион 44 минг сўм ажратилди. Бироқ кўпчилик партия ташкилотлари бу маблағдан фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаб олмаганлиги, уларнинг бир қисми бу ишга унчалик масъулият билан қарамаганлиги таҳлил натижасида маълум бўлиб қолди. Ажратилган маблағдан атиги 460 минг 800 сўм ёки 44 фоизи ишлатилган.

Фойдаланилган маблағнинг анчагина қисми ишламайдиган коммунистларга ёрдам беришга ва қўшимча ҳақ тўлашга, коммунистларни рағбатлантиришга, ҳайрия мақсадларига, идора анжомлари сотиб олишга ишлатилди. Айни вақтда сиёсий ишга, сайлаб қўйилган фаолларга таълим беришга, илғор тажрибани ўрганишга жуда оз маблағ сарфланди. Бундай аҳволнинг сабабини тушунса бўлади, чунки жамиятда ва партияда талайгина муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар тўпланиб қолган.

Аммо иккинчи томондан, бу фикрга ҳамиша ҳам қўшилиб бўлмайди. Бунинг устига биз КПСС Уставининг лойиҳасида ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш кўзда тутилганини эътиборга олишимиз керак, бу нарса партия ташкилотлари билан бундай ташкилот тузилган корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабат шаклларини кўриб чиқишни талаб қилади, бино ва мол-мулкларни ижарага олиш учун муайян маблағ керак бўлади.

Мана шуларнинг ҳаммаси штатни сақлаш харажатларини, моддий-техника базаси чиқимларини эътиборга олиб, қуйидан юқоригача ҳар бир партия комитети, бошланғич партия ташкилоти даражасида бюджетни синчиклаб ишлаб чиқишни, сиёсий иш олиб боришни талаб қилади. Оз сонли партия ташкилотларига дотациялар учун эҳтиёт фондларини тузишимиз зарур бўлади, акс ҳолда биз бундай ташкилотларни мушкул аҳволга солиб қўямиз. Бундан ташқари КПССнинг кекса авлодларига моддий ёрдам бериш учун фондлар, бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга тайёрланиш учун эҳтиёт фондлари вужудга келтирилиши керак. Шу масалаларни атрофлича ва чуқур ишлаб чиққанимиздан кейингина комиссиянинг фикрича, ҳар бир партия ташкилотида йиғилган партия бадалларидан ажратмаларнинг табақалаштирилган нормативларини белгилаш лозим бўлур эди.

Шу билан бирга ҳисобот-сайлов маъракаси давомида кўпгина партия ташкилотлари йиғилиш ва конференцияларда аъзолик бадалларининг 20—50 фоизини ўз ихтиёрида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Айни вақтда бу маблағдан фойдаланилиши устидан назорат қилиш тартиби белгиланмаган. Бошқа жамоат ташкилотларидан фарқли ўлароқ, бошланғич партия ташкилотларида тафтиш комиссиялари йўқ. Ҳозирги шароитда район ва шаҳар партия комитетларида маош оладиган ҳисобчи ходимларни ушлаб тура олмаймиз. Шу сабабли юқоридаги қарорларнинг қабул этилишини бевақт қўйилган қадам ва республика Компартиясининг съезди бу масалага пухта ўйлаб ёндашиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Коммунист ўртоқлар!

Тафтиш комиссияси коммунистларнинг ва ариза билан келган кишиларнинг хатлари ҳамда оғзаки мурожаатлари Марказий Комитет аппаратида ва бошқа партия органларида қандай кўриб чиқилаётганига алоҳида эътибор берди. Тўрт йил мобайнида Марказий Комитетга 95 мингта ёзма ва 46 мингта оғзаки мурожаат тушди. Энг кўп хат ва ариза Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона областларидан ва Тошкент шаҳридан келди. Барча хатларнинг учдан бир қисми Марказий Комитетнинг назоратида бўлди.

1988 ва 1989 йилларда тафтиш комиссиясининг кучи билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бешта бўлимида, «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» газеталарининг ва «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналининг редакцияларида меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлаш қай аҳволда эканлиги текширилди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида хат ва аризалар билан ишлашнинг ҳолати мунтазам равишда умумлаштирилмоқда, бу муҳим ишга бепарволик билан қараётганлардан қаттиқ жавоб талаб қилинмоқда. Андижон ва Каттақўрғон шаҳар партия комитетларининг биринчи котиблари Ҳотамов ва Эшбеков ўртоқлар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилдилар. Шу йил февралида Марказий Комитет Бюроси Фарғона область партия комитетига жиддий мулоҳаза билдирди.

Кейинги вақтларда турли областлардан келган кишилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига гуруҳ-гуруҳ бўлиб мурожаат қила бошладилар. Уларни ер-сув, миллатлараро, диний муаммолар ва бошқа муаммолар ташвишга солмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уларнинг шикоятларини кўриб чиқиш чоғида имкони борича, сабр-тоқат билан муомала қилиб, кўтарилган масалаларни тўғри ҳал этишга бутун куч-ғайратни сарфламоқда. Шу туфайли «Пахта иши» деб аталган ишларни кўриб чиқишда ноҳақликка учраган фуқароларнинг аризалари зўр эътибор билан кўздан кечирилмоқда, маъмурий-территориал бўлиниш масалалари ва бошқа кўп муаммолар тўғри ҳал этилмоқда.

Шу билан бирга одамларнинг мурожаатларида, аввалгидек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа муассасаларининг ишидан, меҳнат тўғрисидаги ва уй-жойни тақсимлаш тўғрисидаги қонунлар бузилаётганидан кўп шикоят қилинмоқда. Шу министрликларнинг съездда ҳозир бўлган коммунистлари бу мисоллардан жиддий хулосалар чиқариб олишлари керак.

Тафтиш комиссияси Марказий Комитет аппаратининг иш услуби ва усулларига, унинг фаолиятини қайта қуришда рўй бераётган ўзгаришларга доимо эътибор билан қараб келди. Кейинги вақтларда етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалалар жумҳурият ҳукуматига, Советларга ва тегишли хўжалик идораларига берила бошлади.

Кўпчилик бўлиб муҳокама қилишни талаб этадиган муаммолар пухта танлаб олинмоқда. Марказий Комитет Бюроси ва Секретариатнинг мажлисларига партиядаги ташкилий-сиёсий, мафкуравий иш ва кадрлар билан ишлашнинг, демократия ва ошкораликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари киритилмоқда. Партиянинг ҳужжатларини тайёрлашга, айниқса, қабул этиладиган қарорларни тайёрлашга нисбатан талабчанлик оширилмоқда. Қарорлар миқдори анча қисқартирилди, партия комитетларига юбориладиган қоғозлар камайтирилди, аппарат астасекин буйруқбозлик-маъмуриятчилик органидан ижрочи органга айланиб бормоқда, унинг фаолиятида расмий-тўрачилик усуллари ўрнига масалаларни билимдонлик билан амалий ҳал этиш усуллари қарор топмоқда.

Бироқ Марказий Комитет аппаратининг ишидаги камчиликлар ҳали бутунлай тугатилмаганлигини айтиб ўтмоқ керак. Бўлимларда баъзан айрим масалаларнинг, меҳнаткашлар мурожаатларининг кўриб чиқилиши асоссиз равишда пайсалга солинмоқда, қабул этилган қарорларнинг ижросини назорат қилиш системаси пухта эмаслиги сезилмоқда.

Комиссия партия комитетлари биноларининг капитал қурилишидаги ишлар аҳволини йилига икки марта текшириб турди. Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона областларида партия объектларини қуришга ажратилган маблағ йил сайин ўзлаштирилмай қолаётганини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Марказий Комитет муассасаларининг штат-смета интизомига риоя этиш соҳасидаги фаолияти мунтазам текшириб турилди, бу соҳада айтарли камчиликлар аниқланмади.

Ҳисобот даврида КПСС Марказий тафтиш комиссияси Ўзбекистон Компартияси тафтиш комиссиясининг фаолиятини ўрганди. Бизнинг шанимизга бир неча мулоҳазалар жуда тўғри айтилди. Биз ички партиявий назоратни етарлича фаол амалга ошира олмадик. Жойлардаги тафтиш комиссияларининг роли пасайтириб қўйилган, улар фаол ишламаяптилар, ўзларини ўзлари партия комитетларига тобе аҳволга солиб қўйганлар. Текширишларга кўпинча юзаки ёндашилмоқда. Улар тегишли партия комитетларига ахборот бериш билан бирга ўзлари очган камчиликларни тугатиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлардан баъзан бехабар қолмоқдалар. Шаҳар ва район партия ташкилотлари тафтиш комиссияларининг кучи билан шу пайтга қадар бошланғич партия ташкилотларидан кўпи билан учдан бир қисмининг партия аъзолик бадалларини тўлаш соҳасидаги иши текширилмоқда. Аъзолик бадалларини тўламасликни ўзларига эп кўраётган коммунистларнинг сони йилдан-йилга камаймаяпти, шунга қарамай бу аҳволни тузатиш юзасидан ҳамиша ҳам кескин чоралар кўрилмаяпти.

Жойлардаги тафтиш комиссиялари партия комитетлари ишидаги жуда муҳим соҳага, яъни фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишга ҳам тузукроқ таъсир ўтказмаяптилар, бу комитетларда ҳужжатлар билан ишлашнинг аҳволига қизиқиб қарамаяптилар.

Ўртоқлар!

Ҳозир коммунистлар партияси ўзини-ўзи қайта қуриб, янгилабгина қолмай, шу билан бирга жиддий си новлардан ҳам ўтмоқда. У ўзини-ўзи янгилашга қодир бўлиб чиқадими, лозим бўлган ўзгаришларга эриша оладими, деган энг муҳим масала ҳаммани қизиқтирмоқда. Мана шундай шароитда ички партиявий назоратнинг мавқеи ва аҳамияти ўзгармоқда. Бу назорат партиявий интизомни мустаҳкамлашга, коммунистлар орасида давом этиб келаётган ва партиянинг обрў-эътиборига зиён етказаётган турли-туман салбий ҳодисаларни тугатиш учун курашга янада кўпроқ хизмат қилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида, партиянинг янги Устави лойиҳасида янги назорат органи — жойларда ва марказда назорат тафтиш комиссияларини тузиш тўғрисидаги ғоя таъкидлаб ўтилган. Бу комиссиялар тўғрисидаги Низомлар эълон қилинди. Бўлиб ўтган конференцияларда барча область, шаҳар ва район партия ташкилотларида мана шундай комиссиялар тузилди.

Бизнинг тушунишимизча, партиянинг назорат-тафтиш органлари мустақил органлар бўлади ва фақат партия органларига — съездга, конференцияларга ҳисобот беради.

Биз КПСС Марказий Комитетининг назорат-тафтиш комиссияларини тузиш тўғрисидаги қарорини астойдил маъқуллаймиз. Бу комиссиялар ички партия турмушида муносиб ўрин олади, деб ўйлаймиз.



Съезд залида.

В. МОЛГАЧЕВ («Совет Ўзбекистони») ва Л. ГУСЕЙНОВ («Правда Востока») олган сурат.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЪРУЗАСИ

Маърузачи — комиссия раиси Т. А. АЛИМОВ

...рматли делегат ўртоқ...

Съезд муҳитининг ўзи, Сиёсий маърузаси, жамият ва партиядаги ишларнинг аҳволини таҳлил этишга делегатларнинг талабчанлик билан ёндашуви, камчиликлар принципиал танқид қилинаётганлиги республика коммунистлари мутлақ кўпчилигининг фаол позициясини, уларнинг КПСС Марказий Комитети билан Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурлари, партиянинг янги Устави лойиҳаларида баён этилган новаторлик ғояларини ижодий ривожлантириш ва амалга ошириш муддаосини яққол акс эттиради.

Шуни айтиш керакки, республика партия ташкилотидаги бутун ҳисобот-сайлов кампанияси демократия руҳида ўтди, янги шароитдаги партия иши муаммолари муқобиллик асосида ошкора муҳокама қилинди, бу эса Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг делегатлар корпусини шакллантиришга ижобий таъсир ўтказди.

Белгиланган вакиллик нормасига, яъни 415 нафар партия аъзосидан бир делегат қилиб белгиланган нормага мувофиқ Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига 1561 делегат сайланиши керак. Делегатларни сайлашнинг янги тартиби делегатлар корпуси таркибига номздлар кўрсатиш ва тавсия этишда бошланғич партия ташкилотларининг имкониятларини анча кенгайтирди, бу жараённи чинакам демократик асосга қўйди. Номзодлар цех ва бошланғич партия ташкилотларида, шаҳар ва район партия конференцияларида кенг муҳокама этилди, рўйхатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Аввалги съездларга делегатлар сайлашдан фарқли равишда коммунистлар делегатларнинг корпусини шакллантиришга жиддийроқ ёндашадиган бўлиб қолдилар. Делегатликка кўрсатилган номзодларга тилаклар, съездда бошланғич партия ташкилотларининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, партия интизомини мустаҳкамлашга, республикада маънавий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга, ўткир ижтимоий масалаларни ҳал қилишни жадаллаштиришга қаратилган йўлни ўтказиш тўғрисида топшириқлар берилди. Аслини олганда, ҳар бир коммунист ўз фикрини билдириш ва кўрсатилган ҳар бир номзод хусусида таклифлар киритиш имкониятига эга бўлди. Бошланғич, район ва шаҳар партия ташкилотлари жами 2152 коммунистни, яъни берилган мандатларга қараганда анча кўп кишини делегатликка тавсия қилдилар. Бевосита область партия конференцияларида 1355 делегат сайланди. Тошкент область партия ташкилотидан 46 делегат, Андижон область партия ташкилотидан 12 делегат ҳамда Бухоро область партия ташкилотининг бутун делегатлар корпуси (146 киши) шаҳар ва район партия конференцияларида, бошланғич партия ташкилотларида ёки бир тармоқдаги бир қанча партия ташкилотлари йиғилишида, яъни округлар бўйича тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайландилар. Одатда сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди.

Мандат комиссияси тақдим этилган материалларни синчиклаб кўриб чиқди ва XXII съездга 1559 делегат сайланганлигини маълум қилади. Делегатлардан «Ўзбекгеология» Ўзбекистон бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Шоёқубов, «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори ўртоқ М. С. Тошпўлатов, республика давлат физкультура ва спорт комитетининг раиси ўртоқ А. Назиров бир вақтнинг ўзида съездга иккита область партия ташкилотидан делегат қилиб сайландилар. Мандат комиссияси ана шу делегатларни Қашқадарё, Қорақалпоғистон ва Тошкент область партия ташкилотларидан вакил, деб эътироф этишни таклиф қилади.

XXII съезднинг 1526 делегати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми белгилаб берган ёпиқ (яширин) овоз бериш тартибига қатъиян мувофиқ тарзда сайланди. Делегатларни сайлаш тартиби бузилганлиги тўғрисида мандат комиссияси номига ариза ва шикоятлар тушмади. Шу билан бирга тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш чоғида Бухоро областининг тўртта район ва иккита бошланғич партия ташкилоти конференциялари делегатларининг қарорига биноан 33 делегат съездга очиқ овоз бериш йўли билан сайланганлиги, бунда улар овозларининг мутлақ кўпчилигини олганлиги аниқланди.

Комиссия ушбу масала юзасидан Бухоро область партия комитетининг иккинчи котиби, съезд делегати Ю. М. Сажневнинг ахборотини тинглади. Мандат комиссияси умуман делегатлар яширин овоз бериш йўли билан сайланиши зарур, деб ҳисоблайди. Бироқ мандат комиссияси ана шу делегатлар тўғридан-тўғри сайлаш принципи асосида кўрсатилганини шунингдек, область партия конференцияси бошланғич, район, шаҳар партия ташкилотларининг қарорини тасдиқлаганлигини ҳисобга олиб, уларнинг ваколатларини эътироф этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси партия ташкилотидан 81 делегат сайланди. Тошкент область партия ташкилотидан 424 киши, Фарғона область партия ташкилотидан 160 киши, Самарқанд область партия ташкилотидан 158 киши, Бухоро область партия ташкилотидан 146 киши делегат қилиб сайланди, булар энг катта делегациялардир.

Бизнинг съездимиз республика аҳолисининг ижтимоий ва касб таркибини етарли даражада тўла акс эттиради. Бугун бу ерга ишчилар ва министрлар, колхозчилар ва олимлар, маданият арбоблари ва ҳарбийлар, ижодкор зиёлилар турли қатламларининг намояндалари ва партия ветеранлари йиғилишган. Съезд таркибида 374 делегат ёки 24,0 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари, 351 делегат ёки 22,5 фоизи — қишлоқ хўжалик меҳнаткашларидир. Орамизда 451 киши ёки 28,8 фоизи — ишчилар ва оддий колхозчилар, ижарачилар, яъни ўз меҳнати, конкрет ишлари билан жамиятимизни янгилаш режаларини амалга ошираётган кишилардир.

Съезд ишида саноат ва транспорт бирлашмалари, корхоналари, қурилиш ташкилотлари раҳбарларидан 106 киши ёки 6,8 фоиз, 38 совхоз директори, 55 колхоз раиси қатнашмоқда.

Илмий ва ижодкор зиёлилар моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, халқнинг маданий савиясини оширишга тобора салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Съездда адабиёт, маданият ва санъат арбобларидан, илмий муассасалар, матбуот, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимларидан 186 вакил қатнашмоқда.

Делегатлар орасида совет, касаба уюшмалари ва комсомол органлари ходимларидан 220 киши бор, уларнинг ярмидан кўпроғи (52,7 фоизи) СССР, Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советларнинг депутатларидир.

Делегатларнинг қирқ фоиздан кўпроғи (629 киши) партия группалари ташкилотчилари, цех ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, партия комлар ва партия бюроларининг аъзоларидир. Ҳар икки делегатнинг бири область, шаҳар ва район партия ташкилотлари сайлаб қўйиладиган органларининг, шу ташкилотлар тафтиш комиссияларининг аъзоси қилиб сайланган. Съезд делегатлари орасида Туркистон ҳарбий округи ва ички қўшинлар партия ташкилотларининг коммунистлари — жами 10 киши бор.

Делегатлар орасида 30 ёшгача бўлганлар 72 кишини ёки 4,6 фоизни ташкил этади, 403 делегат ёки 25,8 фоизи — 30—40 ёшгача, 1015 делегат ёки 65,0 фоизи — 40-60 ёшгача, 71 делегат ёки 4,5 фоизи 60 ёшдан катта бўлган кишилардир. 374 нафар хотин-қиз съезд делегати этиб сайланган.

Делегатларнинг маълумот даражаси қандайлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. 1100 делегат ёки 70,5 фоизи олий ва тугалланмаган олий маълумотга, делегатларнинг 12,6 фоизи илмий даража ёки илмий унвонга эга, шу жумладан 37 киши — академиклар ва фан докторлари, 160 киши — фан номзодлари, 22 киши — Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреатлари, 14 киши республика мукофотларининг лауреатларидир. 423 делегат ёки 27,1 фоизи умумий ўрта ва ўрта махсус маълумотга эгадир.

Ҳар икки делегатнинг бири ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган, улар орасида 14 нафар Совет Иттифоқи ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари бор. 20 делегат Улуғ Ватан урушининг ва 3 делегат — афғон воқеаларининг иштирокчиларидир.

Съездга 23 миллат намояндалари, шу жумладан ўзбеклар, руслар, қозоқлар, тожиклар, қорақалпоқлар, украинлар, татарлар, кореслар, арманлар, туркманлар, қирғизлар ва бошқалар сайланган.

Партия стажига кўра делегатлар қуйидагича тақсимланади: 4 нафар делегат 50 йилдан кўпроқ вақтдан буён партия сафида, партия стажи 50-30 йилгача бўлган 123 делегат бор. 1311 делегат 1960 йилдан 1985 йилгача бўлган даврда партия сафига кирган, 120 делегат кейинги 5 йил ичида КПСС-га қабул қилинган.

Делегатларнинг 80 фоиздан кўпроғи съездга биринчи марта сайланган. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қатнашчиларидан 68 кишини эса область партия ташкилотлари КПССнинг бўлажак XXVIII съездига делегат қилиб сайлаган.

Ҳурматли ўртоқлар! Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларининг таркиби унинг самарали ишлаш имкониятини таъминлайди ва республика партия ташкилоти ички партия турмушининг барча масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ваколатига эгадир.

Мандат комиссияси Ўзбекистон Компартияси XXII съездига сайланган 1559 делегатнинг ваколатларини эътироф этиш тўғрисидаги таклифни съезд муҳокамасига ҳавола қилади.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг АҚШда бўлиши

(Давоми. Бошн 1-бетда).

М. С. Горбачев ўзининг жавоб нутқида юксак эсдалик мукофотлари билан тақдирланганликлари учун АҚШнинг жамоат ташкилотлари ва арбобларига чуқур ва самимий миннатдорчилик билдирди. СССР Президенти мукофотлар топширилишини биринчи навбатда Совет Иттифоқида турмушнинг барча соҳаларини янгилаш ва қайта қуришга доир кенг миқёсли жараёнларни амалга ошираётган совет кишиларининг ролини Америка жамоатчилигининг жиддий таъсири деб ҳисоблашини алоҳида таъкидлади.

«Биз Совет Иттифоқида ҳозирги дунёдаги ўз ролимиз ва масъулиятимизни яхши англаб олганимизга ишонавериглар,— деди М. С. Горбачев.— Одамларимиз ана шу масъулият вазнидан эгилиб қолмайдилар ва биз қайта қуриш билан боғлаган умидларимиз оқланиши учун ҳамма ишни қиладилар».

М. С. Горбачев СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда юз берган ижобий силжишлар тўғрисида гапириб қуйидагиларни таъкидлади: «Агар бу силжиш сақланиб қолса, агар у тағин ҳам каттароқ кучга эга бўлса, у ҳолда бизнинг халқларимиз учун, бу халқларнинг жаҳондаги нуфузи кучи орқали эса бутун дунё учун ажойиб натижалар ваъда қилади».

Мукофотларни топшириш маросимида АҚШ конгрессининг таниқли аъзолари, машҳур жамоат ва фан арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари Ф. Рузвельт ва М. Л. Кинг қариндошлари иштирок этдилар. Совет томонидан маросимда Ю. А. Осипьян, Е. М. Примаков, С. С. Шаталин, А. С. Дзасохов, Г. А. Арбатов, Д. С. Лихачев, Ф. М. Бурлацкий, Г. А. Боровик иштирок этдилар.

* * *

ВАШИНГТОН, 3 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Олий даражадаги Вашингтон учрашувининг якунловчи иш куни бошланди. Эрталаб соат 10.00 да СССР Президенти тушган автомашина Оқ уйга йўл олади. Теварак атрофдаги кўчалар халойиқ билан лиқ тўла. Вашингтон аҳолиси иккала мамлакат ўртасида ишончни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратлари учун М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдириш, унга оқ йўл тилаб қолиш мақсадида бу ерга келишган. Иккала давлат раҳбарлари бир-бирларига пешвоз чиқиш истагини тобора кўпроқ намоён этганликлари сари олий даражадаги учрашувга америкаликларнинг хайрихоҳлиги кун сайин кучайиб борди.

Қаҳва ичиш асносидаги қисқа суҳбатдан кейин М. С. Горбачев билан Ж. Буш Оқ уйнинг шарқий залига ўтишди, бу ерда уларнинг журналистлар билан учрашуви бўлди.

Журналистлар билан учрашувдан сўнг Ж. Буш ва М. С. Горбачев ўз рафиқалари билан бирга СССР Президентини кутиб турган машинага чиқдилар. Тўрт кунлик музокаралар ортда қолди, жаҳон матбуоти бу музокараларни «ХХ асрнинг энг катта воқеалари» жумласига қўшди. Давлат бошлиқлари қўл олишиб хайрлашадилар ва бир-бирларига муваффақият тилайдилар, жаҳон тарихининг дунё маърифати ривожланиши сари кескин бурилиши шу арбобларнинг номлари билан боғлиқ деб таърифланиши шубҳасиз. Шу кунларда дўстлашиб, самимий алоқа ўрнатишга муваффақ бўлган Р. М. Горбачева билан Барбара Буш бир-бирлари билан самимий хайрлашадилар.

Машиналар карвони Оқ уй территориясидан чиқиб, обидалар масканига йўл олади. Машиналар майдонга кириб боргач, тўплардан бир йўла 21 марта ўқ узилиб миллатлар салюти берилади. АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер М. С. Горбачевни фахрий қоровул сафларини айланиб чиқишга таклиф этади.

Тантанали кузатиш маросими тугагач М. С. Горбачев ва унинг ҳамроҳлари вертолётга ўтириб, Эндрюс авиация базасига йўл оладилар.

«Михаил Сергеевич, Сиз Вашингтондан қандай ҳиссиётлар билан кетяпсиз?, — деб сўрашди ТАСС мухбирлари СССР Президентидан. «Яхши туйғу билан, яхши ишлаганимизни ҳис этиб жўнаб кетяпман», — деди М. С. Горбачев.

* * *

МИННЕАПОЛИС (Миннесота штати), 4 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). «Президент Горбачев, биз сизни қутлаймиз!». Бир неча кундирки Миннеаполис шаҳрининг гавжум чорраҳаларидаги нурли рекламалар олий даражадаги Совет—Америка учрашуви муҳитига мослаштирилган. Якшанба куни совет раҳбари бу ерга етиб келганида деярли 400 минг кишилик шаҳар аҳолиси анча кўпайди. Тиғиз бўлиб қолган авиалиниялар, жой қолмаган меҳмонхоналар, усти ёпиқ улкан «Метродом» стадиони журналистларнинг бутун бир армиясига хизмат қилмоқда. Ахир булар америкаликларнинг СССР Президенти билан учрашишга самимий истагининг далили эмасми.

Сўнгги вақтда Совет—Америка муносабатларида юз берган туб бурилиш икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Икки томонлама муносабатлардаги ана шу соғлом янги муҳит туфайли Америка савдо-саноат доираларида яқин йиллар ичида СССР билан АҚШ ўртасида товар оборотини анча кўпайтириш учун шароит яратилиши мумкин ва бу товар оороти оғишмай кўпайиб бориб, буюк давлатларнинг иқтисодий имкониятлари ва мавқеига мос даражага етиши мумкин деган эътиқод мустаҳкамланиб бормоқда.

Амалий ҳамкорликка қизиқиш шу қадар зўрки, ҳозир, ташриф давомида бу қизиқиш аниқ ишларда муассасалашиб каттагина натижалар бермоқда. Масалан, Миннесота штати губернатори Р. Перпич СССР Президенти шарафига берган нонушта зиёфатдан кейиноқ Совет—Америка жаҳоншумул технологиялар институти ташкил этилиши эълон қилинди. Бу воқеага бағишланган маросим дақиқаларгача ҳисобга олиб тузилган сафар режаларига тузатиш киритди. Ана шу маросимда «Пергамон пресс» нашриётининг президенти Роберт Максвелл сўзга чиқиб, жаҳоншумул муассасаларга хос равишда қўшма лойиҳа бутун жаҳонга машҳур бўлади ва тан олинади, деб умид билдирди. Бу ерда Америка, Совет ва Европа олимлари фан тараққиёти йўлида халқаро тадқиқотлар олиб борадилар. Фан тараққиётини эса на миллий чегаралар билан, на жуғрофий, на сиёсий чегаралар билан чеклаб бўлади.

Бу заминда муштарак муаммолар жуда кўп, деди М. С. Горбачев, бинобарин, биз уларни биргалашиб ҳал қилишимиз лозим. Мен жаноб Роберт Максвелл қўшилган ғояни табриклайман. Мен жаноб Роберт Максвеллни кўпдан буён биламан ва мавқеининг фаоллиги учун уни қадрлайман. Жаноб Дуэйн Андреас ҳам шу ерда. Бизни кўп йиллик ҳамкорлик ва айирбош қилиш боғлаб турибди. Бу одам қийин сиёсий шароитда ўз тарафдорлари ва ҳамкасблари, Америка савдо-саноат доираларининг бошқа намояндалари билан биргаликда буюк халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш зарурлигини исботлаб берган. Шундай қилиб, мамлакатларимиз, Европа, халқлар ўртасида қарор топаётган янгиланаётган дунё ва янги ҳамкорликнинг яна бир жиҳатини кўриб турибман. Биз ўз фарқимизни биламиз, лекин фарқларни бир четга суриб қўйиб, ҳаммамизни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш учун бирлашмоқдамиз. Мен бу тадбирга муваффақият тилайман.

М. С. Горбачевнинг Америка савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашуви шу куннинг асосий воқеаси бўлди. Миннесота шаҳрида Американинг ўнлаб йирик фирмалари ва компанияларидаги таклифларнинг бахтли эгалари тоифасини аниқлаш сўнгги дақиқаларгача қийин бўлди. Чунки ҳамма СССРдаги қайта қуриш шароитида амалий алоқаларни кенгайтириш истиқболларига совет раҳбарининг нуқтаи назарини эшитишни истар эди. Бу ерда «эркин савдо зоналари» барпо этиш, консорциумлар, қўшма корхоналар тузишга, ҳамкорликнинг бошқа янги шаклларини излашга зўр қизиқиш билан қаралмоқда.

«Агар қаттиқ чеклаб қўйилмаганда эди, фақат бизнинг штатимиздан 10 мингдан 20 минггача соҳибкорлар учрашувга келган бўлур эди», — деб таъкидлади ТАСС мухбири билан суҳбатда «Беттер зен мани» корпорациясининг президенти Жон Чоль. Унинг фирмаси хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасида қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисида бир қанча совет ташкилотлари билан битим тузиб улгурган.

Миннеаполис — йирик саноат маркази бўлиб, Америка бизнесининг пойтахти номи учун даъвогар шаҳарлардан биридир. Уни кўпинча «Американинг юраги» деб атайдилар. СССРдаги иқтисодий ислоҳот йўлида вужудга келган қийинчиликлар хусусида алоҳида қизиқиш билан айни шу ерда фикр билдирилганлиги тасодиф эмас. Совет—Америка ҳамкорлигини қийинлаштираётган ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тусдаги ғовларнинг ҳали ҳам мавжудлиги муаммоси америкалик омилкорларни ташвишлантирмоқда. АҚШ савдо-саноат доираларида ҳозир СССРга нисбатан савдо сиёсатини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш ва Жексон-Вэникнинг Совет Иттифоқига энг қулай режим яратиб беришни тақиқлайдиган камситувчи тузатишини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўндаланг қилиб қўйиш пайти келди, деган эътиқод кучайиб бормоқда. Иқтисод дорилфунуни профессори Дьюк Томас Нейлорнинг фикрича, ҳозир Қўшма Штатлар учун 70-йилларнинг бошидан буён Америка—Совет савдо алоқаларини ривожлантиришга жиддий тўсқинлик қилиб келаётган Жексон-Вэник тузатишининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадиган энг қулай пайтдир.

«Ҳозир биз ўз штатимиз даражасида савдо-сотиқда Совет Иттифоқига энг қулай режим яратиб беришни хоҳлаймиз. Бу Совет Иттифоқида капитал маблағ сарфлашга тайёр бўлган барча соҳибкорлар учун улкан омил бўлади, — деб таъкидлади Миннесота штати савдо ва иқтисодий тараққиёт бошқармаси раиси Дэвид Спир.

— Бу эса СССР билан биргаликда барпо этилган корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни олиб чиқиш ва Миннесотада сотишга ҳам имкон беради».

СССР билан савдо оороти ҳажми жиҳатидан Миннесота 50 та штат орасида 16-ўринда турса ҳам, шунга қарамай, у илм-фан ютуқлари кўп талаб қилинадиган тармоқлар маҳсулотларини, аввало компьютерларни чет элга жўнатишда пешқадамлик қилиб келмоқда. «Ханиуэлл» корпорацияси 16 йилдан буён СССР билан амалий алоқа боғлаб келмоқда. Химиявий ўғитлар ишлаб чиқарадиган заводларни янгилаш билан шуғулланувчи қўшма корхона муваффақиятли ҳамкорликнинг энг сўнгги намуналаридан биридир. Фирма меҳмонхоналар ва уй-жойларни иссиқлик билан таъминлашни бошқариш системалари учун ускуналар ҳам етказиб бермоқда.

Яна бир жаҳонга машҳур корпорация — «Миннесота майнинг энд мэнюфэкчуринг» (3м) яқинда йўл белгилари, реклама тўсиқлари тайёрлаш учун махсус материаллар ишлаб чиқариш юзасидан Совет томони билан битим тузди. Бу материаллардан Америка космик кемаларида кенг фойдаланилмоқда.

Америка савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У соҳибкорларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сўнгра СССР Президенти 1989 йилги Совет—Америка Қутб экспедицияси қатнашчилари П. Шурке ва Д. Шпаро билан қисқача суҳбатлашди.

«Горбачев — Американинг юрагида!», «Миннесота—СССР — тараққиётдаги шериклар» — «Контрол дейта» компанияси қароргоҳига боришда йўлда автомашиналар кортежини кутиб олган ана шу транспарантларда катта маъно бор, М. С. Горбачев кечқуруни ана шу компания қароргоҳига борди. Компания Совет корхоналари ва ташкилотлари билан амалий алоқаларда 20 йиллик тажрибага эга. 1969 йилда ядро тадқиқотлари бирлашган институтида «Сайбер-1604» электрон системасининг ўрнатилганлиги дастлабки қўшма лойиҳа эди. Ҳозир СССРнинг турли шаҳарларидаги бензин қуйиш жойларида фирманинг электрон ускуналарини кўриш мумкин. Мамлакатдаги кўпгина гидрометеорология марказлари ва сейсмология станцияларини корпорациянинг фирма тамғалари босилган электрон асбоблар билан жиҳозланган. Обороти ҳозир сал кам 3 миллиард долларни ташкил этадиган корпорация раҳбарияти атом электр станциялари хавфсизлигини энг аввало юксак технология ва компьютер ускуналарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобига таъминлаш соҳасида СССР билан ҳамкорлик қилишни ғоят истиқболли, деб ҳисобламоқда. СССР Президенти компания вакиллари билан шу ҳақда гаплашди.

Шундай қилиб, Миннесотада бўлиш режаси ниҳоясига етди. Навбатда — Сан-Франциско. Репортажни кун билан бевосита эшиттириш олиб борган «Кей-эс-ти-пи» телекомпаниясидаги америкалик ҳамкасбларимизнинг сўзлари билан тугаллаймиз: «Бу ҳақиқатан ҳам унутилмас кун бўлди. Одамларнинг юзлари самимийлик, қувонч ва миннатдорчиликдан ёришиб кетди».

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИНГ 60 ИЙЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўрта Осиё давлат дорилфунунининг қишлоқ хўжалик факультети негизида ташкил қилинган Тошкент қишлоқ хўжалик институтига 1990 йилда 60 йил бўлади.

Шу йиллар ичида институт Ўзбекистон ва бошқа қардош жумҳуриятлар учун 41 минг нафар олий маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахассисини ва 693 нафар илмий-педагогик ходимни тайёрлаб берди. 25 минг мутахассис шу институтда ўз малакасини оширди.

Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан келган 1100 киши ўқиб, олий маълумот олди, 152 киши номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлади.

Институтда БМТ курслари бўлиб, уларни 75 малакатдан келган 615 мутахассис битириб чиқди.

Қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари тармоқлари учун ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан бирга катта илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Тажриба станцияларида, муайян муаммоларни ўрганадиган ва тармоқ лабораторияларида 225 нафар илмий ходим ишламоқда. Институт олимлари қишлоқ хўжалиги, биология ва иқтисодиёт фанларининг, халқ хўжалиги тармоқларининг ривожига катта ҳисса қўшдилар, Малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, маданий дам олиш ва маиший шароитларни ташкил қилиш учун замонавий моддий база яратилган.

Қабул қилинган қарорда 1990 йил сентябрь ойида Тошкент қишлоқ хўжалик институти ташкил топган кунининг 60 йиллиги муносабати билан унинг юбилейини ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгашига юбилейни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳукумат қарорларини талаб қилувчи барча масалаларни кўриб чиқиш таклиф этилди.

Тошкент вилоят партия комитетига институтнинг энг яхши ходимларини Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш ва жумҳурият фахрий унвонларини бериш учун тақдим этишга рухсат берилди.

Газеталар, журналлар редакцияларига, радио ва телевидениега ленинча миллий сиёсатни, олий малакали кадрлар тайёрлашни ҳар томонлама яхшилашни тарғиб этишга алоҳида эътибор бериб, юбилей билан боғлиқ эшиттиришлар ва мақолалар бериб бориш топширилди.

Институт ректоратига, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига тарихий сана муносабати билан жамоанинг ижодий куч-ғайратини халқ таълимини қайта қуриш, чуқур билимли, ғоявий эътиқодга эга бўлган, юксак маданиятли, байналмилал руҳда тарбияланган қишлоқ хўжалик ходимларини тайёрлаш вазифаларини бажаришга, институтнинг бутун фаолиятини яхшилашга йўналтириш таклиф этилди.

Маданият янгиликлари



⊙ ОХУНБОБОЕВ номидаги республика Ёш томошабинлар театри жамоаси ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг «Меҳр кўп кўргуздим...» драмасини саҳнага қўйди. Асарни режиссёр Омон Шариф саҳналаштирди.

Меҳр-оқибат ҳақида ҳикоя қилувчи бу спектаклда театрнинг етакчи актёрлари билан бирга ёш артистлари ҳам иштирок этадилар.

СУРАТДА: шу спектаклдан кўриниш.

С. Маҳкамов сурати.

ЎЗБЕК МУСАВВИРИНИНГ ДОВРУҒИ

⊙ УТГАН йили Бельгияда Ўзбекистон санъаткорлари иштирокида Совет Иттифоқи маданият кунлари бўлиб ўтган эди. Маданият байрами кунларида Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида СССР Давлат мукофотининг лауреати, таниқли мўйқалам устаси Баҳодир Жалолов асарлари кўргазмаси ҳам намойиш қилинганди.

Рассом ижоди бельгиялик тасвирий санъат мухлисларига жуда манзур бўлди. Б. Жалолов кўпгина кишилар билан учрашиб, ўз ижодий режалари ҳақида гапириб берди.

Ўша учрашувлардан бирида Кортрейк шаҳри муниципалитети ҳамда «Бельгия-СССР» жамияти атоқли рассомга ижодий ҳамкорликни боғлашни таклиф қилди. Бунга Б. Жалолов бажонидил рози бўлди.

Айни бир вақтда унга масъулиятли ижодий вазифа ҳам топширилди. Гап шундаки, кўхна ва қадимий Кортрейк шаҳрининг шонли 800 йиллигига Бельгияда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар тарихини акс эттирувчи улкан композицион манзаралар чизиш лозим деб топилди. Худди ана шу ижодий буюртма ўзбек рассомига ишониб топширилди.

Мўйқалам устаси бу ишга сидқидилдан киришиб, бўлажак улкан асарнинг хомаки намуналарини яратди. Булар шаҳар муниципалитети томонидан маъқулланди.

Атоқли рассом бошланган ишни ниҳоясига етказиш учун буюртмачилар ҳузурига йўл олди.

А. АКБАРОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Р. — 10073. № 128. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12